


Мир Алишер Навоий



# ФОНИЙ ГУЛШАНИ





2020 / 54-69







Буок бобомиз

*Алишер Навоийнине*

570 йиллигига  
багишланади





میرزا میرزا

میرزا

821.512.133

Н 14



Мир Алишер Навоий

# ФОНИЙ ГУЛШАНИ

*Ғазалар ва Қасидалар*

Форсийдан  
Ўзбекистон халқ шоирини

*Шайхон Ҳамад*

таржимаси

Темизкити "Менгус" 2011

УДК: 821

ББК 84 (5ў)1

H14

**Навоий, Мир Алишер.**

**H14** Фоний гулшани : Фазаллар ва қасидалар / Мир Алишер Навоий ;  
масъул муҳаррир Асрор Самад ; сўзбоши муаллифи И. Ҳаққул ; фор-  
сийдан Жамол Камол тарж. – Т. : MERIYUS, 2011. – 364 б.

ISBN 978-9943-360-95-2

УДК: 821

ББК 84 (5ў)1

Ушибу таржималар Мир Алишер Навоий 20 жилдлик Кул-  
лиётининг 18, 19, 20-жиллари асосида амалга оширилди.

**Масъул муҳаррир  
Асрор САМАД**

**Сўзбоши муаллифи  
Иброҳим ҲАҚҚУЛ,  
филология фанлари доктори**

Анзиз китобхон! Ҳазрати Навоий ғазалларини илк бор ўқиганимда ўн уч ёшда  
эдим. Орадан олтмиш йил ўтибдики, ҳамон ўййиман. Ўқиб, завқига тўймайман. Ана  
шу завқ ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ва  
“Meriyus” национальниг тақлифлари мени шиорнинг форсий бисотидан таржима-  
лар этишга унади. «Девони Фоний»дан икки юз ғазал, ўн қасидани таржималаб,  
хўкмингизга ҳавола этдим. Максадим-ўзбек ўкувчиси буюк бобомизнинг форсий  
манзумалари мазасими ҳам татиб кўрсин. Зоро, Шарқ адабиётида ҳар икки тилда  
бирдек қалам тебратиб, миссализ мерос қолдирган яна ким бор? Менингча, фақат  
Навоий. Ҳуллас, сизага ҳам, ўзимга ҳам айтадиган сўзим шуки,

Ишқинг, юрагинг эрса, Навоийни ўқи,  
Иймон тирагинг эрса, Навоийни ўқи,  
Ихлос керагинг эрса, Навоийни ўқи,  
Ҳар не тилагинг эрса, Навоийни ўқи...

Камоли әхтиром ила

**Таржимон**

Дарвоҷе, наширёт Навоийнинг ўзбек тилидаги «Ҳилолия»  
қасидасини ҳам илова тариқасида ушибу баёзга киритиш и  
лозим топди.

ISBN 978-9943-360-95-2

© «MERIYUS» XMF, 2011 йил.

M 32851



Alisher

2010/94

nomidagi

69

O'zbekiston MK

## ТАФАККУР ВА ТАСАВВУР ЧЕЧАКЛАРИ

Шарқ мумтоз адабиёти, аввало, Мөхият адабиёти. Бу адабиёт маънога толиб, руҳониятга ошиқ. Шунинг учун унда моддадан кўра маънога эътибор доимо баланд бўлган. Фикр, туйғу, мушоҳада, изланиш ва ифода – буларнинг барчаси ўтмиш адабиётида аввало маъно ва мөхиятга асосланади. Илоҳий ҳақиқатларни англаш, уларни эркин ўзлаштириш йўли – бу ҳам маъно йўли. Ҳатто айрим мутасаввиф ижодкорлар руҳни ҳам вужудга ҳаёт бағишловчи бир маъно деб билишган. Уларга кўра, маънисизлик зулматини маъни нури билан бартараф айлаш, ақл, ахлоқ ва қалbdаги бўшлиқларни маъно билан тўлдириш, тафаккурни фақат ва фақат маъно дурлари билан бойитиш – маънавий туғилиш ва ўсиб-улғайиш дегани мана шу ҳисобланади. Зоро, инсоннинг асили ва комили ҳам аҳли маънига мансуби. Шуни назарда тутиб Алишер Навоий:

*Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,  
Ор айлама ҳеч гадолиғдин,*

деган. Аҳли маъни шу даражада қадрли, шу қадар мұтабардир. Акс ҳолда Навоий:

*Ким дедим, узлат эшигин очқамен,  
Даҳри бемаъни элидин қочқамен,*

демасди. Аслида даҳр-бемаъни бўлмайди: унинг ҳар бир ҳаракати, ранги ва оҳангига маъни бор, ибрат бор. Уни маънисиз кўрсатадиган ёки beməniliкка маҳкум этадиган одамдаги гумроҳлик, жаҳолат ва маҳдудликдир. Булар мөхиятни бузадиган, ақл-идрок қийматини ерга қориширадиган иллат ва ноқисликлардир.

*Аё нодон, маъно бўл деб аиди, билдим,  
Ондин сўнгра чўллар кезиб, Ҳақни сўрдим,*

дейди Хожа Аҳмад Яссавий. Бу гапнинг замирида илоҳий мөхиятингни бил, Ҳақ ва ҳақиқатдан ғофил яшашни умр ҳисоблама, деган мазмун яширинганди.

Алишер Навоий бир тилда эмас, балки икки тил – туркий ва форсийда тафаккур оламини сайр айлаган, бе-

баҳо маънолар ҳазинасини яратган санъаткордир. Шоир “Мұҳокамату-л-луғатайын” асарида “олти мингдин абъёти адади күпроқ” форсий девонида “күп турлик дилкаш адолар (ифода ва тасвирлар) ва дилпазир маънолар” мужас-самлашганини айтган бўлса, “Лисону-т-тайр” асарида бундай дейди:

*Форсий назм ичра чун сурдум қалам,  
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.  
Файз еткач ул маонийдан манго  
Топти белгу назми Фонийдин манго...*

Навоий форсийда ёзилган шеърларида гарчи Фоний тахаллусини танлаган бўлса ҳам, унинг қалби боқийлик файзи, боқий сўз ва моҳият илҳоми билан тўлиб-тошган эди. Шунинг учун ҳам мутафаккир шоир Румий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий сингари даҳолар изидан бориб форсий шеъриятга ўзининг муносаб улушини қўшиш шарафига эришган эди. Буни “Девони Фоний”даги фазал, рубоий, қитъа, хуллас, Навоий қалам тебратган ҳар бир жанр ўзича тасдиқлашга қодирдир.

Шарқ шеъриятидаги энг дилбар, энг нафис ва гўзал шеър, ҳеч шубҳасизки, фазалдир. Фазалда эстетик қиммати бўлмаган ҳар қандай нарса четга сурилиб, эътибор фақат ва фақат гўзалга ва гўзаликка қаратилади. Шунинг учун фазалнинг сўз ҳазинаси, маъно, оҳанг, руҳ ва ранг олами бошқа шеър турлариникидан бутунлай ажralиб турди. Ишқ-муҳаббат завқи ва бу завқнинг бениҳоя латифлигини идрок айлаган фазалнавис санъаткорлар сўз ва иборалардан ранг каби фойдаланиб, ҳар турли ҳолат, кайфият, туйғу манзараларини чизиб беришган. Алишер Навоийнинг Фоний тахаллуси билан ёзилган фазаллари форсий тил майдонида от сурган устозларининг фазал на-муналаридан қолищмайдиган даражада маънан бақувват, руҳан самимиятга тўлуғдир.

Ёки қасида жанридаги шеърларни олайлик. Шоирнинг форсий тилда яратилган қасидаларини эътибордан четга суриб, унинг қасиданавислик майдонидаги хизматларини баҳолаш мумкин эмас. Зеро, “Ситтаи зарурия” ва “Фу-сули арбаъа” туркумидаги қасидалар мазмунан бири биридан теран, мушоҳада ва тасвирда мусобақалашадиган

даражада гўзалдир. Навоийнинг ўзи таъкидлашича, “Ситтаки зарурия”даги “Руҳу-л-қудс” деб номланган илк қасида Аллоҳ ҳамдига багишланган бўлса, кейингиси, яъни “Айну-л-ҳаёт” “Мустафо мадҳи сарчашмаси файзидан томчилар”дир. Демак, булар Ҳақ ишқи ва сарвари олам Муҳаммад соллаллоҳу ъалайҳи вассаллам муҳаббатидан туғилган ва бошдин-охир сидқу ихлос, эътиқоду самимиятдан туғилган асарлар эди.

Ҳайриятки, дунёда жонни роҳатлантириб, кўнгилга куч бағишлиб, моҳият эътибори ила руҳни, иймонни асрраб-авайлайдиган илоҳий тушунча ва калималар бор. Инсонни шулар Ҳақ ва ҳақиқат йўлларига бошлайди, шулар ахлоқ ва қалб хасталикларини даволайди, бандасини шулар куфру гуноҳдан халос айлади. Ахлоқда, тафаккурда ва руҳониятда уларга суюнилмаса, улардаги маъно-моҳият сирлари тўхтовсиз равишда кашф этиб борилмаса, одамзод ихтиёрий равишда ўзини азоб-уқубат, кулфат ва бадбахтиларга гирифтор этаверади. Қуръони карим ҳар бир ҳақпарат, маърифатсевар инсон учун умид ва муҳаббат, қисмат ва саодат қомуси. Унда таъкидланишича, Муҳаммад (с.а.в.) энг улуғ ахлоқ соҳиби, Ҳақ элчисидир. У коинотнинг сабаби, хилқатнинг аввали, нубувватнинг хотамидир. Мусулмон оламида бирор бир атоқли ё машҳур зот йўқки, Ҳақ таолонинг охирги пайғамбари ва ҳабиби Муҳаммад (с.а.в.)нинг шариати, яъни муборак йўлидан четлашган бўлсин. Чунки бу йўл – тўғрилик, адолат, муҳаббат ва комиллик йўли. Расулуллоҳни севмасдан, ўзини шу севгига фидо қилмасдан илоҳий ишқ завқига етишмоқ душвордир. Пайғамбаримизга муҳаббат – бу мутлақ ҳолис ва соғ муҳаббат. Бу фақат ақдий бир севги эмас, балки кўнгил ва руҳ ишқи. Навоий “Айну-л-ҳаёт”-да шу ишқ түғёни тўлқинларини ўзига хос самовий миқёсда манзаралаштиради. Ва бу ишқдан бенасиб нафс бандалари хусусида жумладан шундай дейди:

Девмардум, яъни бозор аҳли юлғичлик учун  
Шайланиб, очгай дўкону суди савдо айлагай.  
Олди-сотди айлашаркан, жўш уриб инсофлари,  
Бўрёнинг қийматин бир ҳалта тилло айлагай.  
Қозихона аҳли, кофирилар синиқ дирҳамни деб,

*Юз мусулмон мулкини олмоққа фатво айлагай.  
Дунхиммат, посткашлар азбаройи нафси шум,  
Үзгеларнинг эшигида ўзни расво айлагай.*

Мугасавифларнинг эътирофи бўйича, қалбнинг илм билан тўлиши денгизга ўхшайди. Чунки Расулуллоҳнинг қалби илм ва ҳидоят билан тўла, долғали бир денгиз эди. Илм ва ҳидоят, унинг қалб денгизидан нафсига ўтгач, илм ҳарорати юзага чиқиб, нафснинг сифатлари ўзгаради ва табиати буткул баркамоллашади.

“Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Сиз дунё ишларини мендан кўп яхши билурсиз”, деяроқ дунёни халққа изофа этди ва нафсини дунёга дахлдор даврадан чиқарди”, дейди Абу Наср Сарроҳ. Навоий эса, ушбу ҳақиқатни тушунган ва унга амал қилишни зиммасига олган кишиларни назарда тутиб:

*Гар кўнгил жамъи висол бўстони сари бурса юз,  
Тонг эмаским, марки дунё, марки уқбо айлагай,  
деган эди.*

Одам умри гўзаллик ва чиркинлик, яхши ва ёмон, мағлубият ва муваффақият каби зиддиятли, бири иккинчисига мувофиқ келмас тушунча ёхуд ҳақиқатлар меҳварида айланади. Инсон ҳаммасидан кўпроқ ўзини билиш ва танишда адашгани боис, нима оқ, нима қора, нима тўғри, нима нотўғри – буларни вақтида фарқлай олмайди. Ҳақ билан яқиндан боғлана олмаганлиги учун у нафсдан узоқлашолмайди. Нафсу ҳаво таъсиридан қутулиб билмаган ақл эса, кундан кунга майдалашиб, соҳибини манфаат, тама қўғирчогига айлантиради. Ички ҳаётдаги чалғишлар, бузилиш ва айнишлар нима? Улардан қутулишнинг асосий чоралари қанақа? Безавол бир саодатга эришиш мумкинми, йўқми? Кимга суянганда ва кимдан ибрат олганда одам хато қилмайди, фалокатга йўлиқмайди?

“Қуту-л-қулюб” (“Қалблар озуқаси”) ва “Минҳожу-н-нажот” (“Нажот йўли”) қасидаларида худди шундай саволларга зўр жавоблар бор.

Ҳаёт ва олам ҳеч қачон бир жойда тўхтаб ёки турғунлашиб қолмайди: табиатдаги ҳар бир нарса ўзига хос бир ҳаракат, ички ва ташқи ўзгаришда бўлади. Шунинг учун тун бағрида кун туғилади, ойлар ўзаро ўрин алмасиб,

fasllar ўзгаради. Fasl янгиланаар экан, инсон табиати ва ҳолатларида ҳам албатта ҳар турли эврилишлар юзага келади. Алишер Навоий “Фусули арбаъ”, яъни тўрт фасл деб номланган ва Баҳор, Ёз, Куз, Қиш тасвиirlарига бағишиланган қасидаларида аввало ана шу ҳақиқатга асосла-нади. Улуғ шоир ҳар қайси фасл сийрати ва суратини жуда ёрқин очиб берадиган ҳодиса ҳамда манзараларни бири иккинчисини такрорламайдиган турфа ранг ва оҳангларда жонлантиради. Бу эса, Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишиланган сўзларнинг самимий ифодаланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этган, дейиш мумкин. Навоий Бойқаро таърифида:

*Ҳашамат чўққиси сенга муяссар бўлди чун,*

*Ари ҳам пойингдадир магар, етолмайин хуноб,  
каби юксак фикрларни ёзар экан, айни пайтда қаҳратон  
қишиз азобларига чидаб кун кечираётган noctor одамлар-  
нинг аҳволини ҳам назардан четда қолдирмайди:*

*Камбагал шўрлик қалтирас, кўнглида шавқи олов,  
Мисоли майхўр бошида ҳавоий кайфи шароб.*

*Қашшоқ, бечораҳол гўё қулоги том битган,  
Елкаси ёпишиб икки қулогига, ҳижсоб.*


*Жисмida титрашдин ўзга ҳаёт нишони йўқ  
Гўё ўликка жон соларкан, титратур Ваҳҳоб...*

Қайси бир йўл ва қайси бир тарзда бўлмасин, Навоий барибир ҳақиқатни айтади, кўнгли халқ ахволининг шаффооф кўзгуси эканини барибир билдиради. Навоийнинг форсий қасидалари фавқулодда юксак фикр мақомида яратилган. Айниқса, “Ситтаи зарурия”даги қасидалар фалса-фий-ирфоний мушоҳаданинг теранлиги, руҳоний завқнинг чек-чегарасизлиги ва ёрқинлиги билан ўқувчини ҳайратлантиради. Мехр ва ихлос билан уларнинг таржима қилинишига асосий сабаб ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлаймиз. Навоий ўзбек тилида “Ҳилолия” деб аталган битта қасида ёзган. Қолганлари форсийда битилган ва мутафаккир шоир уларда қасиданавислик маҳоратини бекаму кўст на-

моён айлаган. Ушбу қасидалар илк бора Навоийнинг йигирма жилдлик Мукаммал асарлар тўпламида насрий таржималари билан бирга нашр этилди. Қўлингиздаги китоб Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг Навоийнинг “Девони Фоний” сидан олинган 200 фазал ва ўн қасида шеърий таржимасини ўз ичига олган. Уларни ўқиши насрий таржимага нисбатан ўзгача фикр ва таассурот уйғотиши, энг муҳими, Навоийнинг санъатхонасига яқинлаштириши шубҳасизdir. Бу хайрли иш тўхтаб қолмаслиги керак. Чунки Навоий форсий шеъриятининг ҳажми ҳам, миқёси ҳам салмоқли. Ундаги турли лирик жанрда ёзилган шеърларни ўзбекчалаштирилиши Фоний – Навоийнинг форсий ижод қилган даҳо шоирлар сафидаги мавқенини яқиндан билишга хизмат қиласиди. Ушбу китоб шу жиҳатдан ҳам эътиборга лойиқдир.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ**  
*филология фанлари доктори*

---



# Фазалар



\* \* \*

Эй боғу чаман саҳнида минг нарғиси шаҳло  
Тупроққа ботиб, айлади чехрангни тамошо

Ул лолаю гуллар бари ҳуснинг ила кўркам,  
Ҳам қумрию булбулга етиб шавқи алоло.

Тонг чехрасининг равшани офтоби юзингдин,  
Тун кўксидаги дарду ғаминг — мояйи савдо.

Ул ошиқи бедил ҳама шавқинг ила Мажнун,  
Лек ўэни атаб шунчаки бир ошиқи Лайлод.

Кўрсатди чирой орази Юсуфда жамолинг  
Ки, андин ўлиб телбаю ошуфта Зулайҳо.

Ҳам ойини ошиқлик аро зоҳир ўлурсен,  
Ҳам кўрку камолингга ўзинг волаву шайдо.

Ҳам маъшуқ янглиғ этибон нозу карашма,  
Ҳам ғамзаву ноз бирла солиб ғорату яғмо.

Ул ошиқу маъшуқ ила ишқ, жумла ўзингсен,  
Ҳар лаҳза бўлиб янги қиёфатда ҳувайдо.

Фонийдир ўшал икки жаҳонда сенга ошиқ,  
Ишқинг ила бандангни фано айла, Ҳудоё.

\* \* \*

Күэга илгаймен нечук ул маснади шоҳонани,  
Кўнглим истар хирқа бирлан гўшаи майхонани.

Жон қушин ром айламак истар эсанг, бер нуқлу май,  
Сайд этарга сув қуийб, сўнгра сочармен донани.

Май агар дунёча бордир, биз симиргаймиз ҳама,  
Майфуруш, бизлар учун хумдан яса паймонани.

Ўэни ўлдиридим, нечукким, май буюординг, эй ҳаким,  
Ақли борлар майга дуч этгайму ҳеч девонани?

Майкада тупроғи маст айлар мени, эй пири дайр,  
Бода лойидин бино этдингми бу кошонани?

Воизо, айтганларинг кўзларга уйқу келтирур,  
Бизни ухлатмоққа айтарсанму бу афсонани?

Ёр эрса ҳамдамим, аҳбоб не ҳожат ҳам рақиб,  
Ошно сифмас арога, қўй ўшал бегонани.

Рахна соғди неча бор кулбамга шу гардуни дун,  
Истагай бошимга афдармоқ ўшал вайронани.

Фониё, ул дам сенга жонимни этгаймен фидо,  
Жон берар чоғимда келтирсанг менга жононани.

\* \* \*

Кўз кўриб ул ҳусни раънони кўнгил мойил эрур,  
Йиғларимга кўз сабабчи, оҳларимга дил эрур.

Истарам ёқсин ниқобин ўт тушиб ул чехрадин,  
Йўқса, ёrim гул узорин кўрмоғим мушкул эрур.

Зулмати ҳижрон аро ичсам агар оби ҳаёт,  
Оғудир ул менга, жоним қасдига қотил эрур.

Гарчи кўнгилни ёритгайдир ўшал офтоби май,  
Ул даги зеб, гулшани ҳуснинг аро дохил эрур.

Мен Ҳизр суйи ила Ийсо нафасни истамам,  
Етсам ул лаъли лабингта иккиси ҳосил эрур.

Лабларинг жондир, унинг гулғунчаси дилдан нишон,  
Ўзгалардир обу гилдан, сенга хилқат гул эрур.

Фониё, севдинг, муҳаббат кўйинг қўйдинг қадам,  
Ўйла, ул хавфу хатарларга тўла манзил эрур.



\* \* \*

Эй, гулбаҳор ҳуснинг ила чехрамда гул, гулзорлар,  
Ҳам санчилиб кўксим аро андин тиконлар, хорлар.

Ҳажринг тифидин муттасил, воҳ, чок-чокдир бу кўнгил,  
Лекин тиколмас чокини ул игна бирлан торлар.

Кулбамга келсанг, дилбарим, йўқдир, кўринмас пайжарим,  
Бошимга тупроқ ёғдириб, кўммиш мени деворлар.

Ол юэли бўлса ёрижон, ҳамранг бўлурмен мен қачон?  
Қондин менинг, майдин унинг, гулгун эрур рухсорлар.

Ҳай, мен нечук шу лаҳзада юэни ўтиргум қиблага,  
Ҳар тола сочи бойланиб, бўйнимдадир зуннорлар.

Ҳамроҳ эди ақлу фунун, бошимга ёприлди жунун,  
Энди гўдаклар тош отиб, теграмдадир бозорлар.

Шеъримга сиз ҳайрат этиб, илло, деманг ёзмиш нетиб,  
Илҳоми Жомийдин этиб, Фоний битар ашъорлар.



\* \* \*

Кириб майхона ичра муғбача урди чунон оташ  
Ки, ёнди дину тақво, чулғади ул хонумон оташ.

Мен әрдим унда сокин, оғият буржида осуда,  
Бу вайрон күнглим уэра тушди чақнаб ногаҳон оташ.

Чунон оташки, жаннат ҳурлари ҳам ўэни ёндиғай,  
Агар дүзахга тушса, учқуни бермас омон оташ.

Кетур, соқий, оловранг бодаким, мен нұши жом айлай  
Ки, ёнсин хонумоним, ўртасин жону жаҳон оташ.

Йиғи бирла күнгилга сув сепарман, жонга соқийнинг  
Оловдек лаъли ёди солмаса гар ҳар замон оташ.

Эмас ул оташин гул, лолаларким, күксіда доғлар,  
Юзингдин рашқ этиб, боғлар оловдир, бүстон оташ.

Ёнарлар үт бўлиб ошиқ юраклар дашти ҳижронда,  
Бу суратда кўрар тун-кечаларда карвон оташ.

Тилармен ёпсам ишқин шу хашак жисмим ила, лекин  
Қачон бўлгайки, ул хас остида тургай ниҳон оташ?

Куярмен бўйлайким ҳижрон тунида, тиксалар чодир,  
Ёнар ул бошим уэра, ёндирап ул бегумон оташ.

Этармен орзу, ул майхона ичра майга фарқ бўлсан,  
Самандар ҳам кириб ўтхонага туттай макон оташ.

Тириклик даштидин ўтсанг, қадаҳ ол тўлдириб, Фоний,  
Қаро тун, йўл хатарли, қўйма қўлдин бир замон оташ.

\* \* \*

Олам истарманқи, унда аҳли олам бўлмасин,  
Унда олам аҳлининг бедодидин ғам бўлмасин.

Тонгида мунглиғ ғариблар ашкидин сели бало,  
Шомида оҳи аламлар ичра мотам бўлмасин.

На фалак жабру жафосидин юракда юз алам,  
На ситам шамширидин заҳми дамо-дам бўлмасин.

На парирўларки, мутлақ одамийликдин йироқ,  
На ёвуз девларки, мундоқ жинси одам бўлмасин...

Бу ҳавас мушкул ҳавасдир, эй кўнгил, майхона бор,  
Жоми Жам бўлсин сополи, бошқа ўлчам бўлмасин.

Лаългун май қуйки, бўлсин бўйлаким софу зилол,  
Осмон акс этсин унда, ўзга маҳрам бўлмасин.

Сўнгра сипкоргил чунонким, жом гардун бўлса ҳам,  
То жаҳаннам туви янглиғ остида нам бўлмасин.

Фориғ ўлсин бу кўнгил яхшию ёмондин даҳро аро,  
Топмасин излаб тахайюл, ортигу кам бўлмасин.

Фониё чекма, жаҳон ташвиш, муаммосини, қўй  
Ки, ечар аҳли хирад ҳар қанча мубҳам бўлмасин.

\* \* \*

Нигорим турку тожикдир, этар юз хона вайрона  
Ки, тожиконадир киприклари, күэларки туркона.

Муродим ул эрурким, күэларимни сочига сурсам,  
Тароқ этсам анга киприкларимни, айласам шона.

Қанотин, тонг әмаским, дил қуши бир кеча күйдиргай  
Ки ул шам бошида чун айланиб, парвона-парвона.

Бу ишким уйига кирмакка қўксим чокидир эшик,  
Алифлар ёндароси, хатлари ўстида дандона.

Ўзимни тортамен девор тагига соя деб ҳар дам  
Ки, оҳим тафтидин тушмиш бошимга шифти кошона.

Қоронғу хилватинг қўй, дайри муғон сори бор, эй шайх  
Ки, бода нуридин равшан эрур ул кунжи майхона.

Гуноҳкор деб мени маҳваш белимга бойласа зуннор,  
Гуноҳим кечса, олсин, айлагум динимни журмона.

Қадаҳ тут ўзгаларга, менга бер шоҳкоса, эй соқий,  
Вале май хумини қўнглим учун сен айла паймона.

Насиҳат айладинг Фонийга, не ақлу хирад сенда,  
Тафаккур эт, магар пандингни ҳеч тингларми девона.

\* \* \*

Дайр аро ул кофири маст офати жондир яна,  
Дин уйим бу бода сели бирла вайрондир яна.

Зухду тақвонар биносин кўкка етказдим неча,  
Воҳки, май тӯфони босди, бори яксондир яна.

Сачради устимга бода, гарчи хирқам бўлди ҳўл,  
Колмади доғи, қуритган доғи ҳижрондир яна.

Каъба азмин мен нечук айлай кечиб майхонадин,  
Ташқари чиқмай туриб кўнглим пушаймондир яна.

Менки бойлаб белга зуннор, бўлдим охир бутпараст,  
Бунга боис миллатим, ул номусулмондир яна.

Дайри муғ сорига бордим, дилда ишқи муғбача,  
Дин ила кўнглимни бердим, унга қурбондир яна.

Солди ишқ кўксимга доғлар, мен нечук айлай ниҳон  
Ки, яқо чоким яқодин токи домондир яна.

Ўлмагим ишқида мушкул эрди, ҳижрон етди, бас,  
Фониё, юрмак фано йўлига осондир яна.

2020/34	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
69	

\* \* \*

Күэим ёши қади сарвингта доим жилвагоҳ ўлсин,  
Оёфинг остига жоним тўшалсин, хоки роҳ ўлсин.

Күэим оқини гар иссиқ эканда айласанг манзил,  
Қароси бошинг узра соябон, чатри сиёҳ ўлсин.

Сипоҳ сурсанг қуюндеқ ҳар тарафга, хоксор жоним  
Дамо-дам бошинг узра эврилиб, гарди сипоҳ ўлсин.

Ҳаводис эулмидин ҳар кимса қочганда бирор ёққа,  
Бирор майхона кунжи бошимиз узра паноҳ ўлсин.

Агар ул муғбача бизни қўйиб, муғларга май тутса,  
Диним уйи буэйсин жавридин, ҳоли табоҳ ўлсин.

Улуш берса магар май қўйқасидин бизга пири дайр,  
Тағори осмону жоми унда меҳоу моҳ ўлсин.

Магар май қўзасин риндлар қўтармоги гуноҳ бўлса,  
Сенинг елкангда, эй Фоний, ҳамиша шу гуноҳ ўлсин.



Чарх	Чарх
Кал	Кал

\* \* \*

Фақирлик йўлида чун тавфиқи Ҳақдин нишон тавба,  
Басе тавбамни буздим, истагаймен ончунон тавба.

Не эрмиш тонгда айлаб тавба, кечмак шом аро андин,  
Мени шарманда қилди бўйлаким бехонумон тавба.

Бу янглиғ бўлсаю тавба, дамо-дам бузсаму тузсам,  
Бузармен ҳам тузармен ҳар куни мен неча сон тавба.

Ёмондирмен, ёмонликдин этармен тавба, эй носих,  
Гўзаллар ишқидин этгум нечук мен нотавон тавба?

Ичиб май, муҳтасиб қўлига тушсан ҳар куни, тонг йўқ,  
Ҳадиси аввалим, шу ондаёқ этгум равон тавба.

Агарчи кексадирмен, нозанин ёр ишқидин кечсам,  
Узармен бошини ул, топмагай мендин омон тавба.

Бузиб тавбамни чун ҳоли шикаста бўлдим, эй Фоний,  
Не этсам тавбага ул, менга этгайдир ҳамон тавба.



\* \* \*

Киприкларинг тикони деб мингларча зор сенга,  
Гулдек юзингни кўргали минг интизор сенга.

Хазон ҳеч етмасин, ҳай-ҳай, баҳор латофати  
Юзингни яшнатиб, бермиш гулгун узор сенга.

Дило, тиярмен демагил ўзингни ноладин,  
Чун дўстки жилва кўрсатур, не ихтиёр сенга?

Хуморинг дардига чора жоми гулранг эрур,  
Гаҳи гулфунча айласа ранжи хумор сенга.

Умринг ўтар, жоми майингни қўлдин қўймагил,  
Яқин келолмагай андуҳи рўзгор сенга.

Этогингдин тутса тикан, этогинг силкима,  
Гар вафо аҳли хокига етса гузор сенга.

Фақроу фано водийсига манманлик айлабон,  
Борма, Фоний, борар бўлсанг, айтгил, не бор сенга?



\* \* \*

Ул кокили мушкинки, юзинг уэра никобинг,  
Оҳлар чекамен очгали ул сирли ҳижобинг.

Ганж эрмиш ўшал ҳуснингу андин жаҳон обод,  
Вайрона дилим қолди фақат, бўлди харобинг.

Соқий, майи равшан менга бер, баски дилим раш,  
Боис анга даврон, яна зулфингдаги тобинг.

Ой эрмас эсанг, йўл юрасен мунча йироқлаб,  
Умр эрмас эсанг, айтчи, нечун бўйла шитобинг?

Дерсанки, лабим деб не учун жонни тикарсен?  
Эй жон, сабабин топғил ўзинг, сўйла жавобинг.

Афсонаи умримни сенга сўйласам ҳар гал,  
Бахтим каби уйқуга кетар чашму қарофинг.

Оҳлар чекасен муғбачалар ишқида, Фоний,  
Бас, пири муғон наздида чун келди ҳисобинг.



\* \* \*

Улким ҳамиша илкида жоми шароб эрур,  
Айб айламанг, шому саҳар масти хароб эрур.

Майдин кўтаргайму ўшал бир лаҳза бошини  
Ки, бошида боди ҳаводир, чун ҳубоб эрур.

Сарриштаси тортар уни харобот саҳнига,  
Ҳар мастки тушгай арога, ул ҳам хароб эрур.

Кавсар майини ич ҳури жаннат илкидин,  
Дўзах аро махмурлигинг, эй дил, азоб эрур.

Жоми яқин изла дайри фано ичраким,  
Манманлик матлаб юзини тўғсан ниқоб эрур.

Эй муғбача, юзинг мисли қирғовул юзи,  
Ўшал юзингдек жом ичра майи ноб эрур.

Кўз очиб юмгунча яна ўзгадир замон,  
Умри азиз, суръатингда мунча шитоб эрур?

Майхонада майга ғарқмен, тавбадин кечиб,  
Эй шайх, маъзур тутгилки, бу дунёйи об эрур.

Фоний, кўнгилни бермагил дунёйи дунга ҳеч,  
Ҳар неки бор дашти фано ичра, сароб эрур.

\* \* \*

Базмгоҳ этди яна ғунчаю гул бўстонни,  
Чорла, эй боди сабо, булбули хушилҳонни.

Безади баски фалак қасрини ул сунъ қалами,  
Камалак рангларидин рангин этиб айвонни.

Гул чаман ичра чечаклар юзидин оқди гулоб,  
Сочди ҳар ёнга сабо қатраи дур, найсонни.

Яна ишқ ичра ёниб булбули хушхон ҳар дам,  
Тузди гул таърифида турфа наво, достонни.

Ўлтирибсен бўйла гул фаслида ҳушёр, тургил,  
Базм учун бизга ясат боғда саро бўстонни.

Тут ғанимат неча бир лаҳза умрни, танимас  
На сабот вакту замонни, на бақо давронни.

Бода ич дўсту биродарлар ила, топмассен  
Сен уларни, ҳам улар сен каби бир инсонни.

Не ажаб, сидқу вафо йўқ эса умрим гулида,  
Етказай қўкка чу булбул каби мен афонни.

Ишва бирла дайр аро мугбачайи бодафуруш  
Этди сармастки чунон, олди дилу иймонни.

Фониё, гар киши ул толиби жонон, не ажаб,  
Ёр сари қўйса қадам, ишқида бергай жонни.

\* \* \*

Мастлигимга ул сабухи муғона боисдир,  
Кейин ортидан хумори шабона боисдир.

Саҳар қушлари гулни деб чекдилар нола,  
Тонгда ичмагимга ўшал тарона боисдир.

Ўшал ой ўқига дилни айладим нишон,  
Ўзгалар ўқига ўшал нишона боисдир.

Тушдим холу рухсори деб зулфининг домига,  
Қушнинг асирилгига сув ва дона боисдир.

Замон-замон майхонага югурсам, не ажаб,  
Замон аҳли жафосию замона боисдир.

Не сўрарсен мажнунлигу мастлигим боисин,  
Дунё аталмиш шу ажиб корхона боисдир.

Юз баҳона ила Фоний қутулса гар ўздин,  
Фано даштига бормоқлик баҳона боисдир.



\* \* \*

Гулшан ичра кирдим, ул сарви хиромон йўқ эди,  
Йиғладим, кулгувчи ул гулбарги хандон йўқ эди.

Ҳар тараф елдим, югурдим мен булатдек боғ аро,  
Унда оҳимдин бўлак ошубу афон йўқ эди.

Истадим чексам кўнгилни сабр манзилгоҳига,  
Бўйла эрди дарди ҳижронимки, дармон йўқ эди.

Иэтироби дил туфайли бўлди расволик ишим,  
Сабри тоқат ҳам анга жонимда бир он йўқ эди.

Лозим эрди манзилим сорига сокин қайтмагим,  
Кўнглим ичра бу тахаммул, сабру сомон йўқ эди.

Сирри ишқим бўлди қотил посбонларга аён,  
Баски, ул соатда менда ташвиши жон йўқ эди.

Фониё, ул нозанин ҳажрида маъзур тут мени,  
Кўйида девона бўлмасликка имкон йўқ эди.



\* \* \*

Биз қайдаю зұхду ибодат қаён?  
Маст қаён, тақвою тоқат қаён?

Фунча яро ичра дилім дардманд,  
Дард қаён, захму жароҳат қаён?

Сарву гулинг сүйлама, эй борбон,  
Қайды улар, оразу қомат қаён?

Мақтама туз конини, беҳуда ул,  
Қайда ўшал, кони маломат қаён?

Тор күринур бизга басе хонақоҳ,  
Шоҳрахи дайри маломат қаён?

Шайхи риё, пири мұғон тутди май,  
Макруғ фириб қайда, каромат қаён?

Фоний агар топмаса сенсиз ҳаёт,  
Қайда ситам, тоб ила тоқат қаён?



\* \* \*

Ёрим — очилган гул, юзи гулгун баҳор эмиш,  
Анинг ошуфта булбули, бирмас, ҳазор эмиш.

Тунда май ичсанг, тонг аро бошинг оғритур,  
Тонг қушларим, чекманг фифон, дарди хумор эмиш.

Фироқ тунида асраса дил ҳаёт нақдина,  
Висол кунида ул сенга нақди нисор эмиш.

Отинг түёғи чангини күэзимга суртамен,  
Ул не сипоҳ, бошида сендек шаҳсувор эмиш.

Кўнглим фифонини кўриб, манъ айладинг, ажаб,  
Сен хаёл этдингки, унда ихтиёр эмиш.

Сени қатл айлагум, дебон ваъда айладинг,  
Кетдинг от суриб, дил ҳамон интизор эмиш.

Айтгил, гул бодадан берсин жонига жило,  
Улким, дилида даврондин гарду ғубор эмиш.

Ҳаёту ўн кунлик давлатга мағрур бўлмагил,  
Ҳар иккиси хаёлу туш, беэътибор эмиш.

Дўстинг гар жон сўрса, жонинг бергил, Фониё,  
Қувон, ул сўргани ҳамон сенда бор эмиш.

\* \* \*

Май эрса соф, майхонанинг ажиб сафоси бор,  
Боргаймен ул жойга, хуш обу ҳавоси бор.

Қирмиэй түн кийибдир ёр, қон рангиға далил,  
Ошиқлар қонидин ажаб рангин қабоси бор.

Майкосада қошинг акси бошимни эгди чун,  
Дедимки, сажда қил, на хуш қибланамоси бор.

Ит вафолидир, жафо этгувчи ит эрур,  
Итмен ўшал кимсагаким, сидқу вафоси бор.

Кўнглим чу рухсору лабинг дардида хастадир,  
Ажабким, унинг гул ила қанддин давоси бор.

Ити қоним ичсин, майли, ерман унинг фамин,  
Ранжу аламга йўғрилган мундоқ гизоси бор.

Фониё, май қуйқасини сўраб, балокашлар  
Борурлар майхона сори, мундоқ балоси бор.





На хуш эрмишкі, риңд күнгли замондин занги ғам олгай,  
Сафол әрмас, кириб майхона ичра жоми Жам олгай.

Агар соқий газак деб май ичарда лабга лаб қўйса,  
Менинг девона кўнглим ул қадаҳни дам-бадам олгай.

Агар ошиқ бўлиб май ичса, бўлгай менданам расво,  
Кишиким, хонақода ўзни доно, муҳтарам олгай.

Бисотимда симу зар майфуруш ҳаққи эрур буткул,  
Берармен борини, ҳатто гаров деб хирқа ҳам олгай.

Ажам бирлан Араб ичра менинг ёрим каби шоҳ йўқ,  
Арабда балқиса ул ой, юриб мулки Ажам олгай.

Юсуфни сотсалар мис тангага, бу не қабоҳатдир,  
Киши чун гавҳари маъни сотиб гоҳи дирам олгай.

Бу Фонийдек киши гар истаса ул давлати боқий,  
Совургай жисмини елларгаву роҳи адам олгай...



\* \* \*

Майни васф айлар өсам, талабим чун коғаз,  
То этай ул майни ноб ранги-ла гулгун коғаз.

Етмагай шарҳ адосига, агар бўлса-да ул,  
Сарви тубий қаламу саҳфаи гардун коғаз.

Саҳфага дарди дилим оташини жо этдим,  
Ёзди бир-бир қаламу ўртади маъмун коғаз.

Саҳфани ол демагилким, тўкилиб дарду ғамим,  
Бўялиб қонга чунон, бўлди тамом хун коғаз.

Соф қыл саҳфаи кўнгилники, бу хислат ила  
Бўлди ганжнома, магар ганжи Фариудун коғаз.

Саҳфаи сийнам аро лаълу алиф доғим бор,  
Эрди ул Лайли учун номаи Мажнун коғаз.

Саҳфа-саҳфа ёзди Фоний дардини андоқким,  
Бас, топилмайди керак бўлса шунинг-чун коғаз.



\* \* \*

Соқийки, ғамза ўқларин күксимга жо қилур,  
Бормидир бирор кишиким, дафъи бало қилур.

Жафо айларда мундоқ ўлурмен мұхаббатдин,  
Нечук тирик қолгаймен, гар ул вафо қилур?

Тупроқ бўлиб мен ҳажрида, излармен қўйини,  
Магар ул давлатим сари бормагим сабо қилур.

Санамга саждалар айлаб, ҳолимни сўйладим,  
Ҳолимга шафқат этмади, балки Ҳудо қилур.

Пири мурон ҳимматидин бўлибмен маст-аласт,  
Таъзирин бергаймен агар фалак хато қилур.

Замонадин минг бир жафо кўрармен, бода бер,  
Бодадан ўзга бу дардга ким ҳам даво қилур?

Кишиким васли боқийдин умидвор Фонийдек,  
Иstab сарманзили фано, азми фано қилур.





Бошимда ишқ майи завқи ҳамондир, эрди аввал ҳам,  
Бошим ҳам садқайи дайри муғондир, эрди аввал ҳам.

Не әрмиш ул фано даштида күнгилдин нишон сўрмак,  
Үшандоқ тавр ила беном-нишондир, эрди аввал ҳам.

Дили девона андоқ шод эрур, масурки, ул маҳбуб  
Ҳамон бегона кўзлардин ниҳондир, эрди аввал ҳам.

Фамингга ғам қўшиб, бас, ҳаддига етказди маҳмурлик  
Ки, соқий бизга чун номеҳрибондир, эрди аввал ҳам.

Кўнгил дайри муғон мулкин нечук тарқ айласин кетсин,  
Бу ҳолим муғбача боис аёндир, эрди аввал ҳам.

Чўзиб қўл мен нечук пири тариқат ўюлини туттум  
Ки, кўнглим волаи турфа жавондир, эрди аввал ҳам.

Тилаб майхонада Фонийни неча, дедилар йўқдир,  
Вале девона кўнгилда гумондир, эрди аввал ҳам.



\* \* \*

Ҳар йўлчиким касби тарийқи фано қилур,  
Дайри мурон пирига бориб илтижо қилур.

Ул кимсаким, муғбача юзига назар солгай,  
Жон кўзига дайр тупроғидин жило қилур.

Ҳар кимки дайр хокидин бўлди сарбаланд,  
Тўккиз фалакдин юксак деб ўзни ҳаво қилур.

Оёғимни ишқ бандидин бўшатмагум сира,  
Чарх тифи гар банд-бандимдин жудо қилур.

Йўлининг тупроғи менинг кўзимга сурмадир,  
Токай тупроғини ул насиби сабо қилур?

Умримда неча мартаким намоз қазо этдим,  
Кўнглим ўшал бут олдида энди адо қилур.

Бегона қилди чун ақлу хираддин ул пари,  
Ким энди ул санамни менга ошно қилур?

Ҳаёлига келтирмас ул мубталолигим,  
То бировга ишқ уни ҳам мубтало қилур.

Фоний, бош товлама ҳаргиз ёр ризосидин,  
Истар жафо айлар ўшал, истар вафо қилур.

\* \* \*

Фасли баҳору ҳар киши бир сарви гулрухсор ила,  
Қондир бу күнглім ғұнчадек ул фурқати дилдор ила.

Гулда жамоли дилкүшо, булбул бўлиб достонсаро,  
Кумрида савти жонфизо, мен бу фифони зор ила.

Гулшан жамоли барқ уриб, сарву суман роҳат суриб,  
Мен мисли булбулдек ғариб, чун нолайи бисёр ила.

Ҳар ғунча бўлди жилвагар, ороланиб гулбарги тар,  
Менда басе хуни жигар ҳажру ғаму озор ила.

Сийнамга экдим тухми ғам, кўз ёшлиаримдин бўлди нам,  
Ишқ ичрадирмен, дамба-дам ҳайрон кору бор ила.

Соқий, кетургил жоми май, май қуйқасин малҳам этай,  
Йўқса бориб еттум қаён бу сийнайи афгор ила.

Юз очса бир кун ул қуёш, жон заҳмати бўлгай адош,  
Фоний қўяр пойига бош, сўнгра топишгай ёр ила.



\* \* \*

Асири ишқ ким эрди ул? Нотавон неча,  
Фарибу ғамзада пўсту устухон неча.

Ҳадиси Вомиқу Фарҳод бўлдилар унут,  
Токи айтилди ҳолимдин достон неча.

Санамлар юзи тун аро шам каби равшан,  
Асири ишқ парвоналарким, безабон неча.

Шу базмгоҳ ичра кечар умринг бир замон,  
Не бўлғай, гар жавр этмаса аҳли замон неча.

Улким ул фурқатинг аро гумгашталардир,  
Ишқ даштида кўзларингга келса нишон неча.

Шод бўлмасинми дўсту ёр, ахир неча кун  
Шу базми даҳро аро эрурлар меҳмон неча.

Ким етди дўст висолига, хабар бер, Фоний,  
Халқ наэзида ҳақири зор, кўздин ниҳон неча...



\* \* \*

Хуш ул одамки, азм айлаб, замондин күэни юмгайдир,  
Замон аҳлига тушган ул машаққатларни күрмайдир.

Замона мухталиф, аҳли ахилмас, чун мухолиф ҳам,  
Кишиким пок фитратдир, қочиб, бир четда тургайдир.

Үшалким, кўк аро чақмоқ каби хандон уриб, кулгай,  
Булатдек сўнгти дам кўз ёш тўкиб, минг бора йиглайдир.

Сенинг қатлинг узундир, оқибат ул мотаминг боис,  
Фалак кундузда кўк, тун-кечалар тимқора кийгайдир.

Фалак дер, ҳар бошоғингта берурмен икки юз хирмон,  
Унинг бул ваъдасин оқил тушунгай, кўзга илмайдир.

Бировким кўчини ортиб, фақирлик кўйига кетса,  
Бу дунёning фирибу можаросидин кутулгайдир.

Фақирлик бирла ҳар ким ганжу мулки жовидон топса,  
Фалак сўнгра унинг бошида эврилмас, чекингайдир.

Фалакнинг сўнг ниҳоний мақсади, билсанг, фанойингдир,  
Фанолик йўлига юрсанг, бақо орtingда юргайдир.

Кел, эй, Фоний, муқаррарким топар оламда боқийлик,  
Киши гар азм этиб сендеқ фано йўлига киргайдир.

\* \* \*

Күэларимдин ул қуёш ҳар кеча пинҳон бўлғуси,  
Ваҳки, билмам кимга ул шамъи шабистон бўлғуси.

Кечалар то тонг оқаргунча этар қўнглимни банд  
Ул хаёлким, бағритошим кимга меҳмон бўлғуси?

Эй мусулмонлар, Ҳудо ҳакки менга айланг мадад,  
Дину иймонимга ёв бир номусулмон бўлғуси.

Умрида бир бора гар андишаю раҳм айласа,  
Шул замон раҳм айламақдин ул пушаймон бўлғуси.

Сабр тўнимнинг яқоси қай, этоги қайдадир?  
Чок этармен шул замон, гар амру фармон бўлғуси.

Соқиё, беҳушлик эрмиш бори дардимга илож,  
Йўқса май, жонимга қайдин сабру сомон бўлғуси?

Баски бул вайронада тупроқ бўлиш бордир, на хуш,  
Болишинг тупроғу манзил кунжи вайрон бўлғуси.

Фониё, ҳар дам фано дерсан, этар шу фойда, бас,  
Мушкулинг юздан бири гар сенга осон бўлғуси.

\* \* \*

Риндларки, гашти бодайи дайри фано қилур,  
Билмам, қачон бизларга ҳам, ол, деб имо қилур...

Ранжи хуморим гар ҳалок этса, эй табиб,  
Жоми шароб дарди хуморимга даво қилур.

Биз дайр тупроғи бўлдик, яхшилар уни  
Равшан назар тилаб, кўзларга тўтиё қилур.

Жоним яримтадир, менга май тегмаса, нетай,  
Ҳар қатрасини бир бутун жонга баҳо қилур.

Қудрат қалами не рақам чекди, тўғри бил,  
Кимки хато деб гар хаёл этса, хато қилур.

Бадмастлигим майхонада дилларни этди ғаш,  
Бир шиша май элтсам, кўнгилларни сафо қилур.

Зуҳд аҳлига гар етмаса тоатдин мурод,  
Фоний каби азимати дайри фано қилур...



\* \* \*

Ул ким дайри муюн ичра жоми шароби бор,  
Боши фалакка етса ҳам нозу итоби бор.

Улким майхонада олгай илкига қадаҳ,  
Чарх не эмиш, май косасида май ҳубоби бор.

Ҳуру кавсару равзани ёд этарми ул,  
Гар ёри, роҳат манзили, шароби ноби бор.

Ҳаробот аҳли деб ҳисоб этилмас ул киши,  
Гар дунё давлатидин бир илинж, ҳисоби бор.

Оташин юзинг терлаб, чун меҳро чашмаси,  
Ҳусни ажаб узра яна бул обу тоби бор.

Булбул навоси файзбахш бўлмасин нечун  
Ки, тоза гул япроқлари деган китоби бор.

Ҳусни мулки обод бўлсин, кўргизиб вафо,  
Ҳолимизни сўрар, биэдек ҳоли хароби бор.

Маю маъшуқ еткур анго, ё Раб, лутф ила  
Ки, хумор андуҳи ичра ҳажру азоби бор.

Фоний, анжуму фалакдин нечук нолигай,  
Қуёшдек шоҳи бор анинг, арши жаноби бор.

\* \* \*

Ул бевафо не бўлгайки, бизга нигоҳ қилгай,  
Вафога ваъда қилгаю ваъдага вафо қилгай.

Улки мугбача жавридин кўнглида зори бор,  
Керакким дайр пирига арзу илтижо қилгай.

Ул шўхки шоҳлар сари бир илтифот айламас,  
Қачон илтифотин биздек ринду гадо қилгай?

Соқий гар умри, а бир бор узатса менга жом,  
Мен олмасдин қўлдан тушургаю, адo қилгай.

Ҳар неки келгай бошингта беихтиёрсен,  
Дарвеш не учун деб кимга оҳ-воҳ қилгай?

Бошқаларга кўнгил учун бундоқ раҳм айлади,  
Шоядки бизга ҳам раҳмин баҳори Худо қилгай.

Май тут, зору ниёз ила эттан гуноҳимиз,  
Зуҳддин яхшироқдирки, ул шайхи риё қилгай.

Руҳим дўст уйига борса, қайтмас ортига,  
Қуш ҳам асл гулзори сорига ҳаво қилгай.

Фоний фатҳ айламоқ истар бақо мулкини,  
Ажаб эрмас, азимати дашти фано қилгай.

\* \* \*

Ҳар кишиким мубталойи сен каби жонон эрур,  
Ул фидо айлар, магар ҳар мүйи танда жон эрур.

Мен нечук босгаймен ул нозик баданни бағрима,  
Сийнам уэра санчилиб ўқ, мунчаким пайкон эрур.

Эй мусулмонлар, мачитта чорламангким, бир пари  
Рахна солмиш дину ийменимга, ул вайрон эрур.

Менку мажнунмен, нечук күргум ўшал жононани,  
Баски, күргач ақли кулл ҳам беҳушу ҳайрон эрур.

Гар күэимдин қонли күз ёшым оқар, англар фақат  
Улки, ёр доғи фироқи күксіда пинхон эрур.

Билмадим мен айрилиб ёрдин бу ҳолга тушмагим,  
Оху ашким ҳажрида ҳар лаҳза бир түфон эрур.

Манъ этар носиҳ сенга ишқу жунунни, Фониё,  
Ким ишонгай бунчаким, ул шунчалар нодон эрур.



\* \* \*

Кече ул майхонада ёр ҳамдами ушшоқ эди,  
Тонгача аҳли тараб ғавғосига муштоқ эди.

Рақс этарди кўқда Зуҳро, ерда сармастлар ҳама,  
Бошлар уэра бори афлок, яъни тўққиз тоқ эди.

Гарчи андин неча юз ноз эрди, биэдин юз ниёз,  
Хусну ишқ тарийқида бу расми истехқоқ эди.

Гарчи мажлисни г жилосидин қуёш эрди хира,  
Лек ўшал жомларда бода унданам порлоқ эди.

Риндларнинг мастилиги майчин, vale сартмастлиги  
Боиси ҳусну навозиш эрди, хушахлоқ эди.

Аҳли мажлис ичра ортиқроқ эди беҳушлигим,  
Чунки соқий илтифоти менга ортиқроқ эди.

Ул кеча майхонада етса кишига қатра май,  
То қиёмат даҳро аро ринди ала-л-итлоқ эди.

Маст бўлким, йўқ қутулмоқ бу жафолардин сенга,  
Не сўрарсен ким жафочи, мардуми оғоқ эди.

Фониё, кўрдинг не аҳвол ул тариқат бобида,  
Барчаси хуб эрдию зуҳду риё қийноқ эди.

\* \* \*

Хушдирики, киши майкада сори гузар этгай,  
Ой янглир ўшал муғбача сори назар этгай.

Маъюсу хазиндирки дилим, айблама, носих,  
Ишқ бўлди сабаб унгаки, бундоқ ҳунар этгай.

Ёр лаъли майин тенглама Кавсарга, қачон ул  
Жоминг майини бўйлаки шаҳду шакар этгай.

Ёр кўйинга кўз ёшим оқар қонли, хунолуд,  
Ёшимни хунолуд ўша хуни жигар этгай.

Оҳимдин эрурким ҳама осмон ила юлдуз,  
Ул барчани ишқим ўти дуду шарар этгай.

Ишқ йўлига кир пойи фано бирлаки, ул дашт  
Ҳар неча тикан эрса, сенга ништар этгай.

Бошим эгилур дайри муғон кўйида мундоқ,  
Қай муғбача май бергаю дардим бадар этгай?

Жоним ёқилур бўйлаки майолуда лабдин,  
Ҳай, бодайи ишқ бўйлами қаттиқ асар этгай?

Фоний, сира ёр васлинни сен излама ҳушёр,  
Топмас хабарин кимсаки, ўздин хабар этгай...

\* \* \*

Кел-кел, эй, қишиш лашкари гулшанни ғорат айламиш,  
Май сари муз шыдалар имлаб, ишорат айламиш.

Бодадин кутгил ҳарорат, кетди ул дамлар ўтиб  
Ки, олов гулханда даъвойи ҳарорат айламиш.

Май учун бер дайр аро дафттар ила сажжодани,  
Манфаат кўргай кишиким, бул тижкорат айламиш.

Бу фаслда тавба синдиromoқ на хушдир, гар киши  
Ўзлигин ҳам синдириб, буткул кафорат айламиш.

Биз бўлиб масти хароб, сағ масти этиб бизни шароб,  
Хайрини берсин Ҳудо, бундек шарорат айламиш.

Ишратагэодир ҳавои майкада чун, майфуруш  
Май сўйи бирлан магар қормиш, иморат айламиш.

Йўқ гумоне, зуҳд ғуборию риёдин бўлди пок  
Кимда ким май шишасидин гар таҳорат айламиш.

Ҳаж дебон дашту биёбонларни кеэма, топ қўнгил,  
Ҳажжи бўлгайдир қабул гар бул зиёрат айламиш.

Сўзни қўйигил, сўз аро маъни талаб қил, Фониё,  
Аҳли маъни бўйлаким тарки иборат айламиш.

\* \* \*

Хуш улким, сокийи раъно рафику мунисадир,  
Ва ул хилват аро бода шамъи мажлисдир.

Майкада гадоси баланд ҳимматлидир, ғаний,  
Агарчи ул муғбачаю майга чун муфлисдир.

Кўнглим бироннинг лаъли лаби, кўзи хумори деб  
Боғ аро волаи гулбаргу зори нарғисдир.

Ул шўху мастнинг кўйлаги чок эрди, бул жиҳат  
Юз бир вас-васаю турфа хаёлга боисдир.

Ул маст елиб мадрасаю хонақоҳ томон ўтди,  
Тонг йўқки, бу халоки шайх, офати мударрисдир.

Лаъли лабинг ила андоқ қўрсатдинг ғамзалар,  
Пири ақл ҳам ҳавасин босолмай ожиэдир.

Фоний ииқилди майкада кўйида бешуур,  
На бошида ақлу хирад, на жонида хисдир.



\* \* \*

Ишқинг шароби бўйидин кўнгилга беҳушлик,  
Ранги ақлнинг рангидир, баским фаромушлик.

Такаллум этсанг ишқ аҳли забони бойланур,  
Сўзингни тингламак ила жаҳонда хомушлик.

Лаълинг ажиб бодадирким, кайфият бериб,  
Беҳоллик ортириар-да, сўнг келтирур мадхушлик.

Пири муроннинг ҳиммати бўлсин бардавом,  
Берар истаганингча ул ичкулик, нўшлик.

Ул шўх қатл этибон ўэни ғаландар кўрсатди,  
Вой, ул замонки одати бундоқ қабопўшлик.

Майхонанинг ҳар сафоли жоми Жам эрур,  
Не тонг, гар Жамшид излабон айласа човушлик.

Фоний фанода ганжи бақо кўрди, айб эмас,  
Фано йўлига кирсаю қиласа дилхушлик.



\* \* \*

Ел ўйнабон ул сунбули дилдор, нима қилди?  
Айлаб неча дилларни гирифтор, нима қилди?

Машшотай сунъ суратин ораста этибдир,  
Ораста этиб оразу рухсор, нима қилди?

Рахм айлар эдинг, билсанг эди, эй бути золим,  
Хижрон туни айлаб мени чун зор, нима қилди?

Жон бахш этар ул лаъли лабинг, хозини ҳикмат,  
Айлаб уни чун лаъли шакарбор, нима қилди?

Ширин лабингнинг акси тушиб яшнади тоғлар,  
Фарҳодни этиб мунчадор, нима қилди?

Билмайди ақл сирри фалакни, не ҳакимлар  
Бу нуқтани кўп ўйлади, бисёр, нима қилди?

Ул бодафуруш кулбасини завқу сафодин  
Меъмори қазо этди фусункор, нима қилди?

Майхонага Фоний кирибон косайи май деб,  
Сарф айласа гар ҳирқаю дастор, нима қилди?

\* \* \*

Шоҳ агар мулқдин хирож олмоққа сезса эҳтиёж,  
Яхшидир май олса ул муғ кўйидин айлаб хирож.

Шоҳ хирождин фориғ эрмиш ул сабабдинким, мудом  
Тахт — хоки майқада, гарди фано — бошига тож.

Жонга қувват истасанг шарбат топилмас май каби,  
Гар риёзат айламиш, эй порсо, заъфи мизож.

Соқиё, май бер мусафро, йўқса ул ўлдиргуси,  
Қўшсалар оби ҳаёт ҳам, мен ўлармен ноилож.

Дайр пири тузди айш базини, аммо яхшидир  
Муғбача ҳусну жамолидин анга берса ривож.

Эйки, сен, зуҳду риё бирлан танингда юз мараз,  
Бода ичкилким, бўлур юз иллатингга бир илож.

Дайр пири истаса бузмоқни Фоний тавбасин,  
Бир ишорат бас анга, таклифга йўқдир эҳтиёж.



\* \* \*

Лаъли лабинг узра хатинг ул, мушки ноб надир?  
Оби ҳаёт узра бу нав зулмат никоб надир?

Эй дил, висол қуши бўлмиш сен томон мойил,  
Сабру қарор айла бир дам, изтироб надир?

Маст эрмаса сабухийдин, титраб ҳар кеча,  
Тупроққа бош қўйгувчи ул офтоб надир?

Қазо амридин ташқари иш бўлмагай сенга,  
Ранж этаркан, юлдузлару кўкка итоб надир?

Суфийни йўлдин урмаган эрса муғбача,  
Бўлмоққа боис бўйлаким маству ҳароб надир?

Ёр аксини кўрмоқ эса аслида мақсадинг,  
Майдин ўзга ойнайи беҳижоб надир?

Фоний, тушларингни қўйгил, дунёга кўз сол,  
Кўрарсен унда бир йўла хаёлу хоб надир.



\* \* \*

Лабларинг гоҳи қулиб, оби ҳаёт, қанд тўкмиш,  
Нутқи ширину равонинг анга монанд тўкмиш.

Кетса олам юэидин ўлмагу йитмак, не ажаб,  
Баски ширин жонни ул лаъли шакарханд тўкмиш.

То эшитдим бойламишсен ул рақибим бирла аҳд,  
Жисму жоним бир йўла банд ила пайванд тўкмиш.

Йирламишми мең каби бир бора Юсуф юэли деб,  
Гарчи Яъқуб қонли кўз ёшини ҳарчанд тўкмиш.

Кирмади зарра қулоримга, чисолинг маън этиб,  
Неча дурдонаки ул шайх этиб панд, тўкмиш.

Гарчи дил тифи фироқинг ила юз парканддир,  
Қатра-қатра қонини пораю парканд тўкмиш.

Келдию Кавсар умиди, кетди Фонийдин хумор,  
Жомига бодани бир маҳмурӣ дилбанд тўкмиш.



\* \* \*

Таним күйди басе бечораликда,  
Дилим ҳам ишқ аро овораликда.

Дилим күйдирди ишқ юз пора айлаб,  
Келиб ҳажр ўртади якбораликда.

Оти ўт чақнатиб ўтди, туёғи  
Ёқиб оҳи дилим садпораликда.

Агар май ичсаму куйсам, ажаб йўқ,  
Самандар күйди оташхораликда.

Юзидин тушди бир шуъла, назар қил  
Ки, минглар күйдилар наззораликда.

Оловранг бодани тут менга, соқий,  
Мени күйдирди чарх маккораликда.

Чу Фоний топмайин ишқига чора,  
Куяр бечора ул бечораликда.



\* \* \*

Борми бир күнгил, күзи бедодидин бемор эмас,  
Қайда ул күзким, ғамидин то саҳар бедор эмас.

Гарчи гардун зулму бедод бобида танҳо эрур,  
Ул жафочи ойга teng келмайди, ул миқдор эмас.

Васл хосларга тегиш, күнгил қушимга кунжи ғам,  
Чунки бойқушга макон вайронадир, гулзор эмас.

Ишқ аро Фарҳо, ила Мажнунга йўқдир нисбатим,  
Баски ул аҳли хирад девонага ҳамкор эмас.

Гоҳи тунлар танг этар ҳоли мни ҳижрон шиддати,  
Тонг-саҳар йўқдир яна ул менга истиғфор эмас.

Тори идборим бўйинда, зуҳду диним излама,  
Эй муқими дайр, бу бўйнимдаги зуннор эмас.

Ёр жафосини чекиб, йўқ бўлди Фоний, эй рақиб,  
Торт қўлингни, энди ул аввалгилардек бор эмас.



\* \* \*

Ишким тилимда ҳар замон бир фасонадир,  
Гүё тилим ишқ оташи сочган забонадир.

Дину дилим дайри муғонга айладим гаров,  
Мақсад мугбача илкидин жом муғонадир.

Халқ излар Каъбадин сени, биз дайр кўйидин,  
Ул хона эрса кўйингда, бул ҳам бир хонадир.

Ибодатгоҳлар кунжию саҳролар қўйнида,  
Васлингни излармен, сайру сабот баҳонадир,

Сийнамда ғаминг оташи, ҳирқамда май юқи,  
Доф борки, ишқ балосидин белги, нишонадир.

Замон аҳлидин кимгаки кўнгил нисор этдим,  
Қасди жон айлади менга, ажиг замонадир.

Ҳарамга сажда этмагим кутма, эй Фоний  
Ки, ишқидин бошим остида баланд остоңадир.



\* \* \*

Йўл Кавсару Жаннатгача дуру дароздир,  
Айшинг ғанимат бил, сенга майхона создир.

Эй нозанин, от сурмагил қатлимиз қасдига,  
Йўлингда бош қўйган ҳама аҳли ниёзdir.

Жом ичра майдирки, унда айланур ҳубоб,  
Ҳубоб Маҳмуддир ул қадаҳда, май Аёздир.

Зулфинг ҳижроқ тунимдир, андин ишқ йўли,  
Қоронғудир, гоҳи нишаб, гоҳи фароздир.

Риндлар май кўзасин ҳар тал кўтарсан елкага,  
Елкамга доғ тушиб, баланд баҳтимга мосдир.

Маъшуқ юэига боқсанг пок назар ила,  
Гоҳи ҳакиқат бил уни, йўқки мажоздир.

Хонақода тавҳидни мен сўйлайин нечун,  
Риндаларга айтайки, улар маҳрами роздир.

Фалак бир зарба еб ўшал ишқи азалдин,  
То абад саргашта, магар масхарабоздир.

Фоний, бодага гарқ бўлмай, бўлма бутпараст,  
Майхонада таҳоратсиз нечук намоздир.

\* \* \*

Кимга рост айлаб эшик дайри фано очгайлар,  
Күзига шаъшашы жоми сафо очгайлар.

Мен гадодирмен ўшал дайри фано эшигида,  
Чунки шохга беркитиб, келса гадо, очгайлар.

Раңс этиб гар ул санамлар ёйсалар кокилларин,  
Биздаги бори тугунларни расо очгайлар.

Дилраболар келсалар ушшоқ холин сўргали,  
Лаъли лабларни этиб дардга даво очгайлар.

Нозланиб шоҳларга боқмаслар бу янглиғ, бас, нечук  
Бир гадога юзни ул кўзи қаро очгайлар?

Бош фидо қилдимки мундоқ, ул гўзаллар фол учун  
Шояд ул Мусҳафи юз баҳри Ҳудо очгайлар.

Ёлвориб айтдим сабога: ол гўзал юздин ниқоб,  
Деди: ул юзни нечук боди сабо очгайлар?

Неча булбуллар сахарлаб ғунча юздин пардани  
Айлабон гул бошида нола-наво, очгайлар.

Етсалар матлабга бул Фонийга ўхшаб, не ажаб,  
Улки босмоққа қадам даشتни фано очгайлар.

\* \* \*

Тилим илму сабоқларга келишмаса, нетай,  
Мутрибу майдин ўзгаси күнгилга келмагай.

Хусни вафойинг йўқ эмиш хублик бобида,  
Ул бўлса, хублигингда чун камлик бўлмагай.

Жоми май билаки, Тангри қисмат айламиш,  
Етсам муродимга магар, зоҳидим не дегай?

Кўзим қаросин саю хол қилиб уни,  
Юзингга чекса машшота, ярашгай эрди, хай.

Ой юзилар ҳуснин кўрсан , дилимда иэтироб,  
Ойдек юзингни кўрмасам, кўнглим тўлмагай.

Куйқахўрлар базмидир бу, чекил, эй зоҳид,  
То пок этакларинг майдин олуда бўлмагай.

Айбу гуноҳларинг ҳаддин ошибдур, Фоний,  
Шояд Ҳудойим сенга ҳам карам айлагай.



\* \* \*

То ҳирқа бирла сажжода эрмиш дирам неча,  
Майхона сори талпиниб, қўйгум қадам неча.

Олгил қадаҳни қўлгаю фалакка айт видо,  
Гар даврон айламиш сенга ранжу алам неча.

Шу гулшани даврон аро майга эт нисор,  
Ул наргиси озодадек топсанг дирам неча.

Парвонаю булбул қани, келсин, сўйласин,  
Бизга ул шамъи гулбадан ҳажрида ғам неча.

Ҳамдам айламанг, дўстлар, майдин ўзгасин,  
Гар қолса шу умри азиздин сизга дам неча.

Эй пири дайр, келди қошингта Фоний, бенаво,  
Кўп кўрдинг камлигин, аммо этдинг қарам неча.



\* \* \*

Сенингдек дашту саҳро оҳуси гар тушса домимга,  
Фалакни тарқ этиб ул дам қуёш тушгай мақомимга.

Хизр суйи ичар Жамшид висолинг тонгида, тонг йўқ,  
Тилаб май қуйқасин, тегса лаби бир бора жомимга.

Ўтиб умрим, этардим чарх муродин бир йўла барбод,  
Замона зайл этиб, келса муродим жоми комимга.

Коронгу бўлди ғижрон тонгидин ғам шоми юз карра,  
Қачон солгай ўшал ой партавин бу тийра шомимга.

Этогига қўлим етмас, балағ длаб кетди ул ойим,  
Қиё боқмайди ул бир қайрилиб мундоқ маромимга.

Қўлингта бода олсанг, жон бағишлар менга ул ҳар дам,  
Думоғимга урилса ҳидлари, етса машомимга.

Таралди-кетди номинг ҳар тарафга, Фониё, ул ким  
Не фойда, энди давлат қуръаси гар тушса номимга.



\* \* \*

Тонг саҳар мұғбача менга майи рангин бермиш,  
Май әмас, ғорати ақлу офати дин бермиш.

Қўлидин олдиму ул жомни, ҳамон сипқордим  
Ки, ювиб ранжу ғамим, қўнгилга таскин бермиш.

Жон тикиб лутфига боз жом тиладим, сўрдим май,  
Жон фидо жомгаки ул лаблари ширин бермиш.

Шоҳлик бонгини чалсам икк оламда, не тонг,  
Икки жомимни менга ул пари ойин бермиш.

Гулу насрин ҳуснию жилвасидин этди ҳалос  
Мени улким, сенга ҳусни гулу насрин бермиш.

Майи гулранг ярашур юзгаки, ул мисли баҳор,  
Ҳосса, ул боди сабо муждайи атрин бермиш.

Не бало шоҳи ситамгарки, эшиитмас, Фоний,  
Гарчи ҳижрон ғамидин арзини чандин бермиш.



\* \* \*

Аҳли харобот гадомас, тождордирлар  
Жом уэра жом сипқориб чун, ҳушёрдирлар.

Нечук қўнгил маскан эттай ёр зулфини  
Ки, мушкин гажак бирла чун бекародирлар.

Гулшани руҳида мендек булбулга не ҳисоб,  
Беҳисоб булбуллар унда, минг, ҳазордирлар.

Ёш, лола юзлар ҳуснига наэзора қил, кўнгил,  
Беш кунлик умри бор, тули навбаҳордирлар.

Гар дайр аро маст муғбача жилва айласа,  
Пойига бош уриб ҳама, хоксордирлар.

Ноз отини сурсанг, санам, ҳар тарафга боқ,  
Йўл устида неча зору дилафгордирлар.

Фано мажлисидин, Фоний, чиқмасмен, гарчи  
Ҳамсухбатлар ҳайдар мени, дилозордирлар.



\* \* \*

Бир оқшом истарам майхона ичра анжуман бўлса,  
Чароги анжуман ул даврада бир гулбадан бўлса.

Нетармен боғниу боғ қўйнида роҳат, фароғатни,  
Бошимда соябон ул ёри сарву ёсуман бўлса.

Нечук кўнгил қутулгай ҳалқаи зулфи паришондин  
Ки, ҳар бир ҳалқаси остида минг дому каманд бўлса.

Сенинг кўйингда ўлганлар кўтармас бошни тупроқдин  
Ки, майга ғарқ бўлиб чун, кийгани қирмиз кафан бўлса.

Ўшал жаннатда ҳам дайри муронни айлагум орзу,  
Не тонг, маҳзун, ғариб кўнглида чун майли ватан бўлса.

Қани ул майки, ювгай чархи даврон меҳнати боис,  
Кўнгил лавҳига тушган нечаким сўзу сухан бўлса.

Фано даштида гар тупроқ эса Фоний, ажаб эрмас,  
Шамолда соврилиб ҳам сен томонни кўзлаган бўлса.



\* \* \*

Кувонсам гоҳи оламдин, қувончи олам ундандир,  
Фамида шодланар бўлсан, иноятлар ҳам ундандир.

Жаҳоннинг шодлигу қайғусида, билсанг, тафовут йўқ,  
Висол ичра севинч ундан, фироқ ичра ғам ундандир.

Агар ҳажри яро солгай, висол унга даво бўлгай,  
На хушдирки, яро ундан, ярога малҳам ундандир.

Бошимга ҳар нафас жабри фироқ ёприлса ҳам, майли,  
Висол уммидиким, келгай кўнгилга ҳар дам, ундандир.

Магар жон кетса ногоҳ, ўрнини ёрим ғами олгай,  
Нега мен бўлмайин шод, бу ғами ҳам ҳар дам ундандир.

Фамидин шоду ҳуррам бўлмасам, мен одам эрмасмен  
Ки, ҳар не шодлигу андуҳ, ҳаёти одам ундандир.

Бузиб аҳду вафони чун жафолар айлади ёрим,  
Вале сарриштайи ойин, вафойи маҳкам ундандир.

Баробардир менга тўй бирла мотам даҳро аро, Фоний,  
Висолда тўй ундан, айрилиқда мотам ундандир.

\* \* \*

Лаълинг наботу сўаларинг оби ҳаёт эрур,  
Лабинг устидаги учук ҳабби набот эрур.

Агар майхонадин кечмай, масжидга бормасам,  
Сабаб улдирки, муғбача ширин сифот эрур.

Ибодатгоҳни қўйдиму харобат танладим,  
Бунда манманлик устидин менга нажот эрур.

Ул ҳури паризод бул ҳусну чирой ила  
Фариштага ўхшаб кетар, билмам, не зот эрур?

Икки қаро зулфи андоқ қароки, ўйласам,  
Менга юз карра муборак қадру барот эрур.

Қўлга киритгай ул киши мақсад гавҳарин,  
Гар жисму жонида тоғдек сидқу сабот эрур.

Фирдавсу жаннат боғига йўл изласа киши,  
Фоний, яқин билки, хиёбони Ҳирот эрур.



\* \* \*

Күнгилни қийнаган бу дарди хижрондин маломатдир,  
Кетур, соқий, майи нобингниким, бу тийра ҳолатдир.

Этибмен тавбалар тубию ҳур деб, энди шу күнглим  
Кўриб ул пири дайру мугбача, юз бор хижолатдир.

Саҳарлаб жилва қилди кўзларимга соғари хуршид,  
Дедим, бу бодайи соф ичмагимга бир далолатдир.

Адолат жомин айлантиrsa ҳар гал даврада соқий,  
Чу биздек ташналарга қўйса кўпроқ, бу адолатдир.

Разилпарвар эрур бу чаҳи даврон, баски, беш кунлик  
Умр деб унга қуллук айламак бори разолатдир.

Кириб майхонага мен пирдин май файзини сўрдим,  
Деди: бу соқий маҳваш адосига ҳаволатдир.

Нечун қўрқай бугун мен, Фониё, туннинг хуморидин,  
Сабухий ваъдасидин дилда юз бир истиҳолатдир.



\* \* \*

Зоҳидо, жаннатда май гар таклифи дилдор эмас,  
Кулбаи хаммор менга хуш, жаннату гулзор эмас.

Бормидир ошиқка бир жаннат висол бўстонидек,  
Тубию кавсар кўнгилга ул санамдек ёр эмас.

Санчилиб жавринг дамо-дам, бас, тиканга тўлди дил,  
Йўкки бир жой унда наштардек тиканмас, хор эмас.

Бу танимнинг ҳар туки остида ҳижронинг ниши,  
Йўкки бир тук ҳам унинг ости яро, абгор эмас.

Ҳоли зоримга назар солгайму ул шўх кўзларинг,  
Не ажаб кўзларки, ҳеч ноз уйқудин бедор эмас.

Ишқ аро жонон ғами жонимга қўйгай миннатин,  
Лек ёронлар жавридин дўст кўнглига озор эмас.

Эйки, дерсан, айлади кўп-кўп жафоси дилни хун,  
Этса оз-оэдин жафосин, дилга у бисёр эмас.

Соқиё, шоҳкосада май тутки, бул ҳижрони ёр,  
Гар ажал ҳам келса бошим узра, ул миқдор эмас.

Ишқу ошиқлик аро ғам етса, Фоний, шод бўл,  
Чунки ошиқ аҳлига ранжу машақкат ор эмас.

\* \* \*

Ул лаъли лабинг этди мени масти ҳаробинг,  
Эй муғбача, айтгил, не бало эрди шаробинг?

Эй ишқ, ҳавойинг чу баҳор мавсуми, урсин  
Биз тийра кўнгилларни ўшал барқи сахобинг.

Бул орази насрин ила гар бода ичарсен,  
Гуллар очадур чехроанг аро бодайи нобинг.

Ул нури сафо бирла қуёшдан-да ёруғсен,  
Бас, ҳусну жамолингни тўсолмайди ниқобинг.

Эй сарв, тўнинг гулгун эрур, бунга ажаб йўқ,  
Кўз ёши, кўнгил қонига мундоқ эса тобинг.

Эй муғбача, тавбангни бузибсенки, гуноҳ ул,  
Биз бузсак ўшал тавбани, бул айни савобинг.

Фоний, сен агар мулки маонийда ғарибсен,  
Тонг йўқки, сўзинг ҳуснида ул ранги ғаробинг.



\* \* \*

Дедим: лаълинг шароби ул ёқути аҳмаринг,  
Ёқуту лаъл эмас, билмам, нечук ул жавҳаринг?

Тубийни қоматингга тенг дейди аҳли зуҳд,  
Йўқ-йўқ, бўлолмас бўйлашиб, тубий баробаринг.

Биз харобот ичрадирмиш, қўлларда жоми май,  
Маҳрумдир бундан толиби Фирдавсу Кавсаринг.

Майхонада кўргил гадони, олдида сопол,  
Гўёки шоҳдир, илкида ул соғари заринг.

Эй майфуруш, тўнимни-ку гаров айладим,  
Май бер, энди шу дафттар ҳам сенинг дафтаринг...

Эй шайх, дайри фанога кел, бўлгай бегумон  
Макру ҳийладин ўзга ҳар не муюссаринг.

Бир ўзга оламга сени етаклар жоми май,  
Эй ғамзада, ичгил уни, битсин аламларинг.

Қушким, маконидир ўшал бўстони ломакон,  
Асири этолгайму уни осмону ахтаринг?

Бир санам ишқига тушди Фоний ўздин кечиб,  
Яхшидир худпарастликдин бутпараст бўлганинг.

\* \* \*

Этарсен пири дайр өлдида гар тақво, ажабдир ул,  
Қадаҳ тутса, киши гар ичмаса, бас, беадабдир ул.

Этолмам мұғбача ишқини тарқ, ташлаб кетолмасмен,  
Азалдин амр этилмиш менга чун завқу тарабдир ул.

Бўлибмен жон ила ошиқ, нигорим ҳиндуйи хунрез,  
Малоҳат бобида турку фасоҳатда арабдир ул.

Менинг бул жони зоримга сабухий бодадир малҳам,  
Бу кўнглим май тилар ранжи хумордин, ташна лабдир ул.

Уэум пўсти ва шиша пардаси ичра бекинмиш май,  
Олай кўзим қароги бирла, мундоқ жон талабдир ул.

Азиэдир, яхшироқдир бир ютум май жоҳу давлатдин,  
Агарчи давлат ичра неча бир Чину Ҳалабдир ул.

Хирад аҳли муқаррар кексанинг ҳолига кулгайлар,  
Қаранг, Фоний каби ёш бир санамни эркалабдир ул.



\* \* \*

Неча сўзким, хотифи май дайр аро пинҳон деди,  
Айтди май сиррин, бировга айтмагим душвор эди.

Бўлди воқиф бўйла ҳолимдин ҳакими майфуруш,  
Берди май, қилди муборакбод, этиб эҳсон, деди:

«Эй гадо, кўйи харобот ичра бўлма ноумид,  
Сенга ул хотифи файбнинг айтмаги даркор эди.

Ул замонким, ишқ майдин топди шу кўнглим қувонч,  
Бўлди менга даҳо кўйи меҳнати осон», деди.

Йўлга тушдим дайр пиридин эшитгач бу калом,  
Хонақо пири бу сўзни бошқача айтгон эди.

Лолага бокқанда андоқким кўнгила тушди ўт  
Ки, унинг кўксига дори — сурати ҳижрон эди.

Бойладим зуннору бўлдим бутпараст, ул шўху маст  
Барчага айтмиш бу сўзни, эл аро достон эди.

Зулфидин андоқ паришон бўлди дил ҳол ичраким,  
Ҳар не сўрсам, билмагай, ошуфтайи ҳайрон эди.

Ҳар киши топди халос гирдоби ғамдин, Фониё,  
Улки шу дунёда даврон аҳлидин кечгон эди.

\* \* \*

Дунё баҳоида кемадек умрга ҳалал эрур,  
Давоси шароб мавжию шеъру ғазал эрур.

Май тиниқ эрса, ҳаётдек бемислдир, сафо,  
Ёри шафиқ умри азиздек бебадал эрур.

Васлига етмоқни, эй ишқ, эҳтимол этмасмен,  
Гар хирад олдида нишона мухтамал эрур.

Ҳаробот аҳлининг сўзи, ҳадиси эрур таслим,  
Хонақоҳ аҳлининг сўзи баҳси жадал эрур.

Бор, эй фақих, ишқнинг якун натижаси фано,  
Ишқ боиси ул нашъи жоми азал эрур.

Даҳро гулшанидин узғил умидинг, эй кўнгил  
Ки, қудсий қушга тўр-тузоқ молу амал эрур.

Етдинг висолга фано йўлидин бориб, Фоний,  
Балли, амал айлаган кишига самар эрур.



\* \* \*

Баски, ул кунжи харобот хонақоҳимдир менинг,  
Тонгда май ичмак ҳёти субҳоҳимдир менинг.

Дайр бошида қаро парда қўрарсен, куфр эмас,  
Мурбача ишқида учган дуди оҳимдир менинг.

Тозадир кўксимда доғлар нозанинлар ишқида,  
Боиси шум юлдузим, бахти сиёҳимдир менинг.

Ул гули раънони севдим, ҳажрида қолдим тирик,  
Заъфарон юз, қонли кўз ёш — узроҳимдир менинг.

Кўрқитар чархи ҳаводис, чиқмагум майхонадин,  
Ул омонлик қалъаси, пушту паноҳимдир менинг.

Бир санамга сажда этмак истадим майхонада,  
Зуҳд хаёлидин эмас, Ғангри гувоҳимдир менинг.

Гоҳ харобот сори борсам этгали дафъи хумор,  
Фониё, бу чораи ҳоли табоҳимдир менинг.



\* \* \*

Шоми ҳижрон ичра ул акси рухи ёр қани?  
Аксини күрмөңкә май, оинакирдор қани?

Қани май туттүвчи ул соқийи гул ораз, ҳай,  
Этгали баэмни тараб гулшану гулзор қани?

Қани гул, баэмни нишот равнақига боис ул,  
Муниси жоним ўшал, дилбару дилдор қани?

Үлки ул шоми висол ичра эди шамъи нишот,  
Келди бошимга фироқ зулмати, дийдор қани?

Субхи васлимни нечук ваъда этарсен, ҳамдам,  
Айрилиқ шоми йироқ, тонгидин осор қани?

Соқиё, бергил дамо-дам жом, беҳуш айлагил,  
Ҳажр аро бода каби ҳамдами ғамхор қани?

Бермагил ёри риёкорларга кўнгил, Фониё,  
Ёр керак, ёри ҳақиқий, сенга ул ёр қани?



\* \* \*

Эйки, бул ғамхонада ўрнинг мақоми шоҳлик,  
Майкада ичра гадо бўл, ёр эса огоҳлик.

Давлати ҳуснингдир ул ишқ ахлига этсанг вафо,  
Бу насиҳатдин муродим сенга давлатҳоҳлик.

Кирса гар илкимга ой юэли, балиқ андомли ёр,  
Шавқати ишқим ривожи моҳидин то моҳлик.

Пиру иршодсиз муҳаббат даштида йўл юрмагил,  
Йўл адашмайсен Хизэр этса сенга ҳамроҳлик.

Гарчи раҳшондир фалак хиргоҳи ичра офтоб,  
Лек гўзалдир кўк аро ой тиклаган хиргоҳлик.

Ишқида бўлдим сомон янглиғ заифким, бу далил,  
Белни боғлабмен, яна рангим сомон, эвоҳлик.

Ваъдаи васли чўзилгандин чўзилди, Фониё,  
Эй дариф, етмас анга, умринг этар кўтоҳлик.



\* \* \*

Ёр кетдию қўэгалди бу ошуби қиёмат,  
Ё Раб, уни кеткизма, мудом сақла саломат.

Бошимга ёғар ҳажринг аро анжуми гардун,  
Эй шоми фирокинг менга ул рўзи қиёмат.

Тубий бошида гулни агар кўрмаган эрсанг,  
Боқ, сокини жаннат, бу ажиб оразу қомат.

Эй шайхи риёзаткаш, агар майкада сори  
Бир бора қадам қўймас эсанг, айни каромат.

Ҳар лаҳза ўзим бирла ўзим гаплашадирмен,  
Бу ишқу жунун босқинига белги, аломат.

Май оташи кул айлади борингни, аё дил,  
Не наф сенга кўз ёш ила бу оҳи надомат?

Даврон ғамидин кеэди жаҳон даштини кўнгил,  
Шу гўшаи майхонада сўнг тутди иқомат.

Майхонага шайх кирсаю май сўрса гаровга,  
Айт, бўлғуси ул ҳирқаву сажжода ижобат.

Фоний, сенга тутмиш эди жом Ҳофизу Жомий,  
Жамшид ўзи жомингта гадо бўлди ниҳоят.

\* \* \*

Лаълинг шавқида то кўнгил хуни ноб тўкар,  
Шўробадирким, ўт, олов узра кабоб тўкар.

Кўнглим сахифасига ул зулфинг ҳар толаси,  
Сиёҳин чекаркан, уни айлаб китоб, тўкар.

Очилмиш лолалар юзинг баҳорида, магар  
Булатларми қонли кўз ёшлирим шитоб тўкар?

Дайр аро чун равшанлигу сафо, муғбача  
Қуёшдек қадаҳга гўё ёқути ноб тўкар.

Мен шодмен бир ўзга маънида, муҳтасиб  
Майхонада май тўкаркан, қаҳру итоб тўкар.

Айттил, умр ҳисобига ёэсин, гар киши  
Симу зарни мутрибу майга беҳисоб тўкар.

Майхонанинг гадойиман, илкимда сафол,  
Ҳар кимки май тўкса унга, баҳри савоб тўкар.

Қадаҳдин гул ҳиди анқийди, нозанин соқий  
Гулчеҳрасидин бодага магар гулоб тўкар?

Фоний, қарилиқда хушдири кўз ёши тўkkанинг,  
Киши йигитликда жом сипқориб, шароб тўкар...

\* \* \*

Товланур жом ичра май андоқки, ойга тоб эмас,  
Гар қуёш жомида тоб бор эрса, унда об эмас.

Күэз тутарсен, воизо, Кавсар сүйини ҳурдин,  
Лек ўшал гул юэли соқийдин шароби ноб эмас.

Дўсту ёрлао қалбини торттувчи қармоқ ишқ эрур,  
Бўйла қармоқким, темир ёки пўлат қуллоб эмас.

Риндлар пири мурон остонасига бош қўяр,  
Чун уларга саждагоҳ шу, ўзга бир мәҳроб эмас.

Соқиё, май берма менга, дору бер, беҳуш бўлай,  
Неча тундир дарди ҳижрондин кўзимда хоб эмас.

Эй муғанний, соз ила кўксимни тилмоқ истасанг,  
Торга тирноингни ургил, ҳожати мизроб эмас.

Ўлтирибсен шу қаро тупроқда ишқдин, Фониё,  
Сенки даврон шоҳидирсен, ҳожати санжоб эмас.



\* \* \*

Риндларки, бари қўйи мугон ичра харобинг,  
Эй мубача, мастмиз ҳама, не эрди шаробинг?

Лутфу караминг ўлдирадир аҳли вафони,  
Жон олгучимас ёлғиз ўшал нозу итобинг.

Андоқки парисен, кирасен жону кўнгилга,  
Киргандা кўринмайди vale юзда ҳижобинг.

«Мендекми ўшал ою қуёш?» деб неча сўрдинг,  
Офтоб каби равшан сенга, эй ой, жавобинг.

Чун аҳли назар кўзида ул чехра намоён,  
Йўқдир анга борлиқ тунидин ўзга ниқобинг.

Ишқ дашти балосига ўйин бирла борилмас,  
Бордир неча бир хавфу хатар, ранжу азобинг.

Сарманзили мақсадни ҳаво айлама, Фоний,  
Май бўлса, яна ёнида бўлса хўру хобинг.



\* \* \*

Май ойнагун софу қадаҳ ойнафомдир,  
Ёр аксини күр, ўзгасига бокма, ҳаромдир.

Ул сөкүй маҳваш сенга май тутса кулумсаб,  
Тақво не ҳикоят эмишу зухд не қаломдир?

Ул май сувию неча емиш дони туфайли  
Дил қушлари кедмиш бу томон, завқига ромдир.

Сармаст мени этган, айириб ақлу ҳушимдин,  
Илкимдаги шу бода, лабо-лаб тұла жомдир.

Ул жилвайи қаддинг мени чун айлади беҳол,  
ЁРаб, не бало ғамза юриш бу, не хиромдир?

Майхонада ғавғойи аолово күтарибмен,  
Халқ келди бошимга йиғилиб, қахру қиёmdir.

Фоний, ичасен жоми фано, бори ҳалолинг,  
Ул шарбати Кавсар сенга зухд ичра ҳаромдир.



\* \* \*

Соқиё, май берки, хүшёрлик менга девоналил,  
Бизни мажнун айлагай базм ичра бепаймоналил.

Оқибат бегона бүлгай ошнолар, шод ул  
Кимки ошнойи жаҳонга айласа бегоналил.

Бир киши гар түртта хотин олса, ул мард бўлмагай,  
Хотину хотинчалишлардин кечиш марданалил.

Эй қўнгил, гар жаври даврондин бузилсанг, ғам ема,  
Қайдা ободлик сенга, гар бўлмаса вайроналил.

Зуҳд бирлан оғият афсона эрмиш, эй на хуш,  
Кўйи ишқ ичра ишим расволигу афсоналил.

Риндалар чун Аршга парвоз айлагайлар ишқдин,  
Шайх эса хилватда мисли бир товуқдир, хоналил.

Эл кўзи равшан эрур шамъи шабистон васлидин,  
Бизга мансаб ўт-олов ичра куйиб, парвоналил.

Кўйида мастмен, йиқилдим хонумоним тарк этиб,  
Ит ётар йўл узра, ҳоли зорлигу ҳайроналил.

Фониё, оламда ким оз нарсага қонеъ эрур,  
Боиси ожизлик эрмас, оқилу фарзоналил.

\* \* \*

Гар жавру жафо айласанг, ул лутфу иноят,  
Шукрона этармен анга, йүқ ранжу шикоят.

Тун эрди қаро, пири мугон қўйига бордим,  
Шоядки ўшал тутса қўлим, этса ҳидоят.


Чун олди дилим ишваю мастилик ила соқий,  
Ёндири майи, хору забун этмаса шояд.

Даврон майидин неча симиридим, эди аччиқ,  
Хижрон майи ундан-да тахир эрди баюят.

Ёр ишқида йилларки чўзилди ғаму дардим,  
На боши аёндири, на аён унга ниҳоят.

Тўлдирма, аё мұғбача, қасдимга қадаҳни,  
Маст этгали бир қултуми бас менга, кифоят.

Қатлингта қилич сирмади борлиқ неча айём,  
Фоний, сени ул жоми фано этди ҳимоят.



\* \* \*

Соқиё, холинг қарогимдир, жаҳонбиним менинг,  
Тутганинг аччиқ шароб ул жони шириним менинг.

Май дема, қонлар ичармен баски ҳижрон шомида,  
Тўлдирап жомимни ҳар дам ашки рангиним менинг.

Эй мусулмонлар, у қўзлардин қутулгаймен нечук,  
Саф чекиб киприклари форат қилур диним менинг.

Улки ошиқларни қатл этса, чекармен изтироб,  
Этгали қатлимга ваъда эрди таскиним менинг.

Майкада — доруломоним, мен нечук тарқ айлайн,  
Шайланарап чархи ситамгар тўккали хуним менинг.

Накди жон жононга бергайдир ҳама мажнун дема,  
Бу жасорат ишқ жунуни ичра ойиним менинг.

Фониё, жоми фанони қўймасам қўлдин, не тонг,  
Бу даво баҳри дили маҳзуну ғамгиним менинг.



\* \* \*

Ажаб, май тобидин гул-гул очилмиш бояи рухсоринг,  
Ва ҳар гул шавқидин оҳлар чекар ушшоқи bemоринг.

Ўшал рухсору қомат бирла гар гулшан аро кирсанг,  
Киёмат қўзғатур бояи чаманда қадду рафторинг.

Юзингда бўйла зулфинг доми, холинг донаси, ҳай-ҳай,  
Ажаб эрмас малоик қушларин этса гирифтординг.

Бу ҳуснинг уэра мундоқ яхшиликни сақласанг, дилдор,  
Умидим улки, Аллоҳ асррабон бўлгай нигоҳдоринг.

Менга шу ишқу май қисмат, сенга зуҳду риё, эй шайх,  
Менга бул қисматим бўлсин, сенга ул қисмату коринг.

Аё гардуни дун, сендин йироқ бир кулба истармен,  
Ғуборин ёғдирап бошимга мундоқ тоқи заркоринг.

Эшик оч, пири дайр, май сипқориб, сархуш бўлиб келдим,  
Кечиб ул зуҳду тақводин, солиб бўйнимга зунноринг.

Ҳусн шоҳи, бугун биздек гадоларга тараҳҳум қил  
Ки, бўлгай эртага сенга мукофот, ажри бисёринг.

Бисотда ҳар не боринг, Фониё, майга нисор айлаб,  
Тикарсен энди бошинг, баски йўқ бошингда дасторинг.

\* \* \*

Чиқди ой баэмси сабухийдин ажаб маству хароб,  
Жилва қилгандек саҳар Машриқ тарафдин офтоб.

Анжуман ахли йиқилди ҳар тараф юлдуз каби,  
Субхидаамда кўзлари нарғис кўзицек масти хоб.

Менку сармастлик ила айлар эдим ғавро шу дам,  
Қахру лутфомиз ила боқди менга, этди хитоб:

«Эйки, ноқобил, насибинг бўлмади ул баэмси хос,  
Толеинг йўқдир магарким, сенга бу ҳажру азоб.

Ўрнидирким, бори дунё узра қонинг сочгали,  
Сирмасам бўйнингта тиф, бошингни уэсам мен шу тоб.

Май ичаркан бўйла бир тонг ичра биз аҳбоб ила,  
Сен баэмда йўқ эдинг, этдингми биздин ижтиnob?»

Мен суриб тупроққа юз, ётдим қамишдек қалтираб,  
Тилда юз бир сўз, vale айтмоққа йўқ эрди жавоб.

Кўрди чун ўзгарди ҳолим, кетди мендин ақлу хуш,  
Кулди, соқийдин талаб этди тўло жоми шароб.

Деди: «Эй Фоний, бу майни ол, менинг илкимдин ич!»  
Ичдиму мулки адам сорига йўл олдим шитоб.

\* \* \*

Ўшал ой ҳажрида мен тортамен оху фифон ҳар кеч,  
Фифоним ул етишгай юксалиб то осмон ҳар кеч.

Мұхаббатким, йигиттә не жафолар айлади, күргил,  
Чекар андин не кулфатларни пири нотавон ҳар кеч.

Күрай деб ўлтирағмен күз тутиб бир гүшада пинҳон  
Ки, қайтар уйига шоҳ базмидин ул навқирон ҳар кеч.

Унинг кўйида мен, ул ҳам бирорнинг кўйида мендек,  
Чу андин мен ниҳону ул эса мендин ниҳон ҳар кеч.

Гахи боргаймену кўйига, ўэни ерга отгаймен,  
Ва лекин итлари ҳайдаб қуварлар беомон ҳар кеч.

Сенинг базмингда бас хосу улуғлар, менга ул етгай,  
Қўялсам эшигинг тубига бошим бир замон ҳар кеч.

Балолар бор унинг кўйида, Фоний, бошу жонингдин  
Магар кечмай туриб, ул сорига бўлма равон ҳар кеч.



\* \* \*

Кўнглим аро ишқ оташи муҳаббати анинг,  
Кўзим ёшига боис дуди фурқати анинг.

Кўксимдин учган тутунни сарвиноз деманг,  
Кўнглимга туташган чу сарви қомати анинг.

Лаъли лабини яшнатиб май таровати,  
Кўзимни қонга тўлдирибдир ҳасрати анинг.

Оти булатдир, сочилур туёғидин чақин,  
Йўлларда гўёки барқи офати анинг.

Гарчи йиқилдим ишқу май туфайли, эй шайх,  
Бу мазаллат ҳам хоҳишидир, ҳожати анинг.

Дайр пирига бандамен, таън этма, эй зоҳид,  
Дардимга даводир ҳамиша сұхбати анинг.

Фоний бўлсину унга бас майхона дилбари  
Ки, фано сорига етаклар хизмати анинг.



\* \* \*

Нечук айтгаймен ул ишқ мастилиги шархин, не мумкин ул?  
Кўзимда қонли ёшим бори майдир, демангиз хун ул.

Шаробдин эрмас ул гул-гул очилган, яшнаган рухсор,  
У юздин яшнаган мундоқ шаробдир, жоми гулгун ул.

Менинг ишқи камолим, дилбарим ҳусну жамоли ҳам,  
Бу янглиғидирки, чун ҳалқ ўйлагандин анча афзун ул.

Сабо ўйнашмагил кўп, сочи-зулфи торини очма,  
Макон тутмиш унинг ҳар ҳалқасида неча Мажнун ул.

Насиҳат айлагай шайх менга, ишқу бодадин кечмам,  
Гаҳи афсонадир айтганлари, гоҳида афсун ул.

Узат жомимни, беш кунлик умр ҳам бўйла муҳлатким,  
Басе макр айлагай, тинчитмагай ҳеч чархи гардун ул.

Фанимат бил кириб майхонага май баҳсу ғавғосин  
Ки, чиқсанг ташқари, ғавғойи дунё, олами дун ул.

Гадоким ўлтиур майхонада бас сархушу сокин,  
Гадомас, шону шавкат ичра шоҳи рубъи маскун ул.

Фано лофин урар Фоний тариқатта хилоф айлаб,  
Тарийқи бандалик, эй дун, бўлурму шунчалар дун ул?

\* \* \*

Истагим майхонада ул ойдан ўзга моҳ эмас,  
Сўрдим аҳли хонақоҳдин, ҳеч бири огоҳ эмас.

Бир қадаҳ ичдим, чу юксалди диморимдин тутун,  
Чархи дун кўрсин-да, қон ютсин, бу дуду оҳ эмас.

Ўзни тарк этмай киши кирмас ўшал майхонага,  
Худпастларга маю майхона сори роҳ эмас.

Ҳар сафол дайри муғон ичра мисоли жоми Жам,  
Бунда келганлар баробардир, гадову шоҳ эмас.

Михлади юлдуз билан гардун оёгин шоми ҳажр,  
Боргали субҳи висол сорига ул дилҳоҳ эмас.

Сен кўнгилни Бори мутлақдин бўлакка бойлама,  
Ўзга борликлар йўқолгай, тоабад ҳамроҳ эмас.

Гар лабинг май, соchlаринг зуннор эса, эй муғбача,  
Кошларинг олдида сажда айламак икроҳ эмас.

Тушди зоҳид саждалар айлаб йироқ Ҳакдин, vale  
Ринд узатмас майга қўлни, токи бисмиллоҳ демас.

Ишқ экинзорида йўқдир баҳрамандлик, Фониё,  
Токи ғамдин сарғайиб юз, дилда юз э воҳ эмас.

\* \* \*

Бўйла сархуш айлади, эй пири дайр, караминг,  
Хуш улки, бош кўтармасам ва бўлса унда қадаминг.

Айбмидирки кўйингда дамба-дам тупроқ бўлсам  
Ки, бундоқ нашъалар бермиш қадаҳи дамба-даминг.

Ишқ оташи гуноҳини кўп ёзма, эй малак,  
Ки, бало оташига чулғанмасин қаламинг.

Саропарда ичардирсен, нечук мен йўл топай?  
Ҳаттоқи боди сабо боролмас сўйи ҳараминг.

Кўнгил саҳифасига айш раҳамин нечук битгум  
Ки, унда қолмамиш жой, босибдур дарду ғаминг.

Нозанин суратинг ила не гўзалсен, эй маҳваш,  
Қўксимни чок этай-да, жо этай ҳусни ҳашаминг.

Дард лашкарин қалби бўлдинг, эй кўнгил, не ажаб,  
Гўзаллар ишқи ўтидин қўлингда байроқ, аламинг.

Чарх борлигин адам бил, ўзингни хурсанд қил,  
Чарх олдида баробар борлигу йўқлик, адаминг.

Чиқар хотирингдин буткул висол хаёлин, Фоний  
Ки, сен ҳақиру зорсен, буюкдир севган санаминг.

\* \* \*

Гулеки, шархи ғамимни олдида сабо этгай,  
Хуш эрди, сүзлабон бир-бир, мен каби адо этгай.

Нозингдин келмагай сира тарийқи дилжүлиқ,  
Күнгилга қасд әтиб бундоқ зору мубтало этгай.

Ул нозанин феълинин сен күргил, хиром этса,  
Килич ўқталур ким анинг ҳаққига дуо этгай.

Висолингсиз шахидларинг тирилмаслар, не наф,  
Минг карра Масихо агар дорую даво этгай.

Тарийқи фано топмади шайхдин бу күнгил,  
Бориб ҳаробат пирига энди илтижо этгай.

Кетур бодани, бошингда ул чархи зангорий  
Бу тарона ила күнгил зангиға жило этгай.

Ҳарими васл насиб айлар, Фониә, солик  
Агар юзин ул сўйи сарманзили фано этгай.



\* \* \*

Киши қадингдек ноз ниҳолин, эй сиймбар, кўрмади,  
Лаълинг каби майпарастни гулбарги тар кўрмади.

Жон лабингдин сўз очдию даҳонинг бобида,  
Такаллум этмади зоҳир, ул магар кўрмади.

Хусни раъноликда сендеқ нозанин фарзандни  
Ноз тўшакда ано туғмадию падар кўрмади.

Эй муаззин, Худо ҳаққи, бас қил фифонингни,  
Номуродлигимиз шомдин субҳу сахар кўрмади.

Хуснда ҳолат бор, уни айтишга тил ожиз,  
Соҳибназар кўрди уни, ботилназар кўрмади.

Соқий, хуморим ўлдиур, бир пиёла май бер,  
Улким хуморга май ичар, дарди сар кўрмади.

Риндлик тарийқимизни сен айб этма, эй Фоний,  
Киши бундан бўлак бизда бир ҳунар кўрмади.



\* \* \*

Юзингни күргали гулларки чок этмиш гирибонлар,  
Яқолар йиртилиб, чоки етибдир токи домонлар.

Бу бор ичра чаман бозорини күргилки, сайринг-чун  
Гули насрин билан буткул ясанмиш бунда дўконлар.

Сенинг дур тишларинг, лаъли лабингдек бўлмагай, фунча  
Ясаб гул баргидин лаб, жоладин гар этса дандонлар.

Муборак мақдамингдин топди жон, наврўздин эрмас ул,  
Ороchlар чайқалиб гар, жилва этса лола, райхонлар.

Замона бўйлаким хуррам әрур, паймона тут, соқий,  
Тилармен, синдирай, бас, қолмасин ул аҳду паймонлар.

Лаби лаъли бўлибдир бодадин, эй мұғбача, майғун,  
Асирдир ҳуснига диллар, фидодир завқига жонлар.

Бошимда неча расволик ила май истадим мұғдин,  
Кошимга келди бир-бир саф чекиб ул айбу нұқсонлар.

Аё, ул матлубинг күнглингдадирким, сенга ҳожатмас,  
Висолин изламоқ сарсон кезиб дашту биёбонлар.

Агар Фоний умид айлар нигори васлидин, тонг ўқ,  
Булатдек тўкса кўздин ёшини ҳам чекса афғонлар.

\* \* \*

Үшал турку хитой жуфт айласа гар жоми саҳбони,  
Чу биздин бошлагай турктоzinи ул, қатлу яғмони.

Юзи нозуклик ичра айлагай гул баргини барбод,  
Қади чобуклик ичра кул этар ул сарви раънни.

Лабидин бўса олмоққа тусикдир икки юз киприк,  
Ким энди келтирас кўнгилга шундоқ бир таманнони?

Баҳорий орази узра очилмиш ранг-баранг гуллар,  
Йироқ тур, эй рақиб, қўй биэга бир дам бу тамошони.

Мену кўйи мугонда муғбача, ул лаъли жонпарвар  
Ки, бир сўз бирла қувмиш эски бу кўйдин Масижони.

Ҳаробот куйи ичра бир пиёла майга олмаслар,  
Оловга оттаним афзал эмасму зуҳду тақвони?

Нечук пинҳон тутай ишқимни мардумдин, майи равшан  
Аён этди бу кўксим чокидин ул сирри кимёни.

Буюр, шоҳим, менга ул жоми Жамшидни кетурсинлар  
Ки, унда кўрсатай шоҳларга бу алдоқчи дунёни.

Ғазал айтмоқ мусаллам бўлди Ҳофизга, аё Фоний,  
Гадолик қил татиб кўрмоққа назми оламорони.

\* \* \*

Агар жом ичра эрмиш ул шароби лолагун аччиқ,  
Ва лекин жоми ҳижрон унданам баттар, фуэун аччиқ.

Бу икки аччиқ эрмишдир, ва лекин ёр ила ағёр,  
Үтиrsa май ичиб, жонинг аро минг бир тугун аччиқ.

Бу ҳижрон айламиш умримни аччиқ бўйлаким, урсанг,  
Ҳали тушмай жароҳат, сачрагай ҳар ёнга хун аччиқ.

Ҳамиша талхкомдирмен, магарки май ичар бўлсам,  
Қуяр жомимга ҳар гал бодани чархи нигун аччиқ.

Кўрарсен баски ҳижрон шарбати аччиқ эрур, сўрма,  
Нечун бу айшу ишрат жоми сенга инчунин аччиқ?

Агар айшим менинг аччиқ эса оламда, айб эрмас,  
Вафо аҳлига айшин айлагай ул чархи дун аччиқ.

Бу янглиғ коми аччиқ эрмас эроди хаста Фонийнинг  
Ки, ёри кетди ташлаб, энди кун аччиғу тун аччиқ.



\* \* \*

Кел эй, пири муғон май күзага шароб қуиди,  
Хавойи муғбача дилларга ишқу изтироб қуиди.

Соқий юзидин жомимга томди, ул тер әмас,  
Мени шод этгали май устига гулоб қуиди.

Тараб ахлин сабуҳийга ул чорлади, vale  
Мени күрганда күзларига уйқу, хоб қуиди.

Чархнинг иши айлантириш, печу тоб эрур,  
Хуш улким, косасига бода беҳисоб қуиди.

Фарёд чекар гоҳо булат күз ёшларин қуийиб,  
Совуқ оҳим соглач анга инқилоб, қуиди.

Агар ринд қочмаган эса ринд жаллодидан,  
Нечун майхонага келиб, майни шитоб қуиди?

Мазаллат тупоридин Фонийга борми ғам,  
Жомини тўлдириб шоҳи олийжаноб қуиди.



\* \* \*

Ул майки, күнглимиз майлин сүйи фано элтар,  
Зухддин яхшироқки, ул манзили риё элтар.

Ёр күнглинг олдими, тамом, хотирингни жам тут,  
Истар қаёнга элтар ул, беиштибоҳ элтар.

Заифмен, дўст сори бориб-келмагим қийин,  
Магарки насим келтиур мени, сабо элтар.

Васлин хаёл айламак ҳам мушкулдир, борми ул  
Бир кимсаким, номимиэни айтиб, дуо элтар.

Керакмас икки саро, лек не чора қилғаймен,  
Муғбачалар хаёли мени ҳар саро элтар.

Ҳаёт нақди ғаниматдир, ул чархи найрангбоз,  
Ҳаётинг нақдини айлаб сендин жудо, элтар.

Гўзаллардин вафо кутмагилки, Эзиди пок  
Кимгаки жамол бергай, күнглидин вафо элтар.

Даврон гар ранжитар эса, не чора, эй Фоний,  
Сени майхона эшигига илтижо элтар.

\* \* \*

Алассабоҳ, муглар, дайр эшигин боз қилинг,  
Икки жом тўлдириб, сұхбати аҳли роз қилинг.

Агар аҳли зуҳду риё ногаҳон ўтиб қолса,  
Худо ҳаки, номаҳрамлардин эҳтиroz қилинг.

Эй гузаллар, муродимиз ўлмакдир сиэни деб,  
Хоҳ ғамза бирлан ўлдиринг, хоҳи ноз қилинг.

Эй аҳли равза, тубий гар жилва айласа,  
Уни фидойи қомати ул сарвиноз қилинг.

Вайронидин бўлак сизга не бор, эй чобуклар,  
Ошиқлар қалбига агар юз турктоз қилинг.

Фоний ошиқ бўлиб келди, ўлдиринг факат  
Гуноҳкорни, гуноҳсизга имтиёз қилинг.



\* \* \*

Риндлик тарийқи шевасин улким бажо этар,  
Кўнгилнинг истагин агар дайри фано этар.

Нуру сафосиз эрди ул ҳажр шомимиз,  
Ул ой юэидин нур иниб, майни сафо этар.

Кўнгилга ҳаёт багишла, хуш келдинг, эй нигор,  
Келдингми, кетма, бу лутфин бизга Худо этар.

Балойи ишқ бошимга келди шу кўзим боис,  
Ўзи кун кўрмади, қаранг бошга бало этар.

Муғлар кўйини сайд этиб, ҳар неки топганин  
Майхонага тўкса киши, деманг гадо этар.

Қазо тағийир топмагай, хуш улки розидир,  
Ҳар неки бошига келгай, ҳар не қазо этар.

Фоний сари келмиш ул ой, ҳай-ҳай, аммо нечун  
Қаро юз рақиб-ла келиб, кунни қаро этар?



\* \* \*

Эй на хуш дамларки, ул дайри мугон маъво эди,  
Муғбача эрмасди унда, бир малаксиймо эди.

Дайр эшигин беркитиб андоқки шомдин тонгчача,  
Ул хароботким базмлардин биҳиштосо эди.

Ундаги ҳар эски хона ўйлаким қасри биҳишт,  
Хури эрди муғбача ул, кавсари саҳбо эди.

Ўлтиарди пири дайр сархуш харобот тўрида,  
Бир эмас, тўққиз фалакдин унда истиғно эди.

Илкида жоми ҳилоли, жоми ичра май-шафақ,  
Тиззаси остида лўлаболиши байзо эди.

Барча масту нола айлар эрди чангу дафу най,  
Тонгчача майхона ичра бўйлаким ғавғо эди.

Нобуд айлаб бир йўла бору йўғингни, Фониё,  
Бу базмгоҳга кирар бўлсанг, сенга авло эди.



\* \* \*

Ақлу хуш майхонага келди, паришон күринур  
Ки, эшик ҳалқаси ул ҳалқаи риндон күринур.

Айламас ёр назарим боғига бир сайди хиром,  
Унда гул хуну тикан ўрнида мижгон күринур.

Дайр пири қулимен, эшигиди жумла гадо,  
Ҳар бири қалбиди бир қайсару ҳоқон күринур.

Бўлма даврон майидин маству хуморин сўкма,  
Чунки ҳар лаҳзада бир ўзгача даврон күринур.

Шаҳро аро қўлти тағин шовқину фавро, не сабаб,  
Яна ул кофири масти ошуби майдон күринур.

Ринду расво бўлибон кел тарафи майкадага,  
Баски тақво ила келмакка не имкон күринур.

Бормагил, аҳли риё савмасини этма тавоф,  
Ҳар киши борса ўшал ёққа, пушаймон күринур.

Кеч ўзингдин, сўнг Ҳарам лунгисини бойла сириб,  
Ул тараф йўлда йироқ дашту биёбон күринур.

Фониё, дайри фано жойи ажабдирки, киши  
Бўлгай ул кофири ишқ, гарчи мусулмон күринур.

\* \* \*

Соқиё, балки қуярсен бодани баҳри тараб,  
Биэга тутгайсен кейин, аввал тегизгил унга лаб.

Йүк ажаб, топсам ўшал лаъли лабингдин мен ҳаёт,  
Лабларингсиз бу тириклик қайда бўлгай, эй ажаб.

Хусн аро Юсуфи Мисрий бир қулингдир, зархарид,  
Қулни шоҳга нисбат этсам гар бўлурмен беадаб.

Айладим мен нуқтаи мавҳум даҳонинг орзу,  
Деди ақлим менга: ҳай, йўқ нарсани этма талаб.

Юздаги ҳар қатра тери чун тириклик гавҳари,  
Бағбара чоҳини тўлдирса, кўрингай ялтираб.

Ақлу хуш ишқдин қочар бўлса, таажжуб әтмангиз,  
Ишқ устозу ақл шогирдга ўхшар довдираб.

Бош-оёғим гар яланг әрса, қаландар ул деманг,  
Май учун мен кафшу дасторимни бердим әрталаб.

Не учун нокасда юксак мартаба, десам, фалак  
Дедиким, бу нарсага биэдин сўралмаслик сабаб.

Дайр аро ринду қадаҳкашларга май эрмиш таом,  
Курбат истар эрса Фоний, тийнатида ҳамма гап.

\* \* \*

Риндларки, аэми сайри ул кўйи мугон қилур,  
Дин сўрса муғбача, унинг айтганин ҳамон қилур.

Иймонни бойлабон унинг зуннори эулфига,  
Шоҳкосаларда май ичиб, айши жаҳон қилур.

Сархушлик аро бўлгайлар мағрур бўйлаким,  
Хизматларин гўёки етти осмон қилур.

Дайр сополидин улар мастона май ичиб,  
Уни кўкдаги зарнигор қуёш гумон қилур.

Гардунни жом этиб улар май ичсалар агар,  
Май қуярда уфқ гардишин нишон қилур.

Бир пиёла май тегса гар ўшал гадоларга,  
Гўё ҳимматин уларга дарёву кон қилур.

Бир пиёла майда улар ёр жилвасин кўриб,  
Ҳушларин тарқ этиб, беҳудлик аён қилур.

Фоний, ўзингдин кечмасанг, ёрдин йўқ нишон,  
Зоҳидлар субҳу шом чун ҳажрида фифон қилур.

\* \* \*

Даврон менга гулдек бахти жавоним бермади,  
Майкоса тўлдириб пири муроним бермади.

Ҳар кимсаданки нўшдору айладим талаб,  
Майхонадин ўзга ному нишоним бермади.

Ҳажрида кўз ёшим бўлди бўғзимда юз тугун,  
Фарёд чекмоққа ул оҳу фифоним бермади.

Умрим ел қаби кечди, эй ҳариф, сабабки ул,  
Даврон менга бир жоми гароним бермади.

Майхонайи дорул омон истарманки, чарх  
Бошқа жойда ғамдин тинчу омоним бермади.

Лабимга бир қатра сувин томизмади фалак,  
Бағримдин то оқизмади қоним, бермади.

Фоний, халққа бериб кому айшини гардун,  
Мени тополмади магар, давроним бермади.



\* \* \*

Хуш улки, дайри мугон сорига гузар айлар,  
Күз солиб, мүрбачайи маҳвашга назар айлар.

Ҳазин кўнглимиэни, носих, ишқида айблама,  
Ишқидир ҳунари, қайдан ўзга бир ҳунар айлар...

Кавсар қайдаю ёр лаъли шароби қайдадир  
Ки, кайфияти ҳаловатинг сарбасар айлар.

Кўйида қоришиб кўз ёшиму жигар қоним,  
Етар манзилига ул, бўйлаким сафар айлар.

Сипехру анжум оҳимдин яралмиш, ишқ ўти  
Тутун ўрлатиб кўкка чун чўгу шарап айлар.

Пойи фано ила киргил ишқ йўлига, бу дашт  
Тиканлари санчилар жонгаю зарап айлар.

Йиқилдим дайри мугон эшигига мен мискин,  
Мугбача тутса бир жом, дардим бадар айлар.

Фоний, эс-хушиңг борида висол излама,  
Дўстдин бехабар кимса ул ўздин хабар айлар.

\* \* \*

Хар дилки соф эмас анга файз ҳаром эрур,  
Дүст васли акс этар, күнгил ойинафом эрур.

Күрдим чу жом ойинасида сокий чехрасин,  
Жом айланур, ойинада ҳам шу маром эрур.

Түйнүқдин қуёш күринди, хум оғзидин қадаҳ,  
Билмадим, қай бири қуёш, қай бири жом эрур?

Қадаҳда оби ҳаёту күнгилда завқу шавқ,  
Умрим тахир майдир, vale қүнгилга ком эрур.

Дайр самодир, авжида ой ила офтоб,  
Токи муғбачалар жилвагохи том эрур.

Хушига келгайму қизил сандал оташи,  
Улки қул-қули шаробим атрамашом эрур.

Баски ишқ майдин ичдим, бўлди ҳалолим,  
Зуҳду тақво нони энди менга ҳаром эрур.

Сабо ўзига келдию, сув этди тарки ҳуш,  
Эй сарв, суманга бор аро қайдин хиром эрур.

Ўздин кечгайсану дўстга етгайсен, Фоний,  
Фако йўли узун, vale икки қадом эрур.

\* \* \*

Менга майхонайи ишқдин ўзга роҳ йўқдир,  
Пири муғон даргоҳидин ўзга паноҳ йўқдир.

Сажда айларга бир санам талаб этсам, не тонг,  
Бошимни қўймоққа бошқа қиблағоҳ йўқдир.

Қатлимга саф чекибдур ғамза ичра мижгонинг,  
Чумоли ўлдиришга ҳожати сипоҳ йўқдир.

Кўнгил мулкида бўлмасанг, не қилур аҳли ҳусн,  
Сипоҳ не қилғайким, магар ародада шоҳ йўқдир?

Ишқим садоқатига сен икки гувоҳ сўрма,  
Бу сўзларимга Худодин ўзга гувоҳ йўқдир.

Кўнглим кўзларингдин вафо кутмаса, этма айб,  
Улардек қон тўкувчи турки дилсиёҳ йўқдир.

Фано даштида сабзаву гул излама, Фоний,  
Оҳим оташидин у ерда бир гиёҳ йўқдир.



\* \* \*

Кел эй майхона саҳни чун ишратободдир,  
Қайғудин асар йўқ, яна аламдин озоддир.

Юксак дарвозаси уэра ёзув бор бўйлаким:  
«Икки оламдин кечмасанг, очилмас, ётдир».

Баланд пештоқидин гоҳо тараалгай садо:  
«Кел, эй, қасри амал асоси сустбунёддир».

Риндлар муғбача сорига қилурлар хитоб:  
«Келтир бодани, бунёди умр барбоддир».

Созандалар наво тузиб, дерлар ҳар нафас:  
«Ишрат этинг, замонада зулму бедоддир».

Май кўзадин қул-қул қўйилган май қилур нидо:  
«Жаҳондин ўтдилар сенек неча авлоддир».

Қўрингач жом кўзгусида чеҳрайи мақсаду,  
Йиқилгай ҳар кимса ҳар ёнга, бу нажотдир.

Кетур, соқий, ул жоми майки, мен умр бўйи,  
Унинг иштиёқидамен, ишим фарёддир.

Мен маст бўлиб, ўзимни тарқ этай Фонийдек,  
Ҳар кимки чун маству ҳароб эрса, ободдир.

\* \* \*

Кетди ёрим айрилиб, бу иш менга мушкул эрур,  
Йўқ магар жисмимда жон, кўнглимда не кўнгил эрур.

Ёрдин айру май ила келмас севинчим, эй рафиқ,  
Ёрсиз оби ҳаёт ичсам, менга қотил эрур.

Ё менинг жонимни ёқмиш, ё дилимдан олмиш ўт,  
Дашту саҳроода куйик ҳар нечаким манзил эрур.

Ул гўзаллик офтоби мен учун умри азиз,  
Не ажаб, кетса, шитоб этмоққа чун мойил эрур.

Кўнглим ичра сабру тоқатнинг ҳисобсиз нақши бор,  
Лек ювилгай ул, фироқи селида зойил эрур.

Ёрдин айру ҳар нафас истар ҳалокимни ажал,  
Гўйё жон берганимдин ҳажрида ғофил эрур.

Қайси бир мажлисга борса ул нигорим, булажаб,  
Унда ишқим қиссаси афсонайи маҳфил эрур.

Кетди жонон бирла жон, Фонийга ўлмоқ не писанд,  
Жону жононсиз тирик юрмоқ анга мушкул эрур.

\* \* \*

Мену майхона аро мұрбачайи маст бу кеча,  
Бўйла мастидирки, қўзим уйқуни билмас бу кеча.

Ул парининг ҳар нафас жилвайи мастонасидин  
Тортамен жинни мисол наърайи пайваст бу кеча.

Қўл чўзиб гоҳи яноғига, занахдонига гоҳ,  
Сочидек гоҳ қадами остида мен паст бу кеча.

Икки зулфидин халосим мумкин эромас, бу кўнгил  
Баски ҳар ҳалқасига бўйлаки побаст бу кеча.

Ёнди жисмим шамъи рухсорида чун парвонадек,  
Борлигимдин бир нишона балки қолмас бу кеча.

Бути тарсо неча бор тутди лабо-лаб жомин,  
Дили шайдо этди чун ўзлигини бас бу кеча.

То қиёмат айрусен ақлу ҳушингдин, Фоний,  
Чунки бўлдинг ул майи мұрбачадин маст бу кеча.



\* \* \*

Юрди масжидни қўйиб, майхона сори пиrimiz,  
Белга зуннор бойламақдин ўзга не тадбиrimiz?

Кофири ишқимиз, жунундин мастмиз, эй муғбача,  
Бизга басдири зулфи зунноринг сенинг, занжиrimiz.

Дайр пири этди бизни чун гуноҳкор зуҳд аро,  
Гар қадаҳда қатра қолса, ул гуноҳ, тақсиrimiz.

Хонақога бизга йўл бўлсин, кеча май шишасин  
Топдилар охир титиб ул хирқайи жулдуrimiz.

Панд-насиҳат айлама, эй шайх, заҳмат чекма қўп,  
Риндлигу расволик эрмишдир азал тақдиrimiz.

Бўйнимизга шиша осдинг дайр аро, эй муҳтасиб,  
Бас, уни синдирма, бизга берма бу таъзиrimiz.

Оллоҳ-оллоҳ, ўз иймонидин уялмас шайхи ях,  
Биз санамга сажда қилсак, койир ул ҳар биримиз.

Ул қаро зулф ишқида гар нола чексак кечалар,  
Ёнилур зуҳд ахлига охи бало, шамшиrimiz.

Шояд, эй Фоний, ёэйла эрди Ҳофиз қабрига,  
Етса гар Форс юртига бу нусхай таҳриrimiz.

\* \* \*

Юзингни ўт деса бўлур ва лекин об ҳам,  
Латофатингдин ой хижил, магар офтоб ҳам.

Гадойи майкада бўлдимки, базм аҳлидин  
Етар мен ғарибга емак, яна шароб ҳам.

Ўлдим зуҳд билаки, бу дам майфуруш қани?  
Ишқ майи бирла маст этсин, балки ҳароб ҳам.

Ишқ балокашлари, келинг, меҳмоним бўлинг,  
Кўзим қонидан май тутай, дилдан кабоб ҳам.

Буюрган эса мақсадга етмоғинг азал,  
Бу йўлда шошмаган маъқул, этма шитоб ҳам.

Насиҳатгўй, расволигим боисин сўрмагил,  
Ишқдир ул, жоми бодадир, фасли шабоб ҳам.

Фоний сахарлаб ёш тўқди майхона олдида,  
Очили эшиги, келди жомдин жавоб ҳам.



\* \* \*

Менга хижрон шиддати бирла маломатдир бугун,  
Үзгарур хар лаҳза холим, воҳ не холатдир бугун.

Элтди расволикка мундоқ ишқаро девоналик,  
Кору боримдин жунун аҳли хижолатдир бугун.

Менга ул Вомиқу Мажнун ақлу ҳикмат бобида  
Қўрсатиб юз бир навозиш, беҳаловатдир бугун.

Мен агар майхона борсам, майга излармен илож,  
Май ила мутрибга ахволим ҳаволатдир бугун.

Бизга йўл кўрсатди андоқ ишрат ичра пири дайр,  
Қўлга олган жоми мастилкка далолатдир бугун.

Май насибимдир, ичармен, манъ этар ичмакни шайх,  
Олами ғайб амрига бундоқ жаҳолатдир бугун.

Муддаийлар бойламишлар хаста Фонийнинг қўлин,  
Вой, менинг mast бўлмагимга не маломатдир бугун.



\* \* \*

Агарчи бир умидим иўқ ёрим висолидин,  
Вале кўнгилни узмасмен ширин хаёлидин.

Топғил унингдек бир санам, ундан қутил, деманг,  
Излаб, тополмадим унинг ҳусни мисолидин.

Сарви қоматидин сўрди мажнун дилим самар,  
Бир самар кўрмади аммо фикри маҳолидин.

«Баҳо» сўзини ёзарда лозимдир нуқталар,  
Кўзимда нуқталар ҳамиша нақши холидин.

Мўътадилликдан мени чиқарди қомати,  
Ўзи чиқмади ҳаргиз ул эътидолидин.

Дилим маломатин кўргилу бода ич, илло,  
Шундан ўзгаси қутқармас ранжу малолидин.

Иккилди ҳижронинг аро жон бериб, Фоний,  
Не бўлди, бир келиб унинг сўрмадинг ҳолидин.



\* \* \*

Дило, даҳр аро дайри мугон паноҳинг бас,  
Эшигида гадодирсен, шу иззу жоҳинг бас.

Гар қилмишинг узрини ўзинг айтолмасанг,  
Инояту қарами дўсту узрҳоҳинг бас.

Мурод гулию инояти азалнинг ели,  
Шомларда қонли кўё ёшинг, саҳарда оҳинг бас.

Зулфи зулматидин агар қутулмоқ истасанг,  
Ул қадду рухсори хаёли, шамъи роҳинг бас.

Ғам лашкарин даф этарга фазойи дайр ичра,  
Ҳар тарафда май шишаю хумдин сипоҳинг бас.

Эл қонига датвоининг гар бўлса, эй қотил,  
Ики золим қаро кўзинг тайин гувоҳинг, бас.

Фалакдин меҳро вафо кўрмасанг, не ажаб,  
Вафою меҳро аҳлидирсен, шу гуноҳинг бас.

Ийсо ҳадисин сўйлама, қўй қуёш гумбазин,  
Сенга ул лаъли лабу карашма моҳинг бас.

Фоний, гадолик айларсен, илкингда бир сопол,  
Май сипқорурга сенга шу жоми шоҳинг бас.

\* \* \*

Йүүкки бир гул гулшани давронда хори бўлмагай,  
Базм аро йўқ бодаким, ранжи хумори бўлмагай.

Излама сен лоларухни қон ютиб чун, йўқки ул,  
Ваъдаси остида доги интизори бўлмагай.

Етмагай қўнгил қуши бир лаҳза гул рухсорига,  
Токи булбулдек неча фарёди зори бўлмагай.

Келса давлат гар фалақдин, бўлмагай ул барқарор,  
Айланур, бир лаҳза орому қарори бўлмагай.

Бу жаҳон беэътибордир чун фақирлар олдида,  
Ҳар севинчким келса андин, эътибори бўлмагай.

Ул киши топгай бу даврон ичра меҳнатдин омон,  
Маю маъшуқ бирла бўлгай, ўзга кори бўлмагай.

Ишқу мастлик ихтиёр этдинг нечун, деб сўрмагил,  
Кимсанинг майхона ичра ихтиёри бўлмагай.

Қуй менга, соқий, мунофиқлик этарму ул киши,  
Бода ичгай, шундан ўзга бир шиори бўлмагай.

Фониё, озод эрур ким эрса масту бешуур,  
Шодлиги йўқдирки, ғамдин ҳам ғубори бўлмагай...

\* \* \*

Кел, эй соқий, дайри мугон жойи, фазоси хуш,  
Ишқу май бирла анбарин обу ҳавоси хуш.

Эшигига гадолик афзал подшоликдин,  
Унинг кибри нохуш эса, бунинг фаноси хуш.

Эрмиш жон қийматига teng ёр кўйи тупроғи,  
Кўнгил, олгил уни, баским, нархи, баҳоси хуш.

Бир ханда истади қўнглим рақибдин ниҳон,  
Табассум айлаб деди: ҳай, муддаоси хуш.

Ишқ аҳли фифон айласа, жонларни ўртагай,  
Эй меҳру вафо қушларининг нағма навоси хуш.

На муддаий қолди, на унинг кибру нахвати,  
Эй дил, ғам чекмагил, Ҳақнинг лутфи адоси хуш.

Фоний этмади ҳури жаннат, кавсарга бир назар,  
Унга ёр базмию шароби дилрабоси хуш.



\* \* \*

Лабинг шавқида мундок май тўла, гулгун эрур соғар,  
Ичармен унда борин, гар ҳама гардун эрур соғар.

Бўшанса айрилиқ базмида гар қўнглим хунобидин,  
Кўзим ёшга тўлдиргум, яна пурхун эрур соғар.

Гадойи майкада бўлдимки, риндалар давлатин топдим,  
Шароби ишратимдин дамба-дам афзун эрур соғар.

Нигорим олмаса жомимни, мен май ичмагум ҳаргиз  
Ки, дилҳоҳим ҳамиша соқийи мавзун эрур, соғар.

Хаёли бўлса меҳмон, жуфт этармен базмаро жомим,  
Кўзим майкосасидин май ичармен, чун эрур соғар.

Агар манъ айласа май ичмагимни муҳтасиб, ғам йўқ  
Ки, бизга дафъи савдо эттали мумкин эрур соғар.

Малулмен ўздин, эй Фоний, не ҳожат лаъли руммоний  
Ки, беҳудлик шаробин тўлдириб бизга кетур соғар.



\* \* \*

Кўнгил уйида ёrim тузди бир сухбати хос,  
Суҳбатидин тушди дил изтиробга чун раккос.

Қадаҳ сипқориб қутулдим хумор балосидин,  
Бақо сувин ичиб, бўлдим ўлимданам халос.

Магар бодага бир куни ғарқ бўлсам, айбмидир,  
Тараб дурданасин деб мен ажаб баҳрида чун ғаввос.

Висол тонгида рашик этиб, ўчиредим шамни мен,  
Ҳажр шомида олдилар парвоналар қасос.

Висол шарбатин ичирдинг ошиқлар хайлига,  
Ҳижронинг жоми заҳрин этибсен менга хос.

Муғбача илкидин бир жом сени халос айлар,  
Бош қўйсанг пири мурон пойига этиб ихлос.

Фано ахли муҳаббати дилингдадир, Фоний,  
Хилофи нуқтаи «Алқосу лоюҳиб-бу-л-қос».



\* \* \*

Пири дайрим берса май бир қатра, этгум жон эваз,  
Бойласа белимга зуннорин, анга иймон эваз.

Тийри борони ғамингта менда юз минг жон қани,  
Сўрса жон киприкларинг отганда ҳар пайкон, эваз.

Соқиё, ўлдим хуморимдинки, бергил жом менга,  
Лутфи Эзиц бахш этар сарчашмайи ҳайвон эваз.

Лабларингдин бўса бергилким, анга жоним берай,  
Накди жонга бўйла тупроқму этар инсон эваз?

Бандамен пири хароботга, фақирлик йўлида  
Ҳар неча саҳву хато этсам этар эҳсон эваз.

Асрасанг ишқинг жафосидин мени, раҳм айласанг,  
Тангри бергай лутвидин ҳуснингта юз чандон эваз.

Берди гар жононга ширин жонини Фоний, vale  
Бўлди унга бўйла аччиқ қисмати ҳижрон эваз.



\* \* \*

Базм аро кирди бир оқшом, шамъи дилбар бўлди шамъ,  
Мунчаким куйдирди ул шўху ситамгар, ўлди шамъ.

Равшан этса васл шомин ёри маҳваш, шул етар,  
Не керак ул неча бир шамъ, бас, муқаррар бўлди шамъ.

Ёқди шамни тун аро тушгач висолинг шуъласи,  
Яъни ул нури жамолингдин мунаввар бўлди шамъ.

Шунчалар саркашлиқ айлаб, шуълаафшон сен яна,  
Айт, қачон шу қадду бастингга баробар бўлди шамъ?

Соқиё, йўқ шамга ҳожат базмимизга бул кеча,  
Ул майи равшан ва ул юздин мұяссар бўлди шамъ.

Фонус ичра бўлди маҳбус, тушди занжир бўйнига,  
Баски, чун девонайи сарви суманбар бўлди шамъ.

Фониё, отgil бошингдин, этма тож андишасин,  
Бор эди бошида тожи, бошидин айрилди шамъ.



\* \* \*

Лаъли лабингни тарк этиб, дили хароб хижил,  
Киши чун тавба айлаб, ичмаса шароб, хижил.

Нечун ул сунбулу раъно чаманда товланур,  
Сабабки зулфинг торидин тоб уэра тоб хижил.

На порсою на ошиқмен, майхўрликдир ишим,  
Эрурмен олдингизда чун, эй шайху шоб, хижил.

Нега тунги базимиэдин қочди, бўлмаса,  
Шаъшаъи бодадин гар ул офтоб хижил?

Умидвормиз маҳшар куни лутфингдин, бўйлаким  
Гуноҳдин азоб чекармиз, айлар савоб хижил.

Дило, дўст қўлинг тутсаю этса бир карам,  
Бўлмасмиз сўроқ чорида берсак жавоб, хижил.

Агарчи гуноҳинг ҳаддин ошибдур, Фониё,  
Дўст шафқат конидирки, бўлма беҳисоб хижил.



\* \* \*

Түлин ой шафақ қўйнидин кўрсатди чун жамол,  
Соқий жамолин акс этар бўйлаким бодаи ол.

Гўзалдир шафақ ила ой, вале латофатда  
Маҳбубу майга тенг дебон уни этма хаёл.

Осмонга ой ва шафақ, менга маю соқий,  
Бошимни кўкка етказур бу ташбих, бу мисол.

Хушо ул маю хушо соқийки, мен ҳар дам,  
Ул биридин хушхолмену бул биридин беҳол.

Кетур, соқийи гулчехра, гулранг бодадин,  
Ювай зилоли ила сийнамдин гарди малол.

Шамол жон бағишилаб менга ёр атрин келтирур,  
Магар Ийсо нафаси эмасми бу шамол?

Куфру дин мартабасин сўрма шайхдин, Фоний,  
Мажол берки, сўрайин дайр пиридин савол.





Дасти қазоки, соғару паймона айламиш,  
Вужудим хокини гили майхона айламиш.

Меъмори сунъ кўтармиш ул фалак гумбазин,  
Бизга майхона хокини кошона айламиш.

Соқий томизмаган эса жунун дорисини,  
Нечун сабуҳийси мени девона айламиш?

Юзинг висолидин кўнгил уйимни обод қил,  
Баски, ҳажринг сели уни вайронна айламиш.

Улки, нози ила маству харобдир наргиси,  
Бизни хароби наргиси мастона айламиш.

Жаҳон эли-ла ошнолик этма вафо кутиб,  
Гардун уларни бу шевадин бегона айламиш.

Фоний, ишқу жунунни машқ айла, нодондир  
Кишиким ўэни оқилу фарзона айламиш.



\* \* \*

Эйки биэдин дил олиб, чун ғорати дин айладинг,  
Ахли динни айладинг яғмо, не ойин айладинг?

Лабларин ўпганды, эй жон, ўйлаким топдинг ҳаёт,  
Баски тоти, лаззатин қўнгилда ширин айладинг.

Юзларинг бўстони майдин бўлди гул-гул, гўйё  
Бодани бўстонфуруз ранги-ла рангин айладинг.

Сунбулу нарғис юзинг гулзорида бехудамас,  
Дом этиб, сўнгра шикоринг оҳуи Чин айладинг.

Тер әмасдиր ул юзинг япроғи узра, май гули,  
Май гули бирлан юзинг сурю насрин айладинг.

Кўзларинг равшан, дилим, ул хоки пойидин сафо,  
Токи сурдинг сурмадек, ўзни жаҳонбин айладинг.

Фонийосо нўш этиб жоми фанони, шод бўл,  
Эйки, кўнгилни жаҳон кўйида ғамгин айладинг.



\* \* \*

Бу давроннинг ишидир бевафолик,  
Нечук бўлгай унинг аҳли вафолик?

Малулмен аҳли даврондинки, бир дам  
Узатмас менга май, ишратфаэолик?

Ўзингга, эй пари, айтар сўзим бор,  
Қаю манэил сенга обу ҳаволик?

Билурми риндалар ҳолини зоҳид,  
Этолмас пашша даъвойи ҳумолик.

Буюрса менга носиҳ тавба, соқий  
Узат май, мен киму ул порсолик?

Талоқ қилдим ситамгар шу жаҳонни  
Ки, фитна қўзғатур бу кадхудолик.

Мачитга борма, Фоний, салтанат деб,  
Кириб майхонага эттил гадолик.



\* \* \*

Мену майи муғонаю гулбонги паҳлавий,  
Пири муғон не айласа, биз бўлсак пайрави.

Май берки, кўрдим бир баражман кеча майхонада  
Маст эрди, дерди май ичиб ул пири маънавий:

«Эй қуйқаҳўр риндлар, йўқдир давронга эътимод,  
Яхшидир бода даврони, унинг нур, партави.

Дунё сендек неча мингларни айлади адо,  
Нечун ром этар дилингни ул мақри дунёвий?

Нигорхонайи Чинийга меҳонинг бойлама,  
Кетар чорингда қолур бу нақши монавий.

Дунёни дўст тутиб, унга қўнгил бермагил  
Ки, сен дўсти заифдирсен, ул душмани қавий”.

Ринди майхўр бадмастлиги афзалдир, не эмиш  
Масжид кунжида ўлтирган шайхи мунзавий?

Ул тарсо гўзали бир кун ўлдирап мени,  
Баски, ҳар сўзида аён анфоси Ийсавий.\*

Фоний, агарчи Жомию Шерозий хуш эрур,  
Мажкам тут, берма қўлдин ул ойини Дехлавий.

\* \* \*

Хижрон тунида ой нечун, жамоли ёр керак,  
Тийра кўзимга равшан ул шамъи нигор керак.

Юзингта тўймайин қолдим хижрон балосига,  
Тўйиб-тўйиб наззора этмагим бисёр керак.

Кетдим эшигингдин, дўсту аҳбобим кўрмадим,  
Кўйингда итларинг то тонгтacha бедор керак.

Юзингни кўрмак қаёнда, воҳки, мен ўлдим,  
Кўрарда киприклар эмас, кўзимга хор керак.

Келди тилга алҳамдулилоҳ, тавба соати,  
Аммо даргоҳингда оби истиффор керак.

Риё айлаб хонақоҳда ўлдири шайх, менга  
Майхона остонасию лутфи хаммор керак.

Висоли йўлига сурдинг юзингни, эй Фоний,  
Муяссар бўлмаса бир бора, юз бор керак...



\* \* \*

Соңиё, тутгил қадаҳ, менга майи нобимни бер,  
Ул хумор чөгимда лаълинг, нўши серобимни бер.

Кема-кема май ташиб, ичдим, vale лабташнамен,  
Эт мени лангар, шароб баҳрига чўкмоғимни бер.

Дори, малҳам қўй дилим заҳмига қошинг холидин,  
Май хумин оғзин ёпишга фишти меҳробимни бер.

Гоҳ берарсен васл умидин, гоҳ этиб ваҳми фироҳ,  
Жоми заҳрингни симирдим, энди жуллобимни бер.

Ип йигиргайлар гахи тиэмокка дур, маржон учун,  
Қийнади зафъи хуморим, менга ул тобимни бер.

Аҳли хосга жом лиммо-лим тутарлар, бас менга  
Қатраким қолмиш қадаҳда, лутфи аҳбобимни бер.

Сен киму маҳваш висоли баэмига етмоқ қаён?  
Фониё, токай дегайсен: менга камёбимни бер.



\* \* \*

Күйингда мен оворадин ёлғыз фиғон қолиб,  
Бенишон кетди, бўйлаким, андин нишон қолиб.

Хонумон тикдим кўйингда, не бўлди оқибат,  
Хонумон йўқолди-кетди, бехонумон қолиб.

Вафо кўйида гар ўлдим, бу ҳам хуш эрур,  
Итларинг учун неча луқма, устухон қолиб.

Фарҳоду Мажнун қиссаси йўқотди қийматин,  
Ҳар кўча-кўйда дилимдин достон қолиб.

Ҳамроҳлар кетдилар бир-бир, ҳолимга йиглармен,  
Мен бир ёқдаю бир ёнда карвон қолиб.

Қадаҳдин даво истармен қариган чоримда,  
Кўнгилда доги ҳажр ила ишқи жавон қолиб.

Соқий, жомингдин Фонийга асар етмади,  
Шоҳкосада май тут менга, ичай қониб-қониб.



\* \* \*

Шабнам ёғилиб, яшнади гуллар ва суманлар,  
Юз ювди ўшал сув ила ҳар лаҳза чаманлар.

Гулларки шаҳидлар эмиш ул, лолани кўргил,  
Қонларга бўялмиш анинг эгнида кафандар.

Сунбул сочидин тобу тугун тушмаса эрди,  
Зулфига нечук етгай эди тобу шикандар?

Гул фаслида бўл май ила, дилдор ила ҳамдам,  
Майхонада май ёлғиз ичилмайди, дегандар.

Ҳай, мен нечук ул бут сари ҳар лаҳза югурмай,  
Жон бўйнида зуннор ипидин бўлса расандар?

Сўз бирла киши сирри ҳақиқатта етарму,  
Айтилди, vale етмади манэйлга сухандар.

Фоний, тугатиб сўзни, фано йўлига киргил,  
Йўл марди эсанг, қўй, сенга ортиқча бу фанлар.



\* \* \*

Бўйлаким ёндириди ҳижрон, сўрмагил,  
Ёнди ҳижронинг аро жон, сўрмагил.

Бойла кўнгилни сочинг занжирига,  
Бўлса гар маству паришон, сўрмагил.

Нега сўргайсен у лаълинг ҳажрини,  
Қолмади жонимда дармон, сўрмагил.

Соқиё, май тут менга шоҳкосада,  
Қўйди юк елкамга даврон, сўрмагил.

Сўйладим ишқимни, орттиридим бало,  
Шунчалар бўлдим пушаймон, сўрмагил.

Риндар пири пири майхонамиз,  
Офият етгайму бир он, сўрмагил.

Ишқу майни манъ этар аҳли хирад,  
Жавр этарлар неча нодон, сўрмагил.

Жилва қилгач майфуруш, ул муғбача,  
Мен бўлибмен лолу ҳайрон, сўрмагил.

Васл истаб, изла Фонийдек фано,  
Мушкулинг айлармен осон, сўрмагил.

\* \* \*

Маст бўлиб мұғбача ишқи, базмию ишратидин,  
Бўлдим охир пири дайр муридию миллатидин.

Шодмен айбу гуноҳимга, магар бўлмаса ул,  
Покланар эрду нечук кимса унинг раҳматидин?

Куйди парвона висол шамъида ул кеча чунон,  
Ёнди минг барқи бало кўнглим аро ғайратидин.

Айлама ваъдаи жаннат менга ёрсиз зинҳор  
Ки, менга жаннат ўшал дўзах ўлур фурқатидин.

Истамам шайх дусини гуноҳим афви-чун,  
Лутфи дўст борки, йироқдирмен унинг миннатидин.

Бир нафас ёди, хаёлидин әмасмен айру,  
Не кечар ҳоли дилим тушса йироқ улфатидин?

Ризқи рўэим каму кўп деб нега ғам ей, ул ким,  
Ризқ камаймас ё кўпаймайди киши қисматидин.

Дайр аро кўхна сафолимда ичиб оби ҳаёт,  
Жоми Жам кўзга кўринмайди унинг нисбатидин.

Фониё, зуҳду риё чорасидир фақору фано,  
Бошқа манзил йўқ қутулмоққа унинг оғатидин.

\* \* \*

Нафсим туфайли топмадим, Худойим, роҳ сенга,  
Сенга бош уармен истаб андин паноҳ, сенга...

Бошимга кўзу кўнглимдин нелар келмади,  
Иккиси ашку оҳ ила, бас, узроҳ сенга.

Нечун мен эйён кўрмайин, топмайин шикаст,  
Юборсам ҳар куни чун лашкари гуноҳ сенга?

Еруғ тонг — юзинг равшанида мен бода ичиб,  
Сахарлар нола қилиб, чекармен оҳ сенга.

Агарчи гуноҳ бобида менга баробар йўқ,  
Гуруру қайсаарлик-ла этмам иштибоҳ сенга.

Дилимда ҳар неки бордир, ўзингга ул аён,  
Сўзим чинлигига сени этгум гувоҳ сенга.

Фоний, унинг ишқида, кел, шоҳу гадодин кеч  
Ки, бандалик айлар бугун шоҳу гадо сенга.



\* \* \*

Күнгилда гар ғамим күп, май әтар фароғ андин,  
Сийнамга ўт солур май, хирқамда доғ андин.

Күз фасли чаман сайрига чиқса ул ҳуснибаҳор,  
Ясаниб, гулу лолага тўлгуси боғ андин.

Кўнглим оташи оҳимга ҳазир бўл, эй шамол,  
Оловга ўт қалар, аммо ўчгай чароғ андин.

Оворадир дилим жунун даштида, эй рафиқ,  
Магар Мажнун учраса, эттил сўроғ андин.

Бемори ҳажр танимни дашт аро ташласалар,  
На бир ит оэуқа олур, на қарға-зоғ андин.

Савдоимен ҳажрида чун, майхонага борай,  
Ичиб бир пиёла, этай кайфимни чоғ андин.

Фоний, ўзингни тарк этиб киргил ишқ кўйига,  
Хавфдин халос бўлурсен, чун келгай фароғ андин.



\* \* \*

Күнгил нола чекар чун зору нотавон, тингла,  
Сүз зохир этмаса ҳолим, эттай фифон, тингла.

Күйингда афсонамдин ўзга бир фасона йўқ,  
Кулоқ солгину бу хикоятим ҳамон тингла.

Яширдим кўнгилда ишқнинг хикояти халқдин,  
Кўнгилдасан-ку, ул яширганим ниҳон тингла.

Келтир май шишасин, сўйлай тавҳид нуқтасин,  
Ҳар пиёла тутсанг, ҳакқига достон тингла.

Атиргул атрию унинг тикони қиссасин,  
Эй кўнгил саҳарда булбул эттай баён тингла.

Излама Каъба йўлидин ишқ сиррини магар,  
Истасанг ул тарона, бор кўйи муғон, тингла.

Ишқинг меҳнати шарҳини сўроқла Фонийдин,  
Бирин-бирин хикоя қил, замон-замон тингла.



\* \* \*

Шарманда бўлмиш фалакда офтоб юзинг боис,  
Булатга бурканиб, тутмиш ниқоб юзинг боис.

Юзинг гул бўлмаса магар, жадал хиром этсанг,  
Нечун тер тўкилиб, бўлгай гулоб юзинг боис?

Лаълинг ила юзинг кўриб, бўлдим масти хароб,  
Лаълингдин масти бўлдим, vale хароб юзинг боис.

Тун аро юзинг шамъини кўнгил қушим кўриб,  
Парвонадек куйиб, чекар изтироб юзинг боис.

Ниқоб туттанингда юзга, юлдузлар очди юз,  
Ниқоб туттайлар юзларга бениқоб юзинг боис.

Юзинг ҳақи ичамен, эй соқий, менга завқ йўқ,  
Жомимда ял-ял ёнмаса шароб юзинг боис.

Фоний жон ила бандадир Ҳасанга, ул демиш:  
«Эй, мунааввар бўлди кўкда офтоб юзинг боис».



\* \* \*

Күнгилга васл муждаси етар, қарор қани?  
Безудлик ноласин чекармен, ихтиёр қани?

Жунуним дафъ этарга мени, эй ҳакими ақл,  
Занжирга солмоқ истарсен, зулфи ёр қани?

Фам етса, ақл киргай деб ўйлардим, келди ишқ,  
Унинг олдида ақлга эътибор қани?

Баэмимни жаннат айлади гули муаттарим,  
Мутриби хушнавою жоми беғубор қани?

Хажрида хору хастга тўлди тийра бу кўнгил,  
Висол шамъин ёққали ўтлиғ узор қани?

Келар йил ким бору ким йўқ, соқий, май кетур,  
Айтгил, бултурги улфату дўсту ёр қани?

Фироқ шархини битмадинг нечун, деб сўрмагил,  
Ёзмоққа меҳнатдин холи, хуш рўзгор қани?

Фоний фано лофин ураг, рост бўлса айтгани,  
Кўзида ёшию кўксига оҳу зор қани?...

\* \* \*

Эътимод йўқ бу замоннинг ишларига бир замон,  
Қўйма қўлдин бир замон май косасин, эй жонажон.

Тунда қуш қочмас оловдин, лек бу сабрим қушлари  
Тоқат этмай, ўтли оҳимдин қочурлар ҳар томон.

Лаҳза-лаҳза оташи оҳим урар осмонга бош,  
Ал-омон шавқи муҳаббат оташидин, ал-омон.

Ким кўрар сахрова, Мажнун деб мени айлар хаёл,  
Эгизак туғмиш магар биэни шу ҳаввойи жаҳон.

Муғтанам тут ҳар нафас умрингни, токи бир даминг,  
Қайтаролмас на Масихо, на Ҳизэрдек паҳлавон.

Ул пари ҳусну жамолин кўрмасин дерман малак,  
Тушмасин васлига номаҳдрам нигоҳи ногаҳон.

Фониё, кечсанг ўзингдин, ёрга етморинг тайин,  
Бир умр юрмоқ ҳамону бир қадам қўймоқ ҳамон...



\* \* \*

Тўним йиртиб мен андоқ мастигимдан,  
Яқо қайда, этоги қайда, билмам.

Кунимни тийра этса гоҳи гардун,  
Фамимнинг чораси ул жоми равшан.

Фалакка қасдма-қасд жоми фанони  
Лаболаб сипқоришни айладим фан.

Қадаҳ тутгай менга ул кимсаким дўст,  
Тўкар ул муҳтасиб жомимни, душман.

На хуш, фасли баҳор гулдек санамлар  
Қадаҳ сунса, маконинг бўлса гулшан.

Қоронғудир дилим, гар ёғдириб ўқ,  
Фалак юз дарча очмиш унда равзан.

Тутиб ул муғбача жоми мугона,  
Менга дайри мугонин әтди маскан.

Даҳро боғида «озод» деб аталди,  
Ажаб, хомуш бўлиб ўн тилли савсан.

Менга дайр, хонақоҳ зоҳидга, Фоний,  
Қара, зуҳд қайдаю мен қайдадирман.

\* \* \*

Аё, ой юэли, жоминг офтоб эт,  
Күёшга таънаю ойга итоб эт.

Ва ҳар гал мастилинг чалса оёқдин,  
Кўйиб тиззамга бош, бир лаҳза хоб эт.

Ниҳон ич майни, кўнглим айла обод,  
Ва ё ошкор ичиб, олам ҳароб эт.

Ўшалким ишқ кўйида аҳли дардмас,  
Йироқ тур, сухбатидин ижтиnob эт.

Паридир севгилим, мен унга Мажнун  
Ки, бизни Лайли-Мажнун деб хитоб эт.

Нигорим оғзида сув ичрадир тиш,  
Уни сен дурри гавҳар деб ҳисоб эт.

Санам пойига бош урмас эса ким,  
Уни кофир дегил, хоку туроб эт.

Қадалмиш ишқ ўқи бағрингта, эй жон,  
Итига сиху оташдин кабоб эт.

Мену ёр, ўртада бир парда, Фоний,  
Юлиб от пардани, дафъи ҳижоб эт.

\* \* \*

Дема күхна сафол, ойнайи меҳри сафодир бу,  
Майи соф бирла тўлса, жом дема, оламнамодир бу.

Қўлингда жоми Жам бирлан Скандар кўзгуси бўлса,  
Босар ҳар иккиси ўрнини, андоқ бебаҳодир бу.

Фироқида бериб жонимни мен, у халққа жон бергай,  
Аё, ишқ йўлида бу не ситам, қайда раводир бу?

Ғанимат билмади васлин, фироққа тушди бу қўнглим,  
Кишиким айламас шукронга, қисматдин сазодир бу.

Агарчи кўйида тўпроқ бўлибмен, лекин ул ҳардам  
Бало бўлгай яна бир бошқа, эвоҳ, не балодир бу?

Бериб бир бўса жонон олди жоним, бўса боз сўрдим,  
Деди: бир кун олурсен, не ажаб нозу адодир бу?

Агар Фоний кетар бўлса, анга эргашмагил, эй шайх,  
Риё корхонаси деб ўйлама, дашти фанодир бу.



\* \* \*

Субҳ фами ёнида бўлса маю жом, не бўлур?  
Киши билгайму тонгдин токи шом не бўлур?

Воқиф эт, билсин ҳама, биз олдик қўлга жом,  
Маълум эрмаски, оқибат, анжом не бўлур?

Бу кўхна дайр аро янги дилором излагил,  
Аён эмасдир, дилларда ором не бўлур.

Даҳо гулшанидин, дединг, мақсадинг нима?  
Мақсадим майдиру ёри гуландом, не бўлур?

Ҳақ зоти бокийдир, ваҳим ойинасида  
Икки олам акс этар, бас, давом не бўлур?

Яхши номли риёпеша ҳосидлар жабрини  
Чекса мендек бир нокису бадном, не бўлур.

Лабингдин келмади бизга дашномдин бошқаси,  
Бўса бўлсаю ёнида дашном, не бўлур?

Фоний, фано бўлмай ёрдин висол истама,  
Истагинг бори ул хаёли хом, не бўлур.

\* \* \*

Субҳидам талабинг файз эрса, тарки хоб қил,  
Қўйғил маст уйқуни, жомингни пуршароб қил.

Май қуй майшишамигаю лутфу итоб этиб,  
На бир тошпора ташлагил, на лаъли ноб қил.

Йўлингда интизор бўлиб, ўлдим, эй нозанин,  
Кетмоққамас, келмоққа бир нафас шитоб қил.

Ризқинг ёзилмиш қисматдин каму кўп бўлмагай,  
Гар сусткашлик айла, гар саъю изтироб қил.

Эй ой, ризқинг етар сенга мастилик, фуур ила,  
Хоҳ юлдузга ноз айла, хоҳ кўкка хитоб қил.

Вужуди ишқ олдида ул осмон не әмиш?  
Уни нисбатда денгиз бил, буни ҳубоб қил.

Фоний, висол туни бизга паёпай май узат,  
Уни май демагил, умри абад ҳисоб қил.



\* \* \*

Безатса гул билан қабрим туини гулузорим ул,  
Фано мулкига гулдаста бўлур тури мозорим ул.

Қорайди қатра қонлар дуду оҳимдин яроларда,  
Чу шохи аргувондир дарду ғамдин жисми зорим ул.

Мени чун масти маҳмур этди соқий лаълидин бода,  
Шароби майкада этгай қачон дафъи хуморим ул?

Тирикмен шу жаҳонда, зулфу ҳажри ёр бўлиб боис,  
Коронғудир куним, ундан-да баттар рўзгорим ул.

Бу тупроқ тан уза доғ узра доғлар мунчаким, эй дил,  
Магар от ўйнатиб, урмишми жавлон шаҳсуворим ул?

Фалакда ихтиёр ийӯқ гулдирак, чақмоғу ёмғирга,  
Қачон кўз ёшу оҳу нолаларга ихтиёrim ул?

Кўзимдин қатра-қатра оқди андоқ дурри мақсадим,  
Ҳамоно бўлди денгиз ўртаси, Фоний, қарорим ул.



\* \* \*

Агар қатлим буюрса ёри дилхөх,  
Анга жоним берай, алхукмуллох.

Аё шайх, бизни **күй** дайри фанога,  
Харам сорига йўл йўқ эрса, илло.

Узат жомингни соқий, баски тавбам  
Омонат эрди, биздин тушди айро.

Яна булбул ила афсонайи гул  
Келиб, ёр ҳажрида чекмоқдамиэ оҳ.

Чу бизни қувди зоҳидларки, ғофил,  
Ва лекин чорлади риндаларки огоҳ.

Аё шўх, тозасен гарду губордин,  
Паноҳ бўлсин сенга покиза даргоҳ,

Нижоний зуҳди дин **Фонийда** бўлмас,  
У ошиқ, ринд эрур, валлоҳу биллоҳ...



\* \* \*

Муглар кўчаси бу, кирдинг, чикма, аё, андин,  
Қадам ташлаки, топарсен **Ҳ**арамга роҳ андин.

Коғир кўзинг айлар эса даъвойи нақди дин,  
Шу эътирофи баски, яна ким сўрар гувоҳ андин.

Авфу бахшишинг-ла киши гуноҳкор бўлгуси  
Ки, фақр тарийқида гар келмамиш гуноҳ андин.

Соқий, кетур жоми **ҳ**илолий, тўлдириб шароб  
Ки, бундан қуёш уялсин осмонда, моҳ андин.

То сипкорай-да, бўлай фам сипоҳидин халос,  
Фам босса гар топармен доим паноҳ андин.

**Ҳ**ижрон шамоли-ла юзингдин олгум пардани,  
Яъни учиргум ниқобинг, чекиб мен оҳ андин.

Фоний гадо бўлиб пири мугонга, бўлди шоҳ,  
Гадолик айлабон **ҳ**иммат сўрайди шоҳ андин.



\* \* \*

Оловдир ёр лаби, лаъли пурфасонаси,  
Ноз ила тил чиқармаги — ўтнинг забонаси.

Баҳона топса мени қатл этарга, не зиён,  
Ахир қатлим учундир ул топган баҳонаси.

Бодафуруш шоҳдиру саройи-майхона,  
Лаълу гавҳарга тўла ул хумлар-хазонаси.

Хушдир май денгизи, магар кўз илгамаса,  
Ул каронасидин боқсанг, бул каронаси.

Муте қилди пири муғонга бизни, айтамен,  
Ҳавоий муғбача бирлан жоми муғонаси.

Оlam чиройининг зулфу холига алданма,  
Зийрак қуш пайқагай улким, ул туэофу донаси.

Фонийдек дўст нишонасин ким топса, эй кўнгил,  
Кетгай жаҳонни тарқ этиб, қолмас нишонаси...



\* \* \*

Жамолинг зебидир лаб узра холинг,  
Магар ул нұқтаи «жим»и жамолинг.

Күнгил уйига киргил, ул маконни  
Нигорхонаи Чин этмиш хаёлинг.

Бу янглир бемисасенки, тенг эрмас  
Сенга күзгуда акс эттан мисолинг.

Күнгилда ёр иштиёқи, сабрим,  
Анга кирмоққа етмайди мажолинг.

Ақиқдек бодаю даври қадаҳдин  
Келур хотирга ул лаълу ҳилолинг.

Аё майхона пири, маст йиқилди,  
Вафо йўлида бўлди поймолинг.

Харобдур ҳолимиз лаълинг майдин,  
Яна сўрмак нечун: не бўлди ҳолинг?

Чекардим бу жаҳонда оҳу фарёд,  
Ва лекин қўрқамен, келгай малолинг.

Ўзингдин кечмасанг, Фоний, келурму  
Висол кўйига етмоқ эҳтимолинг?

\* \* \*

Мени ўлдирди ҳажринг оташи, ҳай, тарки ҳижрон қил,  
Халилосо кириб, ул оташим яксар гулистон қил.

Жунун саҳросида қонимга фарқ этдинг мени, ким ул  
Буюрмиш сенга: қондин хильяти мажнуни урён қил.

Учар ғам шомида кўнглим қуши ҳар сорига, эй шамъ,  
Анга лутф айлабон парвонайи шамъи шабистон қил.

Тигингдин ул кўнгил чокини мен, мажнун тиколмасмен,  
Ани тикмоққа, эй жоно, иложин тири мижгон қил.

Демасмен, менга лутф этгил, жавр қил ёки ноз айла,  
Менга бахтдир ўшал, ҳар истагингни айла, чандон қил.

Дилим юз порадир, жамъ айладим, хуш кўрмасанг, илло,  
Сочингдин бир насиме йўллагил, такрор паришон қил.

Ажалнинг ори ёхуд раҳми келди ҳоли зоримга,  
Сен, эй қотил, этиб бир таъна, бу ишдин пушаймон қил.

Бу даврондин кўнгилда ошуби ғам кўпдир, эй соқий,  
Майи шоҳкоса тутгил, чораи ошуби даврон қил.

Ҳушимдин маъюсу малул бўлиб, майхонага келдим,  
Чу боданг селидин ул тавбаю зуҳдимни вайрон қил.

Агарчи мумкин эрмас васл бетавфиқ, аё Фоний,  
Умидсиз бўлмагил, бу йўлда саъӣ эт, жаҳду жавлон қил.

\* \* \*

Йүқ магар майхонада бадмасту бебок мен каби,  
Кўйлаги йиртиқ, этакдин то яқо чок мен каби.

Гар жамоли, ҳусни пок ичра баробар йўқ сенга,  
Йўқ, топилмас бу камоли ишқ аро пок мен каби.

Оlam ичра ишқ ғами янглиғ машаққат бўлмагай,  
Йўқ яна оламда мендек дарду ғамнок мен каби.

Ҳар киши ҳуснингни идрок этди, ошиқ бўлди ул,  
Йўқ вале ошиқлар ичра ахли идрок мен каби.

Сарсари ишқинг учиргай хас этиб ушшоқни,  
Йўқ ўшал дарду алам даштида хошок мен каби.

Лой керак бўлса таъмир этмоққа ошиқлик кўйин,  
Кўз ёшимдек сув топилмас, бўлмагай хок мен каби.

Фақр даштидин ўтарда баски чаққонлик керак,  
Фониё, бу йўлда бўлмас чусту чолок мен каби.



\* \* \*

Эй ринди масть, майхона бор, қўй, бошқа маъво этмагил,  
Соқийни севгил, ўзгага қўнгилни шайдо этмагил.

Иstab басе завқу нишот, топсанг агар оби ҳаёт,  
Қўй тўлдириб жомингта май, сен тарки сахбо этмагил.

Бўстон аро, эй сиймбар, илкингда майдин жоми зар,  
Сен унга солганда назар, бир майли раъно этмагил.

Дину қўнгилга ўт уриб, майхонага ўтсанг юриб,  
Ул зумраи тақво ила ошубу favro этмагил.

Ярмо этиб дил мулкини, ўтлар ёқарсен ҳар куни,  
Тарк айлама нозингни ҳеч, бу ишни асло этмагил.

Кўргил қўнгилда не маром, ул мажнуни зордир мудом,  
Сен ҳайдама девонани, қўйингдин айро этмагил.

Фоний, бу янглиғ дамба-дам, савдои ишқдин урма дам,  
Кўп кўрма шу ҳолимни ҳам, оламга расво этмагил...



\* \* \*

Кўзимдин кетмагай асло хаёли ул санам хориж,  
Бу янглиғдирики, акс ойнадин қўймас қадам хориж.

Сочи занжирининг ширин хаёли бирла оҳ урсам,  
Сочидек тўлғониб учгай кўнгилнинг дуду ҳам хориж.

Ичимда дарду ғам беҳад, ташимда меҳнату кулфат,  
Сипоҳи хайли ишқинг бўлмагай не айласам, хориж.

Фами ишқингда жисмим қовжираф, андоқ адо бўлдим,  
Томошо этгали бошин кўтарди дарду ғам хориж.

Мени чун сийлади соқий, маконим бўлди майхона,  
Киши кетгайму асло тарқ этиб қўйи ҳарам хориж.

Яширганмен ғами ишқинг кўэу қўнглимда, э воҳким,  
Этарлар оҳу ашким бу сиримни дамба-дам хориж.

Аё қўнглим, мабодо сўрсалар Фонийни, сен айтгил,  
Қўйиб мулки бақони, кетди ул сўйи адам, хориж...



\* \* \*

Оташи ишқинг ила тупроқ бўларкан манзилим,  
Қабрим узра тур бўлур ул щуълаи оҳи дилим.

Ранг олиб хуни дилимдин, сувни пайконинг бериб,  
Ғунчалар очмиш ғаму андуҳу меҳнатдин гулим.

Бошқаларга тиф урасанку, бўлурмен мен ҳалок,  
Ўзгаларга жон бағишлайсен, менга тиф, қотилим.

Мушкулим улдирики, менга панду дашном айласанг,  
То оғиз очмас экансен, бўлмагай ҳал мушкулим.

Не учун мен сокини майхона бўлдим, эҳтимол,  
Май ила майхона тупроғи эрур обу гилим.

Жумла риндаларга раис этди мени пири мугон,  
Мурбача ой бўлди бошимда, ёритди маҳфилим.

Йўқ бўлиб лаъли хаёли ичра андоқ, Фониё,  
Бир қадам қолди, мана, мулки фанода манзилим.



\* \* \*

Мумкинди<sup>р</sup> гарчи боқиб меҳри осмон кўрмак,  
Мушкулди<sup>р</sup> vale ёрнинг ой юзин аён кўрмак.

Кўарда юэ рақиб кўрдиму ёнида минг ваҳим,  
Кўнгилга бўлди чун юз минг балойи жон кўрмак.

Жунуни ишқимга солур лаҳза-лаҳза түфён,  
Паривашим юзини ул замон-замон кўрмак.

Юзи ҳажрида кўзимга тиканлар яхшиди<sup>р</sup>,  
Не эрмиш ёрдам айрилиб боғу бўстон кўрмак.

Чунонки мавҳум нуқтани кўрмак эрур маҳол,  
Ақл олдида маҳолди<sup>р</sup> фунча даҳон кўрмак.

Кўармен деб кўнглим, аё, ўзингни қийнама,  
Етар сенга йироқдин хуршиди жаҳон кўрмак.

Адаштироқ бўлиб мен гоҳида рақибларни,  
Гоҳо ул томон қайрилиб, гоҳо бул томон кўрмак.

Ундан ўзгасига боқма, кўзингни юм, Фоний,  
Яхшиди<sup>р</sup> ёр юзини ағёрдин ниҳон кўрмак.

\* \* \*

Ул алиф қомат, дедик биз, етказинг илло сухан,  
Бундан ортиқ унга айтиб бўлмагай асло сухан.

Бир сухан айтур висолдин, мен эсам минг интизор,  
Гарчи васл ойини ичра сўз фақат аъло сухан.

Ўлган эрдим, бир сўзинг бирлан тирилдим, кирди жон,  
Ул Масиҳо сўйламишми бўйла руҳафэо сухан?

Лабларинг жон истаганда бўса сўрдим, ранжима,  
Ай ширин жоним, чу сўздин сўз келур, пайдо сухан.

Мен хумор чогимда сўз айтса бировлар, хуш эмас,  
Соқиё, ҳеч айтмагил тутганда сен саҳбо сухан.

Сўэда маъни, маъни ичра сўз эмас эрса, тийил,  
Риндалар олдида не эрмиш у сермаъно сухан?

Фониё, хилватда танҳо сўйлагум гар келса ёр,  
Баски, хилват бўлса, унда бўлмагай танҳо сухан.



\* \* \*

Солур бошимга гардун ул маشاқкатларки кундан-кун,  
Ёзиб, жам айласам бир-бир, түларди шархига гардун.

Малолатларки даврон келтирур, гардундин ортиқидир,  
Вале бу ахли даврон кирдикори унданам афзун.

Тамошо айлаким, бошингда мундоқ меҳнату кулфат,  
Яна жоми ажални сипқориш бошингдадир бир кун.

Май гулранг кетур, соқийки, гул Жамшид каби ҳар ён  
Сочаркан зар, ётармиз ерда мисли ганжи Афридун.

Басо наргиски, ул Мусо каби чўэгай яди байзо,  
Биз эрсак шу қаро тупроқ аро чун махзани Қорун.

Чу бундан ҳам ажаброғи, ўшал жоми ажалдин сўнг,  
Талай қўрқинч қадаҳлар борки, заҳролуд, лабо-лаб хун.

Мени фориғ этар бул сингари андишалардин, бас,  
Қачонким бодаи гулгун узатса соқий мавзун.

Майи гулгун узатса соқий мавзун, ўзинг айтги,  
Симиromoқ навбатин ўтказмагим ул дамда не мумкин?

Симири жоми фано, фориғ бўлурсен барчадин, Фоний,  
Йўқ эрса, бу ҳикоятлар әмиш афсонаю афсун.

\* \* \*

Эслама аҳли жаҳонни, қўйки, курсин ёдлари,  
Эсласанг, ёдингга тушгай зулм ила бедодлари.

Феълу автори вафосизлик, унутмоқлик фақат,  
Олмасин аҳли вафо тилларга, ўчсин отлари.

Ишлари дунёда тек номардлигу нокасталик,  
Золи пурмақри фалак эрмиш буюк устодлари.

Зиддиятдин ўзга не келгай улардин, йўқ ажаб,  
Тескари ул тўртта унсурдин эмиш бунёдлари.

Баски барбоддир уларда ойину расми вафо,  
Қўйки, битсинлар бу дунёда, етиб барбодлари.

Табълари андоқки, ҳар дам бевафолик келтиур,  
Бевафоликдин эмишму асли-насли, зотлари?

Ҳар бириси бир идишдирким, ғаразларга тўло,  
Хилма-хилдирлар ва шундоқ турфа истибодлари.

Яхшидир зикри сифотин мен уларнинг этмасам,  
Чун қаламни ҳам қаро юэ айлагай эродлари.

Бандаликдин истасанг озод бўлишни, Фониё,  
Саъй эт, сендин қутилсин ўзлари, авлодлари...

\* \* \*

Сўрма яна майхона аро ком не бўлгай?  
Бўлгай фақат ул муғбачаю жом, не бўлгай?

Соқий тўлатиб бода узатким, киши билмас,  
Аввал не эди, охири-анжом не бўлгай?

Офтоб каби бер жоми майим менга саҳарлаб,  
Чун маълум эмас, кундуз ўтиб, шом не бўлгай.

Эй, сенки дединг, соқийи гулчехра узатган  
Не эрди ўшал? Бодайи гулфом, не бўлгай.

Май бирла муюссар сенга бир лаҳзада коминг,  
Билгайсен ўшал хотири ноком не бўлгай.

Мен сенга дуогўй, чу муродингни билармен,  
Бўлгай яна ул бир неча дашном, не бўлгай?

Сўрдинг: нега орзу этасен Каъбани, Фоний?  
Кўйинг сари бормоқ менга эҳром, не бўлгай.



\* \* \*

Кундузи дарди фироқи ичра күпdir меңнатим,  
Кечалар чун нола чекмоққа етишмас қувватим.

Хар сафар ой чеҳрасин күрсам, бетоқатдир күнгил,  
Бошқалар күрганда, эвохким, тугангай тоқатим.

Хуснига ҳайронлигим эрмиш магар ҳаддин зиёд,  
Ишкиму ошиқлигимга ундан ортиқ ҳайратим.

Эйки дерсиз: ёр юзин күрганда беҳушсен нечун?  
Ихтиёрим йүқ ўзимда, бу қадимий одатим.

Үртамишди дарди ишқ күнглимни күп тунлар аро,  
Бу кеча ёндири беҳад дилни дөғи фурқатим.

Яхшидир сўэлашмагим саҳрода ҳайвонлар ила,  
Баски бир ёввойимен, мардумга борми ҳожатим?

Етди мардумдин дилимга бўйлаким озорлар,  
Бўлса ҳам кўз мардуми, йўқдир анинг-ла суҳбатим.

Соқиё, бир жом ила узгил таним тупроқдин,  
Чархи гардун устига чиқмоққа мойил ҳимматим.

Бевафодир аҳли даврон, Фониё, кўрдинг неча,  
Мен вале аҳли вафо, йўқдир уларга нисбатим.

\* \* \*

Гам хайлидин омоним бир замон кўрмасмен,  
Майхонадин ўзга бир дору-л-омон кўрмасмен.

Таним кўйингда нобуд бўлдиким, заифлиқдин  
Бирор ҳаракат этарму бу нотавон, кўрмасмен.

Ул дамки мугбача май узатса, эй қўнгил,  
Кўярмен пири муронни, ўзга жон кўрмасмен.

Савол бўсадин берсаму ул бермаса жавоб,  
Ажаб йўқ, шу лаҳзада бир даҳон кўрмасмен.

Жаҳонда аҳли вафо жаҳонисен, йўқса,  
Аҳдига вафо эттувчи аҳли жаҳон кўрмасмен.

Вомиқу Мажнун қиссасин қўй, ўқи достоним  
Ки, йиглатувчи анингдек достон кўрмасмен.

Муназзаҳдир жамоли назардин, эй Фоний,  
Уни кўэ назари ила ҳеч қачон кўрмасмен...



\* \* \*

Пири дайр эшигига мен мунча хизмат айлагум,  
Фаҳр этармен, хизматин ул аҳли давлат айлагум.

Пири дайр умрим бўйи гар тутса менга бир қадаҳ,  
Неча йиллар маст бўлиб, кўйида ишрат айлагум.

Билмасинлар деб сенинг ишқингда бу мажнунлигим,  
Арз әтиб ишқим паривашларга, туҳмат айлагум.

Жабру бедодингта ўргандимки, кўп лутф айлама,  
Хаста бўлгаймен агар лутфингта одат айлагум.

Дайр аро гар бир гадомен, бир қадаҳ бирлан, vale  
Жаму Афридунга ҳам изҳори ҳашмат айлагум.

Воҳ, бу не ишқи ажойибдирки, ҳар кун шаҳро аро  
Янги савдои жунун бобида шуҳрат айлагум.

Гар мусулмонлар мени ёндиrsa, камдир ул жазо,  
Баски, бир кофирин деб тағири миллиат айлагум.

Зуҳд ила гоҳида мағрур, гоҳи ринд майхонада,  
Турланиб андоқки, ўз ҳолимга ҳайрат айлагум.

Етгали мақсадга зоҳид хилват айлар, Фониё,  
Мен әтиб мақсадга аввал, сўнгра хилват айлагум.

\* \* \*

Бода доғидин гул-гул бўлибдир пироҳаним,  
Қабрим гулистон бўлгуси, кўйлагим эрса кафаним.

Жаҳондин маст кетармен, етса ул рўзи жазо,  
Мажол ўзимга келмагу арзи ҳол айламагим.

Ул ой висол майи-ла этди чун остин-устун  
Ки, менинг шу менлигимга гумоним бор маним.

Қуруқ ибодатимга май рутубати даво,  
Борай майхонагаки, ул азалдин юртим, ватаним.

Манам олами кубромен, майхўрлик гуноҳимдин  
Ғамим ўйқ, қиёматда дўзахга сифмас баданим.

Гулшани қудс қушидирменки, ул бўлур авло  
Ўзимни ўшандоқ обу ҳавога бошлаганим.

Жаҳон боғида туришни нечук этгум хаёл,  
Бир-икки кунлик боғи омонат эрмиш чаманим.

Муғбача ишқи етаклаб, борурмен дайри муғон,  
Ўз ихтиёрим-ла нечук босгаймен унга қадамим?

Борсам боғу чаманга ёр висолисиз, Фоний,  
Татимас кўнгилга ҳеч сунбулурайхон, суманим.

\* \* \*

Белини айлаб хаёл, фикри маҳолим бор эди,  
Гарчи эрди кўп маҳол, аммо хаёлим бор эди.

Гарчи итдек эрди ғам даштида ул саргашталик,  
Шод эдим, чунки ғами мушкин гизолим бор эди.

Шоми айшимда фалакдин йўқ эди ҳеч тийралик,  
Жомим ичра юлдузи фархунда фолим бор эди.

Лашкари ҳижрону навмедлик кўнгилни босди, бас  
Воҳжи, баҳтдин унда уммиди висолим бор эди.

Соқиё, май бирла бергил рўшнолик, бўйлаким,  
Дил аро даврон жафосидин малолим бор эди.

Бир кеча ҳажринг азобидин чекибмен мунча ғам,  
Кўрган айтур, неча йиллик хаста ҳолим бор эди.

Фониё, Мажнун жунунингдин таажҷуб этмаса,  
Ўйлаким, ақлу ҳушимдин эътидолим бор эди.



\* \* \*

Те мүбача ишқида зору нотавон бўлдим,  
Дайр ичра хоки даргахи пири мугон бўлдим.

Босган изимни сурма қилур аҳли назар, не тонг,  
Менки бу дам гарду ғубори остоң бўлдим.

Йигитлик ҳавоси кекса бошимда бўлмаса,  
Нечун ошиқи мубталойи навжувон бўлдим?

Бу не одамийликдирким, ул сувори шўх  
От сурса, ортидин итдек чопиб, равон бўлдим?

Ишқ дарди, бахти-ла мен ҳам бир ўзга оламмен  
Ки, кўзим бирла қўнглимдин дарёю кон бўлдим.

Ул пари ишқидаким, кўринмас, нишони йўқ,  
Аҳли жунун ўртасида бенишон бўлдим.

Тутдим майхонани ватан ғам хайли ваҳмидин,  
Фамим йўқ, чунки маскуни дори-л-омон бўлдим.

Ўзлигим балосидин қутулдим бўйла то  
Ишқ даштида овораю бехонумон бўлдим.

Фоний, сирим бундан ортиқ аён этолмасмен  
Ки, эл ичра ошуфтаю марди фалон бўлдим.

\* \* \*

Лаъли ёди бирла то майли майи гулгун қилай,  
Жоми давроним жигар қони-ла мен пурхун қилай.

Беписанд эрмиш у жонон, мен ғарибу музтариб,  
Ҳар не этсам, бир писанд этмас, нечук афсун қилай?

Майкада ичра факирларнинг хуморин босгали,  
Топмасам пул, жойнамозим май учун марҳун қилай.

Тарҳи ободликни қурмак не эмиш май устида?  
Бўйлаким, ишрат биносин ўрнини Жайхун қилай.

Менки тутгаймен қадаҳни бир маромда, бас, нечун  
Илтифотим кўкка айлай, бекарор гардун қилай?

Ринд эмасмен, даҳри дун ўзгарса, мен ўзгармасам,  
Мен-да ҳолимни унинг аҳволига уйфун қилай.

Мартаба деб ғам чекар ҳалқ, мен эсам майхонада,  
Фониё, илкимда жом, ўэни нечун маҳзун қилай.



\* \* \*

Зор этди дайр аро мени шўху маҳвашим,  
Куйдирди юзда холидек ҳажри оташим.

Фироқ шомида мен сари эсди кўйидин,  
Боди сабову зулфидек этди мушаввашим.

Нақди дилимни, ул золим гўэаллар каби,  
Олди қўлимдану ҳамон кетди дилкашим.

Мажруҳмен фалақдин, унинг ғашу губорини  
Ювсин, соқий бергил жоми софу бегашим.

Зоҳидлигим таъна этма, пири майфуруш,  
Ҳар неча тўлдирсанг, уни бўшатмоқдири ишим.

Гардун агар хушдир ёки нохушдир, не ғам,  
Факирлик иқболи ҳар не келтирса, дилхушим.

Фоний, одамийдин малул эсам, айблама  
Ки, волаи шайдо этмиш шўхи паривашим.



\* \* \*

Яна дайр ичра бути ишванамо кўргаймен,  
Яна дин аҳлига ошубу бало кўргаймен.

Зоҳидо, беҳуда манъ айлама, боқсам юзига,  
Айб эмишми, гар боқиб, сунъи Ҳудо кўргаймен.

Мену биз дема бу ваҳдат йўлида, ҳушёр бўл,  
Мену биз сўзида мен айни хато кўргаймен.

Сендин ўрганишми, дилбар, бевафоликни, фалак  
Ки, фалакда душмани аҳли вафо кўргаймен.

Айбмидир майкада кўйида гадолик этсам,  
Ул эшиқда барча шоҳларни гадо кўргаймен.

Аҳли коғир этса иймон қасдига макру риё,  
Манзилимни бехатар дайри фано кўргаймен.

Нега ичмай, Фониё, жоми фано Ҳофиздек  
Ки, уни Ҳофизу Жомийда тўло кўргаймен.



\* \* \*

Тобакай ҳажринг қоронғу гүшасин маскан қилай,  
Қүй қадамким, шамъи рухингдин уни равшан қилай.

Гар ичар бўлсам майи гулранг кўйингда, кўзларим  
Тийра тортсинлар, агар ёди гулу гулшан қилай.

Сенга дўстлик лофини урсам, этармен жонга қасд,  
Бас, ўэимга дўстларимни не учун душман қилай?

Бандамен озодаларга, даҳру дунё боғида,  
Сарв оёғини ўпид, майли қади савсан қилай.

Соқиё, тут бода, айлай токи шодликдин наво,  
Тобакай аҳли замонга арзи дарду ғам қилай?

Зуҳду тақво ортди бул дам, ахтарай фақору фано,  
Майпарастлик пеша айлаб, ишқибозлик фан қилай.

Фониё, сен урма мардлик лофини, афтода бўл,  
Бир қадаҳ бирлан ўшал лофингни мен барҳам қилай.



\* \* \*

Ёр деди: «Йўлим супургил!» Мен дедим: «Бош устига»,  
«Ортидан сўнгра сув ургил». Мен дедим: «Бош устига».

Деди: «Бир кун кўрмасанг васлимни, шомдин то сахар  
Иғлабон, жонингни куйдиргил». Дедим: «Бош устига».

Деди: «Лаълим ёди-ла қўлга қадаҳ олсанг, уни  
Сен жигар қонингта тўлдиргил». Дедим: «Бош устига».

Деди: «Васлимдин кўзингни равшан этмоқ истасанг,  
Нозанинлардан юзинг бургил». Дедим: «Бош устига».

Деди: «Хижрон шомида гар кўзларингдин кетса нур,  
Шамъи руҳимдин қидиргил». Мен дедим: «Бош устига».

«Кўзларингта айт, — деди, — отим туёғи чангини,  
Сурма билсин, сурмадек сургил». Дедим: «Бош устига».

Деди: «Фоний, аҳли ишқ гар тикса маҳвашларга кўз,  
Сен мени, ёлғиз мени кўргил». Дедим: «Бош устига».



\* \* \*

Кўнгил, демагилки, ул менинг зору балокашим,  
Сендандир ул сийнам аро бир парча оташим.

Соқиё, май узат, ичай, висол умиди-ла  
Чекди жафолар мунчаким жони жафокашим.

Очгил юзинг, етсин анга савдоий бу қўнгил,  
Паришон соchlаринг каби тўэгин, мушаввашим.

От суриб санамим ҳар ён елар, ураг жавлон,  
Оти туёри остида тупроқ эрур бошим.

Ҳилодек эгик қоматим элда овозадир,  
Шуҳратим бонси ўшал чобуки маҳвашим.

Ул шўхки қошин чимирап қиёфатим кўриб,  
Унинг шўхликларин кўриб, келур менинг ғашим.

Гар етса ноҳушлик халқдин, хушман, эй Фоний,  
Аҳли замондин ноҳушлик кўриш — кўнгил хушим.



\* \* \*

Майдин табарро этмадим, этолмасам, нетай?  
Ташвиши тақво этмадим, этолмасам, нетай?

Күнгилда бода завқиу ишқ захмати ила  
Бир ишни ижро этмадим, этолмасам, нетай?

Хумормен, ичгали қуийб, Кавсарни тутсалар,  
Чун жоми саҳбо этмадим, этолмасам, нетай?

Кўрсам юзини ҳар сафар тарқ этиб ўзим,  
Дардимни ифшо этмадим, этолмасам, нетай?

Бир тола мўйингга берай мен икки оламин,  
Деб суду савдо этмадим, этолмасам, нетай?

Ёр кетдию кўйида қолди интизор кўнгил,  
Сабрини ҳамроҳ этмадим, этолмасам, нетай?

Фоний, ишқ йўлида юрдим, кўзларимни лек  
Ул юздин айро этмадим, этолмасам, нетай?



\* \* \*

Менки махмурмен, саҳаргоҳ сўйи майхона борай,  
Шомда сармасту ғазалхон қўйи кошона борай.

Кундузи тавба этиб бодаву майдин, оқшом  
Қўлга олмоққа яна соғару паймона, борай.

Танимаслар мени майхона аро ошнолар,  
Ўзлигимдин кечибон, ул сари бегона борай.

Бўйла қушменки, менга ёр юзининг холи ҳавас,  
Ҳусни гулзорида имлар мени ул дона, борай.

Мур ила мурбачани тунлари айлаб маъюс,  
Неча шовқин-ла чекиб наъраи мастона, борай.

Бой-бадавлатлар борурлар ҳама ул боғу чаман,  
Ишқ ила ҳоли ҳаробмен, сўйи вайронга борай.

Фониё, бўлмай фано дўстта етишмоқ мушкул,  
Бас, нечук ул сари мен оқилу фарэона борай.



\* \* \*

Ишқ дедиким, май ичгилу боргил мулки адам  
Мен дедимки, жоми май бер, ул дамдиру қадам.

Май күзасига ёпдим мен ридони, чекдим ох,  
Риндлик мулкин этди тобе менга бу таблу аlam.

Дирам-дирам май доғларига түлди жойнамоз,  
Не фойда, май учун берсам, бермаса бир дирам.

Тавбамга бокма, пири дайр, түлдириб жом тут,  
Мендин камчилик ўтса-да, сен бўл соҳиб карам.

Дўст сўэни риндларга айт, фаришталаргамас,  
Ишқ аҳлидир ишқ сиррини билгувчи ёр, маҳрам.

Жоми маю гул юэли ёр, тинч гўша бўлса, бас,  
Бу давлатга арзимас ул ҳукумати олам.

Фонийнинг тилка-пора ул қўнгил иморатин  
Бода лойидин тикла, ул лойдиру малҳам.



\* \* \*

Майкада эшигида ўзимни урён этдим,  
Хирқани майга бериб, садқайи риндон этдим.

Кече бир журъаи май этмадинг эҳсон, ҳарчанд  
Шамъ каби йигладиму най каби афрон этдим.

Бир умрким неча бир илму амал йифди кўнгил,  
Барини садқайи ул зулфи паришон этдим.

Ҳар сафар тўси қўлимни ўша чавгони фалак  
Ки, умид ичра чўзиб, сўйи занахдон этдим.

Май ичарсен дея қўрқитма оловдин, зоҳид,  
Не эса амри азал, мен уни ҳар он этдим.

Эрди ҳирқам чок-чок, бўлдилар тугма магар  
Ул тугунларки, этақдин то гирибон этдим.

Мехри васлинг партави тушди эшиқдин, томдин  
Бу кўнгил уйига ким, мен уни вайрон этдим.

Адашиб, ул ҳури жаннатни ҳавас этди кўнгил,  
Мен уни ёди висолинг-ла пушаймон этдим.

Васл агар бўлса муродинг, кеч ўзингдин, Фоний,  
Боқки, бул қиссайи мушкулни не осон этдим...

\* \* \*

Мұғлар күйига мен оху фифон келтирмишам,  
Одамийларга фифонимдин зиён келтирмишам.

Тавба айлаб тавбадин ул, ўз-ўэйм зуннор ила  
**Құл**-оёғим бойлабон, дайри мұғон келтирмишам.

**Ҳ**ар не истарсен, бу расвога уни эт, мұғбача,  
Сен чунон дил истаб әрдинг, мен чунон келтирмишам.

Дайр пири лутфи ортиқдир гунохимдин магар,  
Пойига шарманда бошимни ҳамон келтирмишам.

Соқиё, тут менга жомимни, босиб шармандалик,  
Бош әгиб, қошингта жони нотавон келтирмишам.

Гарчи озодмен тамом ному нишондин, дилдаги  
Дори ишқ-ла бенишонликдин нишон келтирмишам.

Пири дайр дедики, ишқ сиррини айтиб бўлмагай,  
Бўлмагай, Фоний, магар юз достон келтирмишам.



\* \* \*

Янги дөр бирла яна ғам этди ошкора дилим,  
Юлдуз эрди, бўлди ой ҳажрида тимқора дилим.

Тири зулмингдин магар минг пора бўлсин ул, не бок,  
Ҳар нафас истайди ул васлингни минг пора дилим.

Келди дил беҳудлиги қўзданки, ўзни ҳар сафар  
Тарқ этар, гар айласа дўст сари наззора дилим.

Санама, неча дилим пораси, унга сон йўқ,  
Бўйладир хайли ғаминг олдида бечора дилим.

Май кетургил, чархи даврон мушкулотига бу дам,  
Риндлигу мастиликдин ўзга топмади чора дилим.

Бул ажабким, ҳар саҳаргоҳ қуръасига чиқди май,  
Тавба истаб бўлди не тонгларда овора дилим.

Ўрлади юксакка қўксимдин аланга, Фониё,  
Сочди мундоқким, қаранг, қўкларга шарора дилим.



\* \* \*

Сенинг ҳажрингда, эй золим, күнгил йўқ бўлди, шу тан ҳам,  
Не бўлгай эрди гар бўлсам уларнинг ёнида ман ҳам.

Яролар солди ул қотил тифи кўксимга чун, битмас  
Агар тикса уни Марям ва ё Ийсойи Марям ҳам.

Ишимга юз тугун солган эди ишқ, баски ҳижрони  
Тугунлар солди андоқким, яқодин токи доман ҳам.

Йироқ ул зулфу юздин тортамен ҳажру аламлар,вой,  
Коронғудир кўэимга шоми тийра, субҳи равшан ҳам.

Халос этдинг бу бошим юкидин бўйнимни, эй қотил,  
Тифингдин шоду миннатдор эрур бу бошу гардан ҳам.

Бошингдин айланур бошим, йироқка отмоқ истарсен,  
Жунун тошини еб ул бўлди чун тоши фалохан ҳам.

Шаҳу базми нишот, эй дил, гадога кунжи майхона,  
Агарки соф майи йўқдир, ёмонмас қуйқа ундан ҳам.

Агар ул бевафо ёрдин узолсам дилни, эй Фоний,  
Қарорим шул эрурким, дилраболарга кўнгил бермам.

\* \* \*

Хуморидин паё пай депсинар дил,  
Етарму муждаи май, депсинар дил?

Лабо-лаб жом бўлурму унга дармон,  
Ҳаяжон ичра бундай депсинар дил.

Қадаҳ туттгайму ул соқийи маҳваш,  
Қувончдин баски тинмай депсинар дил.

Кўнгил оби ҳаётмас, майга ташна,  
Симиromoққа басе шай, депсинар дил.

Беролмас таскиним гул узра шабнам,  
Юзидин томса тер, ҳай, депсинар дил.

Кўнгилни ўйнатур ёри муғаний,  
Дема чун янграса най, депсинар дил.

Хуру кавсарни қўй, сўз очма, Фоний,  
Тилаб соқий ила май депсинар дил.



\* \* \*

Хотирамда сақланур лаъли дилоромдин қувонч,  
Бўйлаким, то кўнглим ичра жоми гулфомдин қувонч.

Гул ила сарв бахш этур кўнгилга завқ бўстон аро,  
Унга етмасму яна сарви гуландомдин қувонч?

Бўлмагай сенсиз севинч базмида ғамдин ўзгаси,  
Бори меҳнатдирки бўлмас қуп-қуруқ номдин қувонч.

Айши даврони висолингдин агар айро эсам,  
Йўқ ажаб ул, кўрмасам мен умру айёмдин қувонч?

Соқиё, тутгил қадаҳким, менга шодликдир ҳавас,  
Қайда шодлик, келмаса гар лолагун жомдин қувонч.

Субҳдин то шом мұяссармас севинч ҳар кимсага,  
Тут ғанимат эшигингта келса оқшомдин қувонч.

Маст бўлиб майдин, кейин маҳмур бўлибсен, Фониё,  
Кутма даврон бодасидин, тамайи хомдин қувонч.



\* \* \*

То дилим ошиқ бўлиб алфози жонон ёдламиш,  
Бўйлаким, бир навмусулмон кимса Қуръон ёдламиш.

Зулфу сочингни баён айларда бу мажнун кўнгил,  
Воҳки, бошдин бошга сўзларким, паришон ёдламиш.

Бу кўнгил шавқи фироқинг ичра ғам айёмида  
Сураи Юсуфки, ранжи чоҳи Кањон ёдламиш.

Сирри ишқ не эрканин ўрганмоғи мушқул эди,  
Ул кишиким, тўрт буюк дафтарни осон ёдламиш.

Кексаликда ишқ балоси бирла зор бўлдим, кўриб,  
Ул унуди, гарчи ҳоли шайхи Санъон ёдламиш.

Шайх тавҳид дерди тилда, жони андин бехабар,  
Англамай Қуръонни андоқ баъзи нодон ёдламиш.

Ёр Фоний назмини ёд олган эрса, йўқ ажаб,  
Қайда ҳусни васф этилмиш, шоду хандон ёдламиш.



\* \* \*

Лаъли лабингким, покларнинг жони покидир,  
Табассум айласанг, ўшал жонлар ҳалокидир.

Кўнглим фунчадек қонга ғарқ, кўксида ҳар тараф  
Тифи жафойингдин очилмиш чок-чокидир.

Кўнгил висолдин завқланур, лекин замира  
Ҳижрон деган қўрқувси борким, хавфнокидир.

Ҳар онки куйдирап кишини ҳижрон отashi,  
Дўзах оловидан унинг, айтинг, не бокидир?

Оёқ яланг юрар бўлса тупроқда йўл босиб,  
Покиза жонга айланур ҳар неки хокидир.

Яланроҷ юармен муғлар боғида май ичиб,  
Одам Атодек белимда ул барги токидир.

Жунуним тортар бир тараф, ишқим бир томон,  
Фоний, қолдим арода чун, жоним мокидир.



\* \* \*

Ҳаво руҳбахшу май соғу яна фасли баҳори хуш,  
Вале келгайму хуш ул барчаси, йўқ эрса ёри хуш.

Агар бир яхши ёринг бўлса, басдир сенга, чун бўлгай  
Унинг ишқи ҳавоий хуш, бунинг ҳусни баҳори хуш.

Ичиб май бўлди гулгун руҳи, эй қўнгил, тамошо қил,  
Очибдир гул баҳори ичра бори лолазори хуш.

Фалак бир-бир қўлимдин олди бунёдим, муродимни,  
Уялсин ул, ҳамон ёдимдадир ул рўзгори хуш.

Кетиб ёrim, қўнгилда янги ойдек сурати қолди,  
Не хушким, қўнглим ичра ёди хушдир, ёдгори хуш.

Чу ҳажрингдин кўзим бирлан қўнгилда дурру лаълим бор,  
Агар васлингта етсам, сенга этгаймен нисори хуш.

Сенга ром ўлди ул ёввойи саҳро оҳуси, қўнглим,  
Тузогингни йиғиштири, қўлга тушди чун шикори хуш.

Дило, нохуш эрурсен, ранжитар жонингни махмурлик,  
Бир-икки жоми бода айлагай дафъи хумори хуш.,

Рақиб овора бўлди, ёри жонинг ҳамдам, эй Фоний,  
Шукур этким, мудом бошингда ул Парвардигори хуш.

\* \* \*

Мұхтасиб, майли шикасти жому саҳбо айладинг,  
Мастмудирсен, базмимиз буздинг, бу ғавғо айладинг?

Әйки, дерсан: этма расволик келиб майхонага,  
Риндлар қошида баским бизни расво айладинг.

Олди бу жонимни, жоно, бўйла бепарволигинг,  
Кирди жоним ҳар сафар гар зарра парво айладинг.

Сенку бор ақлимни олдинг, айбидир шайдо эсам,  
Ақли куллни нозу ишва бирла шайдо айладинг.

Үлдириб Хизру Масихони тифи ғамзанг ила,  
Бўсадин эҳёи юэ Хизру Масихо айладинг.

Юзларингта бердинг оро, бўлди бу кўнгил хароб,  
Кўнглимиз учунми ўзни мунча зебо айладинг?

Фониё, кечгил юриб ул ўзлигинг саҳросидин,  
Қўй бу ишни, мунчаларким сайри саҳро айладинг.



\* \* \*

Ҳар кишиким, күнглида даврондин дарду ғаме,  
Фами қолгайму қўйса майхона сори қадаме.

Фамим доғларига магар раҳм этиб бодафуруш  
Қадаҳ узатса менга, не ҳожат унга дираме.

Майга беланган ридойим ёрочга бойлаймен,  
Майхона сори гар юрсам, қўлимда бўлгай аламе.

Мехро қўзгусида кўргай муроди васлини инсон,  
Агар нўш айласа қадаҳ дўст ила субҳидаме.

Ҳарими майхонани ғанимат билгилу борма,  
Кезиб сахрою даштларни, күнгилда истаб Ҳараме.

Майи равшан-ла ювгишу, равшану мусаффо эт  
Кўнгил сахифасини, гар тийра этса аламе.

Мени ўлдириди ўэлиқдин халос бўлиш, Фоний,  
Кошкий, фано даштига олдинроқ қўйсам қадаме.



\* \* \*

Бўйлаким зар сирғалардир ул қулоғингда, пари,  
Икки юлдузким, аросинда у моҳи анвари.

Ой демасмен, офтобдир ул, магар этмиш қирон,  
Бир тараф Зуҳро келибдир, бир тарафдин Муштарий.

Аллоҳ-Аллоҳ, мунча бўлгай матлаи авжи шараф,  
Икки ой юэли аросинда не зебо пайкари.

Икки юлдуз ул тўлин ой бошига келмиш, ажаб,  
Зулфидин ҳар неки келгай, шоми офатдир бари.

Кокилин ҳар торини кўргил, кўнгиллар сайдига  
Дом этибдир ҳийла бирлан, ул каманди анбари.

Ул камандда ҳалқалар борким, мабодо кўрсалар,  
Айлагайлар ўэни банда жумла шўхи озарий.

Сирғаларни гоҳ бўшатмоққа у зулфи торидин  
Саъй этар эрса, кўринг ойини зебоманзари.

Соқиё, май бер менга, даври қадаҳ этгай халос  
Бу балолардин, паноҳдир унга чархи чамбари.

Фониё, бўйнингта тушган ҳалқаларким беҳисоб,  
Тавқи ишқингдирки ул, бошинг этолмассен нари.

\* \* \*

Паймонайи май истаб бордим сўйи майхона,  
Андин чиқарим йўқдир то тўлмаса паймона.

Шайхлар чу дуо айлаб, риндалар чу нидо айлаб,  
Оҳ чекар сени излаб, жой Каъбаю бутхона.

Майхонада сармастмен, ўздин кечибон, пастмен,  
Аввал қадаҳи бода, сўнг наъраи мастона.

Бу жоми майим қотил, кўргил не этар ҳосил,  
Ёр тутса қадаҳ ичгум мен ошиқи девона.

Воизки миниб минбар, айтгани сўйи Кавсар,  
Мен маству босар уйқу айтилса бу афсона.

Жоним, гули бўстонсен ҳам шамъи шабистонсен,  
Тонгларда бўлай булбул, тунлар сенга парвона.

Фоний, бу сўзим тингла, жисмингта завол изла,  
Бўлгайму киши обод, бўлмагунча вайрона.



\* \* \*

Ул хонаким, кўзинг уйидин нишонадир,  
Кўзинг қароси унда чун соҳиби хонадир.

Уй демагилки, фирдавс боғидин нишона ул,  
Соҳиб демаким, ҳуру паризодга дугонадир.

Тому деворидин ёғилгай айш ила нишот,  
Эшиклари садоси чун савти таронадир.

Суви, лойига қорилмиш магар завқу тараб,  
Наволар янграбон, авжи чангу чағонадир.

Бу жаннат қасридир чиндан, магар бўлмаса,  
Нечун ўртасидин оби Кавсар равонадир?

Соқий, бу уй соҳибининг завқи, нишоти деб,  
Қадаҳ тўлдирким, ёнингда майи муғонадир.

То Фоний ичгаю андин, биро лаҳза тин олгай,  
Бошида мунчаким эулми аҳли замонадир.



\* \* \*

Май истасанг, майхонага бориб нўш айла,  
Иймонни майга сот, фидойи майфуруш айла.

Кулогингга секин айтар сўзим бор, ниҳон,  
Хой, йигит, кекса насиҳат этса, гўш айла.

Висол хилватида ичгил тўлдириб жоминг,  
То бирор хабар топмасдин тарки ҳуш айла.

Ишқ сухбатида ўзгача тил бўлур, зоҳид,  
Сенки тушунмайсен, ўзингни хомуш айла.

Чун пири дайр сўзи айшингга далолат эрур,  
Эй хожа, дикқатинг нидои Суруш айла.

Май акси ҳусни лоф урди юзингга, эй соқий,  
Мункир келса, юзлаштириб, ўзни хуш айла.

Эй муғбача, очгили юзинг, дайр аҳлини тамом  
Фонийдек ҳушдин айрилган хирқапўш айла.



\* \* \*

Онт ичармен, ўртада ул маснади Султон Ҳусайн,  
Жоҳу мансаб деб бирор-ла этмагум мен шўру шайн.

Кимки ул аҳли назардир, кўзга нур истар эса,  
Эшиги тубини киприк-ла супурмоқ фарзи айн.

Равзаи дилга жамоли бўстонидин чирой,  
Гулшани жонга камоли талъатидин зебу зайн.

Жумла шоҳлар нақди жон бирлан анга қарэдор эрур,  
Лекин ул олмас, олар бўлса, тўлайлар жон билан.

Муддаийлар келсалар гар бир жаҳон лашкар ила,  
Чун Набийга қарши жанг этган бўлур Бадру Ҳунайн.

Минган ул тулпори ер эрмас, фалакнинг отидир,  
Наъли бирлан янги ой этмас тафовут, байн-байн.

Фониё, бўлсин саломат тоабад эл баҳтига,  
Шоҳ Абулғозий, паноҳи мулку дин Султон Ҳусайн.



\* \* \*

Гар уэри тавба деб ўзни ринлардин канора қилай,  
Пири дайр қадаҳ тутса, ичмасга не чора қилай?

Чу эулмати тақво ила күэларим тийрадир,  
Боқиб май шуъласига, мен нечук наззора қилай?

Аэмi тавба учун шайхдин сўрармидим имдод,  
Кори хайрга не ҳожат, нечук истихора қилай?

Хуш ул замонки, аччиқ-аччиқ май ичиб, йиграб,  
Гулруҳим ёди-ла тўнимни мен пора-пора қилай.

Даврон сарву лоласидин ортиқдир, ул ғаминг  
Сийнамга солган доғларни санаб гар, ишора қилай.

Ҳароратим ошар бўлса низову нифоқлардин,  
Май сори ружу айлаб, ўзимни овора қилай.

Фанолик эрмиш ул баҳтим қаролигидин, эй Фоний,  
Нечун гардунни айблабон, юлдузни қора қилай?



\* \* \*

Майхона сори боргаймен еттанды вақти сахарим.  
Күлімга жоми май түшса, ичармен, індейдір гузарим.

Хабар сўарсан мендин кирганда дайри мурон,  
Ўзликдин бехабармену ўзимдин қайда хабарим?

Бегона бирлан сен ичарсан коса-коса май,  
Қатра-қатра томчилар қўксимдин хуни жигарим.

Э воҳки, сабру қаноат бошимда тож эди,  
Балойи ишқ келдию бошланди дардисарим.

Ишқ қорди бошимни тупроққа андоқ, қолмади  
На вужудимдин нишону на ўзимдин асарим.

Дема бу кўҳна жаҳонда ишқ ила ўйнашма,  
Мумкинмас бундан ўзга бир манзилга энди борарим.

Бу дунёга мен нечук кўнгил қўяй, Фоний,  
Агар юз аср ўтса ҳам, олдинда кутгай сафарим.



\* \* \*

Боргай ул сарви равон, рафтор қолгай дил аро,  
Ул гули рухсор кетаркан, хор қолгай дил аро.

Гарчи жон чиққанда тандин, дилда қолмас бир фифон,  
Ёр фироқида фифону зор қолгай дил аро.

Тири ҳижрони ниши ул санчилиб, пайкон эмас,  
Неча минглаб мих бўлиб, ёдгор қолгай дил аро.

Тешса гар кўксингни ўқ, заҳми, яроси битмагай,  
Ул қамиш қомат кетиб, озор қолгай дил аро.

Кетди ёр, қолди унинг ҳажри яроси, шодмен,  
Қайта-қайта зирқираб, такрор қолгай дил аро.

Соқиё, бер бодайи соғимни, мунча заҳор ғам  
Солди кўксимга ширин дилдор, қолгай дил аро.

Ул пари гарчи кўзимдин кетди чун суръат ила,  
Сурати чун сурати девор қолгай дил аро.

Фониё, ул шўхи тарсодин қутулмоқ йўқ сенга  
Ки, хаёли зулфидин зуннор қолгай дил аро.

\* \* \*

Ҳар нафас күнгилга оламдин келур ғам ўзгача,  
Ғам әмишми, бир қадаҳ май бирла олам ўзгача.

Ул гадоким май ичар майхона ичра, илкида  
Ҳам Скандар күэгуси, ҳам жомийи Жам ўзгача.

Үлдирур у халқни, баским, менга бу мотам эрур,  
Бундан ортиқ йўқ вафо аҳлига мотам ўзгача.

Муғбача жаврини ул пири муғонга айтамен,  
Дайр аро мен топмадим күнгилга маҳрам ўзгача.

Ёнди жоним ҳажру ғам ўтида андоқ, кошки Ҳақ  
Этса бахш завқи висолу жони хуррам ўзгача.

Ул ғанимат дам эрурким, гар киши топгай уни,  
Ёнида бир улфату май эрса ҳамдам ўзгача.

Босди кўэ ёшинг фалак ғамхонасини, Фониё,  
Ул эгилди, ҳай, йиқилгай устида нам ўзгача.



\* \* \*

Булбуло, гул ила боз келдинг,  
Масканинг эри гулшани роз, келдинг.

Ҳар нозингта юз жон тасаддуқдири  
Нозланиб, сўйи аҳли ниёз келдинг.

Тунда май ичгансен, сабуҳий деб  
Тонгда янгратиб овоз келдинг.

Етар сенга роҳати висол, эй дил,  
Чекиб чун ҳажру сўзу гудоз, келдинг.

Кўнгил пок бўлмаса, саждадин не наф,  
Таҳорат олмай, бенамоз келдинг.

Ҳақиқатга етаклар сени ишқ,  
Гар тутиб ул роҳи мажоз, келдинг.

Ҳарамга бордим, дедилар: Фоний, қайт,  
Ёр уйда-ку, йўл босиб дароз келдинг...



\* \* \*

Кийиндир баски ишқ асрори, етмас ҳаллига йиллар,  
Майи ёкут ила ҳал бўлгуси ҳар неча мушкуллар.

Туриб майхонага боргилки, унда икки юз давра,  
Ёнарлар парпираб офтоби майдин шамъи маҳфиллар.

Дилу май бўлди равшан, билмадим, майдинми ул оташ,  
Ва ёким майга оташ урдими ул оташин диллар?

Узоқдир гарчи ул мақсад йўли, ишқдин мадад етса,  
Яшиндек бир нафасда босилур ҳар неча манзиллар.

Йироқмен илму тақводин, vale не айладим ҳосил,  
Маю маҳвашга деб сочдим-совурдим, битди ҳосиллар.

Садо бергувчи Лайли теваси бўйнида занг эрмас,  
Фигондир ул, дили Мажнун чекар, еру само тинглар.

Аё, бир кун фано даштини манзил айласанг, Фоний,  
Ўпид сен сажда қилким, ул маконда бори йўқсиллар...



\* \* \*

Кўзда ёшу ҳар нафас қонга тўлодир дилимиз,  
Ишқ магар қон ила кўэ ёшига қормиш гилимиз.

Ишқ йўлидин кимса кетгайму кечиб, пири тарийқ,  
Баски бул кўйи хароботи муғон манзилимиз.

Бошдаги мушкулимиз дарди хумор, эй соқий,  
Тутмасанг жоми шароб, бошга бало мушкулимиз.

Гарчи дайр ичра гадомиз, айласак базми нишот,  
Ўйнатур шоҳи жаҳонлар кўзини маҳфилимиз.

Умримиз ҳосили, эй муғбачайи бодафуруш,  
Майга қурбон, кел, қабул айла бугун ҳосилимиз.

Ўқ отарсен неча кўнгилларга, эй қотили маст,  
Бизга ҳам от неча ўқларни, нишондир дилимиз.

Фониё, водийи ишқ ичра умид улдирким,  
Унда ишқ карвонига сарбон бўлур маҳмилимиз.



\* \* \*

Азалдин дайри мугон менга ҳавола эди,  
Насибим мүбача илкидин пиёла эди.

Күрдим ширин тушимда не гулу сунбулким,  
Хәёлимда зулфи мушкин, қоши ҳилола эди.

Доги дилимки, бор вужудимни ўртамиш,  
Доги фироқ деб айтмагил, доги лола эди.

Булбулки, ўқирди чаманда ишқдин маънилар,  
Назарида гул япроғи унга рисола эди.

Маълум бўлди, гул тикани жабру жафосидин  
Иши ўэ ҳоли зорига фирону нола эди.

Йилларки мен майхонадин чиқмасмен, сабаб,  
Аламларим юракда сел бўлиб, шалола эди.

Фоний ҳажру фироқ чекиб, адолат истаса,  
Борарга султони доду дорул адола эди.



\* \* \*

Хури жаннат ҳуснин айтиб, то малак изхор этар,  
Гул юзингни кўргач ул албатта истиғфор этар.

Воҳ, не кофир эрмиш улким, маст чиқиб майхонадин,  
Боқ, мени бойлашга тасбих илларин зуннор этар.

Боғбон ёр оғзини таъриф этар гулғунча деб,  
Айтгани кўнглимга ўқдек санчилиб, озор этар.

Килки қудрат ҳаллини битмиш қадаҳнинг гирдига,  
Мушқулот борким, у тўққиз осмон ошкор этар.

Риндлиги бўлсин ҳалоли, улки соқий ишқи деб,  
Ҳирқаву сажжодасини садқайи хаммор этар.

Лаъли жонбахши олур бир зумда мардум жонини,  
Жони қаттиқмен, бу энди қиссани душвор этар.

Солмагай бозорга ўэни Юсуф ул ёрим кўриб,  
Ой жамоли олдида ул бандалик иқроор этар.

Кеча ҳижрон ичра ўлдим, йирлади май шиша ҳам,  
Кўрдим ул шамъ доги ўэни куйдириб, абгор этар.

Масту ошиқ чиқди Фоний тун-кеча майхонадин,  
Элга ошкор бўлди ҳоли, гар ўзи инкор этар.

\* \* \*

Ўзинг хубу ҳулқинг хубу такаллуминг ҳам хуб,  
Малоҳат бобида кўрмишми сендек аҳли олам хуб?

Паридан дилрабодирсен, баландсен одамийликда,  
Қачон бўлмиш сенингдек бу жаҳонда насли одам хуб?

Агарчи ўлдирур ҳуснинг, ҳамоно тиргиэур сўзинг,  
Бу янглиғ бўлмаган, ё Раб, Масихо ёки Марям хуб.

Ажабким, оташи меҳринг кўнгилда ортадир ҳар дам,  
Кўрингайсан назарга ҳар дақиқа, балки ҳар дам хуб.

Анису ҳамдаминг хуб эрса бу дунёда, не яхши,  
Тополсанг яхшидир ушбу жаҳонда ёру ҳамдам хуб.

Гўзаллар келдилар, ҳай-ҳай, ва лекин бўлмади сендек,  
Ҳама хубларни эттан ўзига тобе, мусаллам хуб.

Гўзаллар хайлидин келса агар Фонийи бедилга,  
Вафою меҳро ҳам хубу жафойи кийнавар ҳам хуб.



\* \* \*

Кўкда ой от наълидирким, рахши моҳимдир менинг,  
Ундаги доғлар фалакка чеккан оҳимдир менинг.

Ҳар кеча васлингни истармен, сени айлаб дуо,  
Айтмадим бир кимсага, Аллоҳ гувоҳимдир менинг.

Кийна айларсен, фалак, васлига етмоқ истасам,  
Дарду ҳижрон юз баробар кийнаҳоҳимдир менинг.

Тонгда машриқдин қаро юксалса, ул эрмас булут  
Ки, булутдек дуду оҳим, субҳоҳимдир менинг.

Номай аъмолки, кўргаймен уни Мажшар куни,  
Шоми фурқатдин қаро баҳти сиёҳимдир менинг.

Тўқдилар кўз ёши юлдузлар шаби ҳижрон аро,  
Мунча йиғлатган ўшал ҳоли табоҳимдир менинг.

Ҳажр шомида майи равшан узаттил, Фониё  
Ки, қоронғу кечада ул шамъи роҳимдир менинг...



\* \* \*

Қадаҳ ёр хилватида бир баҳона эрмишдир,  
Икки дунёдин мақсадим ул хона эрмишдир.

Ишқинг ўқидин кўксимда яродир, истагим,  
Ҳар қайга борсам, ул сендан нишона эрмишдир.

Ҳар қайга борсам, суармен остоная юзим,  
Кўзим равшанига боис остона эрмишдир.

Юзингда дона холинг ул кўнглим учун мурод,  
Чумоли ризқи хирмондин бир дона эрмишдир.

Шарори шуълаи ишқинг чақмоқ эмас танҳо  
Ки, дўзах оташидин ул забона эрмишдир.

Оting чопаркан, югурмак олдинда орзуйим,  
Бошимга қамчи зарби тозиёна эрмишдир.

Фоний муроди мардумнинг bekaron ранжидин.  
Ўзни четта тортиб, кунжи карона эрмишдир.



\* \* \*

Кел-кел, эй, пири мурон тадбири саҳбо айлади,  
Базми майни қуйқаҳўрларга муҳайё айлади.

Менга пастдин тегди жой, риндалар аросинда ўрин,  
Мурбача қаршимда ўзни суҳбаторо айлади.

Тўлдириб соф бодадин қуиди сабукашларга ул,  
Тўрда ўлтирганга ҳам жоми мусаффо айлади.

Мурбача бор эрди неча, риндалар кўнгли учун  
Тутди соқий жом уларга, бода паймо айлади.

Соз чалиб сўнгра мурғанийлар, этиб раксу самоъ,  
Давра аҳли динини бир зумда яғмо айлади.

Давра ичра жомни айлантириди соқий, лек менга  
Етмади навбат, қарангким, ишни расво айлади.

Мурбача эрди чунон дилдору дилкаш, билмадим,  
Пири дайр топди қаёқдин, бўйла пайдо айлади.

Бул шаробдин топди комин ҳар кишиким, Фониё,  
Тутди гар расми фано ул, ўзни афно айлади.

\* \* \*

Кофири ишқмен, санамларни севиш диним менинг,  
Бўлсам ул бутхона тупроғи, бу ойним менинг.

Отининг наъли ила ити оёғин излари  
Бу қаро ҳижрон тунида ою парвиним менинг.

Тарк этиб майхонани, бас, мен нечук ҳушёр бўлай,  
Чарх айлаб васваса, тўкмоқчиидир хуним менинг.

Киш келиб, гул ҳажрида лол бўлди ул булбул дема,  
Сендин айру бўлди хомуш жони ғамгиним менинг.

Қатл этиш-чун излар эрсанг ошиқи девонани,  
Бу сифатлар менда мавжуд, табъи таъйиним менинг.

Сажда этмак маҳбубу жоми сабухий олдида,  
Бу мақомати тариқат ичра талқиним менинг.

Кечди Фоний ўздину кетди юриб дашту фано,  
Улки кўргаймен, кўрар бул кўзи худбиним менинг.



\* \* \*

Демаким, кавсару хур, бори жаҳон бас бизга,  
Баски ул муғбача, май, дайри мугон бас бизга.

Сенга бўлсин тубийи нася ўшал, эй зоҳид,  
Бори нақд сояйи ул сарви равон бас бизга.

Оlam аҳли бойлиги, янгисию эскиси бор,  
Эски бода, янги бир зеби жаҳон бас бизга.

Неча айтарсен фалақдин жонга оғатлар келур,  
Фамза айлар мунчаким офати жон, бас бизга.

Излагайлар оташи ишқинг мухаббат аҳлидин,  
Дилда доғ, меҳроу вафойингта нишон бас бизга.

Фам қўшилса майга ул дарёга ўхшаб мавж урар,  
Баҳори лутфингдин бирор қатра ниҳон бас бизга.

Эй сабо, дунёда ҳар аҳли вафонинг ёри бор,  
Даҳр аро ёри азизу меҳрибон бас бизга.

Фониё, бир йўла халқдин узилиб, хушҳолмен,  
Бўйла хушҳоллигу бул сурату сон бас бизга.

\* \* \*

Ажабким, жилвагар ул қадду раънойинг бало дилга,  
Сочинг занжирининг ҳар торидин юз ибтило дилга.

Чунонки, қатраи найсон туфайли очилур фунча,  
Очилгай бу кўнгил гар етса ул тири жафо дилга.

Тонг отгач ортадур, бас, ишқаро туғёни юз чандон,  
Агар манъ айладим ҳар тун, этиб юз можаро дилга.

Кўэу кўнглим ҳалокинг бўлдию сен жилвагар кўзда,  
Раво эрмаски, кўрсанг зулму бедодинграво дилга.

Эрурмен шод андин, ҳар тарафга ўқ узар бўлсанг,  
Тегар жонимга ул, кўзимга ё қўксимга, ё дилга.

Фалак ҳар дам вафо аҳлини айлар зору озурда,  
Чу хушмен, келса андин ранжу озор доимо дилга.

Аё, сен одамийлик қил, менга шоҳкоса тут, соқий,  
Етар ноодамийлардин азобу ифтиро дилга.

Боқардинг менга шафқат бирла гар ҳажрингда билсайдинг,  
Не солди кўзларимга оқу не солди қаро дилга.

Ажаб эрмаски, етсанг ул бақо даргоҳига, Фоний,  
Муяссар бўлса гар аэм айламак дашти фано дилга.

\* \* \*

Сабуҳий ичганингда най чилдирма гар ҳавас,  
Шоҳга карнай садосиу ногора бонги бас.

Ул шўхи қотил ҳар неки буюрса, ул раво,  
То тонгтча шамъ сингари ўчиқ бўл, бенафас.


Умрдин баҳраманд бўл бир қадаҳ сабуҳий ила,  
Кундузга етарсанми, йўқми, киши билмас.

Бирорвнинг васлин истаб, бечорамен андоқ,  
Во ҳасрато, йўқ чорасоз бўлгудек бир кас.

Эски май ила гўзаллар ишқин айтайн,  
Май ва олов кабидирким, биз олонда хас.

Магар эски зуннор топсанг майхона кунжида,  
Маҳбубим итининг бўйинбогидир, бошқамас.

Фоний, май ичгилу туриб, шаҳрои фанога бор,  
Унда на ҳоким, на миршаб таҳдид айламас.



\* \* \*

Насими субҳ, хабардор эт ниҳоли раънони  
Ки, андин бўлди ҳазон умр гулистони.

Бир қадаҳ тўлдириб, тутдинг майи оташранг,  
Не оташ, ёндириди ҳама ушшоқи шайдони.

Зуҳду тақво ила бўлдим мағрур, билмадим,  
Ишқ ожиз айлар ҳар нечук зўру тавонони.

Сен, ёш санам, ишқаро бундоқ сабрлисен,  
Тараҳхум этиб, ая бу бесабр кексони.

Хусн машъаласи ёнур ишқ отashi ила,  
Дариф тутмагил назар аҳлидин тамошони.

Лабинг оби ҳаётдирким, камоли сеҳридин  
Сўз очса ул, кесар ҳамон дами Масиҳони.

Майхона кўйига келиб риндаларга сол назар,  
Бир сомон чўпича кўришмас икки дунёни.

Шайх не буюрса, мен жон деб этардим адо,  
Агар манъ этмаса ишқу жоми саҳбони.

Фоний бехонумон тутди расволикка юз,  
Кўриб майхонада неча майхўри расвони.

\* \* \*

Дайр аро хоҳиш эрди майи мугона менга,  
Бўлди шу хумори саҳарим бир баҳона менга.

Майхона ҳавоси ила тарқ этдим хонани,  
Май топиб беролмас чун ўзга бир хона менга.

Ҳам масти ҳам девонаю расво деб ахтаринг,  
Майхона кўйида бўлди бўйлаким нишона менга.

Висол муждасин топдилар дўстдин аҳли талаб,  
Фироқ ўлдирди зор этиб, бермади омона менга.

Замон-замон қадаҳ тутгил, бир дам ичмасам,  
Зулму ситам айлар ғами замона менга.

Бир-икки жом ила жоним киритдинг, соқий,  
Голиб эрди хумори майи шабона менга.

Итлари есин танимни гар ўлсам, эй Фоний,  
Элтинг, оромгоҳ бўлсин ул остона менга.



\* \* \*

Күнгил май истабон бул дам харботи фано кетмиш  
Ки, бошлар ҳам ҳубобдек эврилиб, сүйи ҳаво кетмиш.

Сенинг ҳажрингда чекдим оху зорим тонг оқаргунча,  
Халойиқ дедилар: ҳар ёнга ул боди сабо кетмиш.

Кеча ул кофири бадмаст этибдир йўлда кўп ғавғо,  
У боис неча зоҳид ҳар сафар қадди дуто кетмиш.

Чиқиб ул даврамиздин, бўлди чун кўэларданам ғойиб,  
Пари эрди, паридек бўйлаким беиштибоҳ кетмиш.

Магар кўйи фано эрди ўшал сарманзили ишқинг,  
У ёқдин шоҳ бўлиб келган бу ёқдин чун гадо кетмиш.

Кетаркан, менга ул ой дедиким, тез кунда қайтармен,  
Вале ул шўху барно зор этиб чун, не бало кетмиш...

Сафо келгай нечук кўэларга ул суфийи маккордин,  
Қаён борса, изидин эргашиб макру риё кетмиш.

Кетар бўлса агарким одамийлик хислати ҳалқдин,  
Ажабмас, аввало ул ойни, расми вафо кетмиш.

Ўзин ҳар ёнга ургай эл қочиб даҳри ҳаводисдин,  
Вале бул шевадин Фоний харботи фано кетмиш.

\* \* \*

Ишқ жомидин бир томчи томса, етса унга хок,  
Сажда қилурлар неча минг малоики афлок.

Кишиким, ул қатрага қорилмиш тийнати,  
Амини «аллам-ал-асмо» айламиш Эзиди пок.

Аршийлар баски бош тортмас Ҳақнинг фармонидин,  
Не бок, саркашлиқ этса бир фариштайи бебок.

Итлик қилдиким, ул сабаб қувилди даргоҳдин,  
Осилди бўйнига лаънат ҳалқаси, тавқи ҳалок.

Фано дайрининг фазоси покларга жилвагоҳ,  
Қочурлар нопок итдин ҳар соҳиби идрок.

Кетур бодаким, етсин ул дарёйи раҳмати,  
Андин оташимга сув ур, зилоли оташнок.

Риёзат чекибон, ўэни файзга қобил эт,  
Файзга тухмат этолмагай мумсики нопок.

Зуҳд бобида мен чобуку чаққон бўлолмадим  
Ки, ҳолдин тойдирди андоқ қомати чолок.

Май қуйқаси менга мисли бодайи ноб эрур,  
Нажот ипидир узум илдизи, риштайи ток.

Шайх қочди хонақоҳ сори бас мени кўргач,  
Иқилдим майхонада, эгнимда ҳирқайи чок.

Ёр юзин очди, қолмади Фонийдин бир нишон,  
Тажаллий ўтида чун кул бўлур хасу хошок...

Извините, что я не могу сказать вам о том, что  
Богородица вспомнила о вас, ибо я не знаю, как это  
быть, потому что я не знал о вас, пока вы не пришли.

— Я не могу сказать вам о том, что Богородица вспомнила о вас, ибо я не знал о вас, пока вы не пришли.

— Извините, что я не могу сказать вам о том, что Богородица вспомнила о вас, ибо я не знал о вас, пока вы не пришли.

У меня есть книга, которую я читал вчера, —

Читал я ее вчера, и я не помню, что я читал вчера, —

Потом я читал книгу, которую я читал вчера,

А потом я читал книгу, которую я читал вчера, —

Потом я читал книгу, которую я читал вчера, —

Сейчас же я читал книгу, которую я читал вчера, —

Когда я читал книгу, которую я читал вчера, —

Когда я читал книгу, которую я читал вчера, —

Когда я читал книгу, которую я читал вчера, —

Когда я читал книгу, которую я читал вчера, —





---

# Қасидалар

---



## СИТТАИ ЗАРУРИЯ (Зарурый олтилик)

### ДЕБОЧА

Барча суханвар хайлининг байту-л-қасидаси,  
Ҳама мадҳ аҳли назмининг шоҳбайти, сараси  
Ул подшоҳга бўлсинким, йўлида учрабон,  
Гавҳар бўлди шоҳлар тожи узра тош пораси...  
Унинг буюклиги мутафаккирлар идроқидан қутлуг  
ва унинг неъматлари мутакаллимлар ҳисобидин фориғ.  
Огоҳ бўл, яратиш ва амру фармон бериш Унга тегиш.  
Оlamлар мураббийси Аллоҳ таоло ва таборакдир.

### Н а з м:

Шеър аҳлиниң ҳусни каломи, ул сеҳру фан.  
Ҳам нуктадонлар лутфи адоси, ул шакаршикан  
Шаҳ шаънига лойиқдирки, Ҳақ ҳимматидин  
Ой мўъжиэасин этди аён, айтиб бир сухан.

Ул нубувват девонининг соҳиби ва ул мурувват  
арконининг нозими (Расули ўалайҳиссалом) ва унинг  
юксак хонадонига салоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд: тўғри, рост майлу рағбатлар баён қили-  
ниб, ақлу хирад арбоблари, заковат ва ҳушёрлик со-  
ҳибларининг ёрқин фикру мулоҳазалари қабул ва  
ижро этиларкан, сабаби булдирким, улар олам гул-  
шанининг гул чечаклари, одамзод дараҳтининг мева-  
лариидирлар.

Камина фақиру-л-ҳақир иродатининг ҳолис ипи ва  
итоатининг мустаҳкам ҳалқаси ул ҳазрати ҳидоятмар-  
таба ва валоятфазилатнинг тасарруфи ва иқтидори  
измидадир:

## Б а й т:

Яхшилик денизин ганжи кироми,  
Қутблар имоми, ҳазрати Жомий...

Аллоҳ руҳларини муқаддас айласин. Мен хотири шикаста ул жанобнинг буйруқларига ҳамиша итоат этиб, улардин яқинлик ва паноҳ излардим. Фармонларига амал этишни лозим ва буйруқларига бўйсунишни вожиб билганимдан, бу каминайи камтаринга сўз жиловини туркий тил водийсидин форсий тил воҳасига буриш, назм оҳангини туркона адодин форс тили томон ўзгартиришни амр этдилар. Агарчи фармонлари бошим устигаю уни жону дилдан бажо этиш лозим эрди, аммо “Ҳар ишнинг ўз вақту соати бўлур”, деганларидек, тақдир тақозоси ила ул ҳазратнинг ҳаёт айёмларида бу иш амалга ошмади. Ва бу айёми нофаржом мададкор бўлмади, токи ул фармон ҳазрати Султони сultonнишон, кариму-л-баён тилидин тақрор этилмагунча.

## Н а з м :

Ҳақ сояси, меҳри Скандаржаноб,  
Ҳам ўзи соядиру ҳам офтоб.  
Ҳалқ қўли қудратли бўлиб жаҳидин,  
Дин яна юксалди унинг аҳидин...

Султон бинни султон, салтанат ва хилофатни асраб, авайлагувчи Абулғозий султон Ҳусайн Баҳодурхон, Аллоҳ таоло унинг байроғини Сурайё авжидат устувор этсин, амру фармонини Мағриб ва Машриқда музaffer фар айласин, камина бандалик одатим ва хизматкорлигим борлиги боис ул олийشاън ҳазратнинг фармони юкини кўтаришга ҳозирду нозирмен. Ва ул ҳазратнинг сўз қадру қийматини билиш табиати ва ақлларни шоширувчи зеҳнияти олдида шеър санъати ва назм услуби-

би борасида шогирдлик нисбатим борлиги ҳам айни ҳақиқатдирки, ул сабабдин каминага андоқ амр этилди.

Шундан сўнг тавфиқ мададкор ва саодат ёр бўлиб, сана 902 ҳижрийда бир неча қасидани қофозга туширдим. Мазкур манзумалар қасидагўйлик услугига мос, сатрлари услугуб тамойилларига муносиб ва сон жиҳатидан олти жиҳатга мувофиқ эди.

Илк қасида ҳазрати Борий таоло ҳамдига бағишланиб, “Руҳу-л-кудс” аталди. Иккинчиси наъти набавий зило-лидин қатралар, Мустафо мадҳи сарчашмаси файзидин томчилар эрдиким, “Айну-л-ҳаёт” номланди. Учинчиси Амир Хусрав Декувийнинг “Баҳру-л-аброр” ию ҳазрати Махдумнинг “Тухфаи нисор” и ўлида эрдиким, отини “Тұхфату-л-афкор” қўйдим. Тўртингчиси кўнгил аҳлига неъмат ва риёзат аҳлига руҳий озуқа бўлгани боис “Қуту-л-қулуб” дедим. Ва бешинчиси ҳазрати шаҳриёрни мадҳ этиб, неъматига шукронга айтишким, абадий саодатга муяс-сан айлар ва давлатини дуо қилиш абадий нажотга восил қилур, ул сабабдин “Минҳожу-н-нажот” исми или эйнат топди. Ва олтинчиси файзу ато бофининг насимидин баҳ-раманд бўлгани ҳамда “Миръоту-с-сафо” қасидасига та-таббуъ эркани сабаб “Насиму-л-хулд” номи-ла мазкур ва жамъи қасидалар “Ситтай зарурия” аталиб, машҳур бўлди.

Умидим бор ва ахли содиқ мададкордирларким, агар ажалим етмаса, йўқлик шамоли борлиқ кулбаси чароғи-ни ўчиримаса ва бу услугда паришон ёзувларим топилса, шикаста хотирим или уларни жамлашга ошиқурмен.

Буюкларнинг эзгу одатлари ва гўзал ахлоқларига риоя этиб, ўқиганлар айбу нуқсон кўрсалар, туватсин-лар, камчилигини сахву хатога йўймасинлар, уни гўллик, нодонлик деб ҳисобламасинлар.

Тўғри йўлга эргашганларга саломлар бўлсин!..

## I. РУХУ-Л-ҚУДС (Пок мұқаддас рух)

Тасанно ул қаламгаким, мусаввири ашё,  
Неча минг нақши ажаб ҳар замон қилур пайдо.

Бу нечук қаламдирким, айёми “кунфаяқун”  
Рақам ул чекмаса, бўлмас қатрадин то дарё.

Бу нечук қудрат эмишким, шу фалак боргоҳида  
Ул сабаб бўлдики, бордир заррадин то байзо.

Амрингта мутеъдир барча, тубанмидир, юксак,  
Лутфингдин эрмишлар ҳама, момодир ул, бобо.

Қавийдир изминг ила гар заиф, гар азъаф,  
Забундир ҳукминг ила гар қавий, агар ақво.

Ишқинг эрди Мажнунни ёққан чехраи Лайли,  
Хуснинг эрди Вомиқни йиққан орази Узро.

Юэинг нуригаким бўлди парвона саргардон,  
Вале шамъи шабистон деб ном қўйдилар анго.

Шавқинг ўтида ўртаниб, булбул-да бўлди кул,  
Вале зеби гулистон деб этилди васфи адo.

Кишиким жоҳу давлатли, сенга ҳожатманд,  
Ўзинг фанийдирсен, сенга мусаллам истиғно.

Яратдинг башар жисмини неча бир таркибдин,  
Ясаб тупроқдин аввал, сўнг бериб зебу баҳо.

Кўтардинг тупроқдин уни, айлабон юз эъзоз,  
Юксалтдинг мартабасин токи торами хазро.

Хокий танига ёғдиридинг найсони раҳматинг  
Ки, андин этди тийнати мулоимат пайдо.

Кординг тийнат хамирини ҳикматинг дасти ила,  
Етишди ўзга уч зидди ажойибот аро.

Тўрт унсурни бир-бирига пайваст айладинг,  
Тупроғу оташ эрди ул, сув эрдию ҳаво.

Бирикди эту устухон, мўй ила тори асаб,  
Меъдаю қону зардоб, бари беиштибоҳ.

Яна ул думоғдирким, беш сезги қароргоҳи  
Ки, ботиний аъзо дебон атамишлар ҳукамо.

Яна талофу жигар, яна қалбу яна ел,  
Яна буйрагу бурун кемирчаги, ўт-сафро.

Бирикиб бир-бирига, тўрт мизож бўлди ҳосил,  
Қону балғаму сафро, ортидин етиб савдо.

Пайкари ораста бўлгач баски зеболик ила,  
Ўзинг тоза руҳингдин анга жон этдинг ато.

Зоҳирий ҳисларни бундоқ барҳақ айлагач,  
Ақл нуридин таратдинг думоғ қасрига зиё.

Бадан шаҳридин яратдинг ажиб бир мамлакате  
Ки, мулқдин то малакут ҳар не ундаидир барпо.

Кўнгилни сўнгра султонлик тахтига ўтқаздинг,  
Султонлик расми ила бўлди шоҳи мулкоро.

Вазирлик мақомига етишди ақлу хирад,  
Бўлдилар барча сенга банда, ҳама шоҳу гадо.

Илм ўрганишда бўлдинг Одамга раҳнамун,  
Илк бора бердинг таълими “алламу-л-асмо”.

Чун илму маърифатдин айладинг баҳравар,  
Малоик сажда этдилар бош эгиб банданамо.

Ҳар неким яратдингу ҳар не айладинг мавжуд,  
Денгиэлару тоғлару юлдузу арзу само,

Бўйлаким ажойибот намойиш айлабон,  
Омонатингни ҳам унга топширдинг, эй Худо.

Бўлди ул мазҳари Кулл, сўнг ўзинг лақаб бердинг,  
Яъни маҳлукот ичинда ул олами кубро.

Баҳору ёзу кузы қиши-қаҳратонни келтирдинг,  
Тўрт фасл яратдинг шу гулшани даҳро аро.

Баҳорий шамоллар эсди шу жаҳон бўстонида,  
Жон кирди табиатга, тараалди атри сабо.

Етишди ўлікларға бўйлаким Ийсо нафаси,  
Тирилди, кўтарди бошин тупроқдин майса-гиёҳ.

Афтода ҳол кўрдиким, тупроқ узра не ҳол,  
Кўкатлар гўдак янглиғ топмишлар нашъу намо.

То йигитликка етгунча етишгай зебу жамол  
Ки, доя булутлардин сут ёғар эрди, изо.

Даҳо мулкига неча кун бердинг оройиш,  
Ясанди сабза, райхондин шу гулшани дунё.

Гул очди ёш-яланглардек лоларуҳ ораз,  
Сарв айлади санамлардек қаддини росту расо.

Бинафша сочи торини этди чину жингалак,  
Ёсуман қилди жилвадин ҳусни оразин зебо.

Сунбул ҳам мушкин зулфига солди печу тоб  
Ки, унинг занжири этди кўнгилни шайдо.

Норанж пўстининг ямини нарғиси шўх учун  
Пиёла айладинг, у маст бўлди бесаҳбо.

Настарин баргига тиздинг мунчаким юлдуз,  
Юлдузлар туркуми унинг олдида бир Суҳо.

Чаман сарв қомати ила топди раънолиф,  
Яшнатди турланиб уни боз гули раъно.

Наргис ғунчасин бўйлаким ҳуққа айладинг  
Ки, бўлди қўнгил қушининг тухмига маъво.

Гулзордин хабар берар баҳор ҳар лаҳза,  
Заррин ранглари андин даракчири гүё.

Қазо қаламин юритиб, боғу чаман чехрасини  
Райхондин матоҳ тўкиб, гуногун этдинг, анво.

Баҳор ёйди боғ аро кўркини навбат ила,  
Мисоли келинчак эрди, ҳуснида лутфу сафо.

Ёз келдию жумла жаҳонга пуркади олов,  
Ёндириди оҳ чекиб гүё ошири шайдо.

Кўнгил райхонларни қўйиб, мевага майл этди,  
Сурат саробидин кечиб, излади маъно.

Япроқлар либосдек боғу чаманин буркади,  
Кўринди кўзга оғоч чун гумбази мино.

Шамол новда, бутоқларни силкитди ончунон,  
Ақл назарида гүё чарх урди еру само.

Қушлар шоҳдин шоҳга учиб чекдилар фарёд,  
Чун бурждин буржга ўтиб ёнган юлдузномо.

Вале мевалар шоҳларда қолдилар собит,  
Собит юлдузлардек порлаб зангори қўқ аро.

Хат тортиб баланддин пастга тушаркан мевалар,  
Учар юлдузлардек, яъни шаҳоб эрди гүё.

Қуёш ёғдирди оламга оташ алангасин,  
Жаҳаннам ўти ёққандек танларни беадо.

Ҳароратдин етиштирдинг анвойи неъматинг,  
Инсон мизожига уни мадор айлаб, даво.

Ажаб ҳакимдирсен, буюк ҳикматинг олдида  
Афлотун бир семиз ўтдир ва ёхуд луъбиё.

Басо, кимсаларким сочиб тупроққа тухми амал,  
Хирман қўттардилар минглаб, манфаати дунё.

Вале қолдилар емагу ичмакка бойланиб,  
Бошоқ тердилар пайкала гоҳо излаб изо.

Ёз дастурхонидин етди жаҳонга файзу қут,  
Бахраманд бўлдилар андин ҳама шоҳу гадо.

Бу неъматлар уэра сўнг етишди фасли ҳазон,  
Совуклар лашкари босди чун этгали яфмо.

Чаман алвонга чулғанди, ўйлаким рангрезлик,  
Ҳар бутоғу япроқда неча минг рангу жило.

Этди гултоҳихўрэз тупроқни хунолуд,  
Кофири тифидин гүё қонга беланди шуҳадо.

Хазон гултохихўрозни қатл этди бўйлаким,  
Тож бошдин айрилиб, бош тандин бўлди жудо.

Гули раъно хазонда икки рангда товланди,  
Бекарордир шунга ўхшаш лолайи мулки Хито.

Даҳро гулшани ҳамиша икки турда товлангай,  
Баҳору кузга назар сол ё кўргил субҳу масо.

Не эрмиш иккими, ўн ранг, ҳар оюч япроғида  
Икки юз рангни намойиш айлагай килки қазо.

Ранго-ранг япроқлар ила дарахтлар мисли шамъ,  
Бог бисоти Чин нигорхонасиdir шул асно.

Ортидан қиши-қаҳратоннинг шамолин эсдирединг,  
Япроқлар учдилар бир-бир, топдилар ерда фано.

Сўнг булатлар кўкка чиқиб, тутди симобий парда,  
Тўсдилар жумла уфқларни бурканди ҳаво.

Гарчи бор эрса-да, лек аслида йўқ эрди қуёш,  
Йўқ эрди ҳароратдин заррача асар асло.

Бир парча муз эди самода доира мисол,  
Бода тўнгмишди совуқдин гўё пиёла аро.

Корларга бурканиб оппоқ тухумдек бўлди ер,  
Қуёш ҳам тухумдек эди, чун байзаи байзо.

Оғочлар бўлдилар андоқ яланғочу шийдом,  
Гўёки Чин турктозидин хинду чекар жафо.

Тун санамлар сочи янглиғ тимқораю узун,  
Ошиқлар қатлига чўзиқ қўл эрди ул гўё.

Чунон оширдинг қиши шиддатин, охир-оқибат  
Олов ҳам дош беролмади, етишгандек вабо.

Азбаски, қиши шиддатидин сўнаркан олов,  
Қайда бу жаҳон аҳлига нишонайи бақо?

Яна баҳор елларидан бағишладинг ҳаёт,  
Ўлик танларга бахш этиб тирикликни ато.

Давр бўйнига бўйлаким занжир бойладинг,  
Барча ҳалқаларни тортиб, чирмади ул расо.

Түккиз фалакни тикладинг, баланду ораста,  
Юлдузлар сайдар этар унда Қуёшдин то Сухо.

Аввалги манзилда сокин сиймтан Ой туур  
Ки, андин даҳо тунига таралур нурү сафо.

Гоҳо гўзаллар юзиdek ойкулчаю раҳшон,  
Гоҳ ошиқлар қоматидек букилгандир, дуто.

Иккинчи манзилни этдинг Аторудга макон,  
Қалам ургувчи ул — иши имло эмиш, иншо.

Сиёх истаб чиқаркан, анга ҳар замон ҳозир эрур  
Идишдаги сув рангидек мулойим рангу жило.

Учинчи манзилда Зуҳро, ҳофизу тараннумсоз,  
Мақом тутмиш андоқким, мақоми сөзу наво.

Созида жаранглаган нағмаларки довудий,  
Вале сўз айтса, мисоли Масихи руҳафзо.

Тўртинги қаватда равшан Қуёшга жой бердинг  
Ки, Ой ундан ҳар лаҳза тиланур нурү зиё.

Агар зебу жамолда ул Скандар ойинаси,  
Вале ҳукмига ҳамиша мусаллам эрур Доро.

Бешинчи маконни тиғзан Миррихга бахш этдинг  
Ки, қўрқинч ҳайбатидин титрагай тош ҳатто.

Омонсиэ нафаси чизар ажалнинг гулгун суратин,  
Қотил жисмидин ёғар ҳар нафас тифи бало.

Олтинчи маконни тутди поксийрат Муштариӣ,  
Унинг саодат шамъидин ёруғдир ҳар сиймо.

Тиэзб таҳорат илига тасбиҳ доналарин,  
Этдинг саодат ҳулласидин тайлласону ридо.

Еттинчи қалъа беги деб Зуҳални амр этдинг,  
Қаро жисмига бурқаниб ниҳон этди лиқо.

Ҳалим инсонлардек секин қадам ташлаб юрар  
У манзилдин бу манзилга шошилмасдан, сипо.

Саккизинчи күкни сүнгра мунааввар этгали  
Минглаб юлдузларни өңдинг, сериша, сержило.

Энг юксакда түккизинчи қалъа чўэди бўй,  
Атрофида нек ният-ла буржлар этдинг бино.

Ўн икки бурж бунёд этдинг қалъа атрофида  
Ки, ҳар бири кўрингай ўзгача, жилванамо.

Ўн иккидин биринчиси яйлов эрди ажаб,  
Ҳамал учун ўтлоқ бўлди, ажойиб, ҳушҳаво.

Яна бири гули лола яшнаган майсазор  
Ки, Савр унда сайрон-сайрон ўтлайди доимо.

Чарх отини ясантирдинг сайри хиром учун,  
Эгар остига нақш этиб ул сурати Жавзо.

Чарх шеваси кажрафторлик эмишдир, ул сабаб  
Қисқичбақа буржини кўтардинг кўкка расо.

Орастга этдинг шавкатинг-ла ўзгаларни ҳам,  
Ҳўкиз манзилин Шер манзилидин айладинг жудо.

Ўзга бир пайкалда сочдинг Бошоқдин доналар  
Ки, уларни юлдузлар деб талқин этар доно.

Уларни тортмоққа кейин Тарозу ясадинг,  
Ростлик билаким, эмас янглишмоқ Ҳаққа раво.

Бошқа бурж саҳнида фаол айладинг Ақрабни,  
Чаён эски иморатларга ин жүйр гүё.

Сўнгра бошқа бурж ичра ясадинг камонхона  
Ки, чарх дунё устига ёғдиргай тири бало.

Камондин ўқ узиб, сўнгра Жаддийни ҳуркитдинг,  
Тоғ эчкисидеқ ҳар дам юксакда бўлур пайдо.

Уфқ чоҳидин тортиб Юсуфи хуршидни,  
Кутқаздинг, тушмагай ўшал қудуққа ул яно.

Юнусни Ҳутга ютқизиб, саломат сақладинг,  
Гарчи бул арода чекди неча бир жабру жафо.

Чарҳдин ташқарида минг-минглаб хайли малак  
Ибодату тасбих айлаб, ўқишар ҳамду сано.

Аршу Курсию Лавҳу Қаламдин ажойибот  
Ошкор әтдинг, ақл кўролмас, кўр эрур, амо.

Иш шунга етдиким, ўшал шаҳсувори Расул,  
Буроқ югурди юксакка Меъроҷ туни, Исро.

Бердинг карамингдин икки қош ароси яқинлигин,  
Чалди буюклик бонгини ундан-да яқинлик аро.

Васлингга етказиб, унга жамолинг кўрсатдинг,  
Бердинг, ҳар неким тилади, барин бешарту баҳо.

Тўқсон минг сўз айтиб, уни изига қайтардинг,  
Ётган жойи ҳали-ҳамон иссиқ эди аммо.

Ер юзидин куфрнинг зулматин даф айлаб,  
Равшан этдинг Муҳаммадга шариати фарро.

Барча динлар ҳикматинг-ла шу онда рад бўлди,  
Дини Одаму дини Нуҳу дини Ийсову Мусо.

Авжи қурбатинг ила кўрсатдинг унга йўл,  
Бўлди олам элига раҳнамоий дини Худо.

Сабаб унинг муҳаббати, эухури санъатинг эди,  
Жумла халқу маҳлукот яратиб, этдинг ифшо.

Чунончи, ҳар неки борлиқ тўнини киймишди,  
Кўринди, биргина “Кун” амрини·сен этгач адo.

Ул амринг қудратингдин увоқ бир зарра эди,  
Гар ул бўлмаса, бўлмасди борлиқдин асар пайдо.

Ажаброқ булки, яна юз минг олам агар  
Бунёд этишга қодирсен, истасанг уни, Ҳакқо.

Истасанг, ярим нафасда сурарсен ўқликка,  
Ярим нафасга ҳам етмай топгуси бори фано.

Борлиқдин йўқдир тафовут бўйла корхонанг учун,  
Йўклик ҳам азаматинг олдида ҳеч вақо.

Бузургвор Ҳудоё, шу мадҳу тасбихинг ҳаки  
Ки, ҳар нафас зикр этарлар хайли олами боло,

Зоти покинг бўйлаким, мисли, монанди йўқ,  
Покиза файзингта йўқдир баробару ҳамто,

Набийуллоҳ ҳурмати ҳақиким, эрур офтоб,  
Буюклигу салобатига жумла зарра гувоҳ,

Бу дору-л-фанога то боғлиқ экан Фоний,  
Унинг сийратига бахш эт тарийқи факру фано.

Қачонким жон қуши унинг танини тарқ айлаб,  
Парвоз этса, қайда деб ул азиҳ мулки бақо,

Маҳшар куни шоҳи Расул гуноҳкор умматин  
Шафоат этмак учун тикса Арош узра ливо,

Лутф айлаким, бу осий бандага тушсин назари,  
То етишгай подшо давлатига зору гадо.

Етса андин талабу етишса сендин бахшиш,  
Этса бу banda мурод ҳосил ул икки аро.

Қазо тақоэз этди, бу қасида топди таҳрир,  
Ажаб эмаски, таърихи бўлса ҳисоби “қазо”.

Номини ўйладим сахаргоҳ фикру ўйларга чўмиб,  
Исми “Руху-л-кудс” деб ғойибдин келди садо.

Умидим улки, менга қудсий нафас бахш эт,  
Такаллум берки, сенга сўйлайин ҳамду сано.

## II. АЙНУ-Л-ХАЁТ (Хаёт чашмаси)

Парда тортиб тун жаҳонга, то таманно айлагай,  
Жилвасин ул неча дилбар, моҳ сиймо айлагай.

Кўқда юлдузлар саноқсиз ялтироқ қуртлар каби,  
Нур сочиб оламга бундоқ, зебу оро айлагай.

Осмоний нақшбандлар юргизиб қудрат қалам,  
Ҳар замон қўқ гумбазига нақш иншо айлагай.

Наъш тўкар кўз ёш Банотнинг кифтига офтоб учун,  
Бошда рўмолларни барча анбаросо айлагай.

Ўртада Кутб пири комилдек турар тамкин ила,  
Ўзга юлдузлар муриддек рақс барпо айлагай.

Сиймтан турклар шу онда Каҳкашонда саф чекиб,  
Даҳро аро ул оғият мулкини яғмо айлагай.

Не ажаб турклар эмишким, ўқлари мисли шаҳоб,  
Ҳиндулардек ёғдириб ҳар ёнга, ғавғо айлагай.

Жаңг бораркан бүйла, Насрайн ҳам етарму луқма деб,  
Гоҳ қанот ёзгай, гахи кутмоқни авло айлагай.

Осмоний ул дүкөнларда күрарлар дурру ганж,  
Күз тикиб ҳар ким наэар Савру Сурайё айлагай.

Эсга олгай Насри воқиъни, гар этгай эътибор,  
Ул кишиким шине Шеърони тамошо айлагай.

Янги ой чун устухондир, ялтираб тургай, уни  
Ўйнашиб юлдуз-гўдаклар азми саҳро айлагай.

Кўкда юлдузлар эмас, йўқ, шабпараклардир, кумуш  
Ой – шамга ўзларин парвонаосо айлагай.

Боқки, Зуҳро ҳам олибдир илкига чилдириласин,  
Токи кўк мутриблари савту таранно айлагай.

Тир – Аторуд фолбин эрмишким, Қуёшдин фол очар,  
Неча юлдуз тангаларни унга савғо айлагай.

Олти сайёр Шарқ тарафдин офтоб келмоқда деб,  
Бу хабарни ҳар томонга ошкоро айлагай.

Найзага илгай фалак буржи Жадийнинг ҳалқасин,  
Сўнг отар жанг жабҳасига, сўйи саҳро айлагай.

Муштариј нури сафодин айлабон сажжодасин,  
Тонггача тоат, ибодат ичра тақво айлагай.

Шу самовий қалъанинг посбони эрмишдир Зуҳал,  
Ёндириб машъал, нурин то чархи воло айлагай.

Неча событ саккизинчи осмондин кўз тикиб,  
Бул ажиб ҳангомани кўргай, тамошо айлагай.

Неча юлдуз чархи аъзам амри бирлан дамба-дам  
Маскани аълони қўйгай, майли адно айлагай.

Чарх бўйла сеҳро афсун, осмон юлдуз ила  
Ёндириб мактуб, уларни сўйи дунё йўллагай.

Кўкда анжум бўйла нотинч, бўйлаким бедор экан,  
Ерда роҳат уйқусин ҳар пиру барно айлагай.

Мен каби ошиқ балокашлар фами ҳижрон аро,  
Кўк сари “во ҳасрато!” ё “водариғо!” айлагай.

Уйқуда ётганда ул беишқ, вафосизлар бари,  
Ишқ кўйи итлари то субҳ ғавғо айлагай.

Эй на хуш жонларки, роҳат уйқусин айлаб ҳаром,  
Кўз тикиб тунларда кўкка, оҳи вайло айлагай.

Пок этиб зоҳирни аввал қайғу, ҳасрат ёшидин,  
Ўт солиб сўнг жонга, ботинни мусаффо айлагай.

Ўэни тортгай гўшаи меҳробга ул тақво учун,  
Саждагоҳин даргахи Эзид таоло айлагай.

Парда тортиб күкда юлдузларга ҳасрат охидин,  
Ашки түфөнин кейин то тоқи хаэрэ айлагай.

Улки бир маъшуқ қўнгил бўстонини этгай тавоф,  
Гул юзига парда ёпгай, кўздин айро айлагай.

Курби васл ичра агар бир лаҳза сокин бўлса ул,  
Гоҳи кўз ташлаб малоикка муросо айлагай.

Осмони иззату тамкинда бир дам турса гар,  
Ўйлаким, титроқ тушиб гардунга, ларзо айлагай.

Гар қўнгил жамъи висол бўстони сори бурса юз,  
Тонг эмаским, тарки дунё, тарки уқбо айлагай.

Шул эрур Фонийга давлат, ётса хоки роҳ бўлиб  
Ергаким, ул ерни соликлар гузаргоҳ айлагай.

Ўтса бу водийи зулмат ярми, етса шоҳ гали,  
Янграгай бонг, бу хабарни пасту боло айлагай.

Янграбон бонгу ногора, жўр бўлиб карнай анга,  
Ул қиёмат авжини то тоқи дунё айлагай.

Гафлат ичра кўз очомаслар ўликлар уйқудин,  
Гар фаришта жар солиб, фарёди сурно айлагай.

Занг урап бутхоналар ҳам тонг-саҳардин, токи ул  
Бутпарастлар уйғониб, азми калисо айлагай.

Жумла роҳиб маству мусҳафсӯз эмишлар дайр аро,  
Белга зуннору бўйинларга чалипо айлагай.

Аҳли комил рад этаркан лоту лои лоилоҳ,  
Бори иллаллоҳни шу сўз ичра ифшо айлагай.

Тонг аро “Аллоҳу акбар”ни муаззинлар тамом  
Ҳайқириб, субҳоналлоҳ, кўкка туро айлагай.

Покбоз ушшоқ ичиб май, маству хушҳоллик ила  
Гоҳ-гоҳ наzzораи ул ёри зебо айлагай.

Ул ҳама гулюзлининг гулдек яқосин чок кўриб,  
Аҳли ишқ қушлар қаби масти аолов айлагай.

Ул фалак меъморлари гардун қоронғу қасрига  
Тонготарда нур тўшаб, равшан, зарандо айлагай.

Шом ёришгайдир гўзалларнинг сумансо зулфидин,  
Тонг суманбўлар уни кўрганда эвоҳ айлагай.

Тун қаросидин қорайган мулки олам саҳнига  
Бори равшанликни субҳи оламоро айлагай.

Суфийи кундуз қаро тун кўрпасини тарқ этиб,  
Тайласонин елкага ташлаб, ҳувайдо айлагай.

Томчи-томчи ёккан эрди тунда шабнам юлдузи,  
Ярқираб тонг шуъласида ҳусни зебо айлагай.

Боши оғриб қолса гар оғоқ тун савдосидин,  
Манглайин танғиб булутлар бирла даво айлагай.

Нур олиб тонг Юсуфи Мисрий жамоли шамъидин,  
Ваҳшатафзо Шом зиндонига савро айлагай.

Офтобким парда ичра эрди, бошлаб кун сари,  
Юсуфи гумгаشتани сўйи Зулайҳо айлагай.

Үйғониб халқ бори ғафлат уйқусидин сарбасар,  
Боз тирилмоқ мұждасин оламга ово айлагай.

Фосиқу шаҳватпастлар сувга тушмокқа шитоб  
Ечиниб, тарки либос, тарки сарупо айлагай.

Ҳақпастлар эрса оз таҳқиқу кўп тақлид ила  
Юзланиб масжидга тадбири мусалло айлагай.

Аҳли қилу қол рақибларни қайирмоқ қасдида  
Юзни ювмасдан китобга қўзни ошно айлагай.

Девмардум, яъни бозор аҳли юлғичлик учун  
Шайланиб очгай дўконни, суди савдо айлагай.

Олди-сотди айлашаркан, жўш уриб инсофлари  
Бўрёning қийматин бир халта тилло айлагай.

Қозихона аҳли, кофирлар синиқ дирҳамни деб,  
Юз мусулмон мулкини олмокқа фатво айлагай.

Соҳиби девон, сарой мирзолари шайлаб қалам,  
“Айн” кўрса, “Коф” этиб, беҳуда ислоҳ айлагай.

Дунҳиммат, пасткашлар азбаройи нафси шум,  
Ўзгаларнинг эшигига ўзни расво айлагай.

Болалар мактаб борурлар, дилда дарду изтироб,  
Бетайин сўэларни айтиб, қўзни ҳар жо айлагай.

Не аёлманд, муҳтоҷлар ризқи рўзи ахтариб,  
Шаҳру кўйларни кезиб, ҳар ерни маъво айлагай.

Йўлга чиққан йўлчилар манзил сари айлаб хиром,  
От-уловни устида юк бирла яйло айлагай.

Жонга оташлар солиб, тошларга ургай бошини,  
Ўзгалармас, бу сифат ушшоги шайдо айлагай.

Аҳли ишқ кўз ёши тўккан чорда ожизлик ила,  
Ашқ сели мавжини то дашти Батҳо айлагай.

Қўлда нақди жону юзда ёшлари гавҳарфишон,  
Ул сужуди қиблагоҳи дину дунё айлагай.

Хожай кавнайну фахри анбиё асҳоблари  
Соясин токи қуёш, Арши муалло айлагай.

Йўлининг чангি сабаб юлдуз кўзи равшан бўлиб,  
Хоки пойини кўтарар кўзларга сурмо айлагай.

Муддао эрса супурмак жаннатосо эшигин,  
Неча ҳурлар зулфи сунбулни мутарро айлагай.

Йўлларига жаннат аҳли соя солса бўйлаким,  
Жилвасин ул неча минглаб қадди раъно айлагай.

Арш аҳли учқур оти пойига Меърож туни,  
Марҳабо, деб бори юлдузларни дебо айлагай.

Ул фалакпаймо Буроқ отга узанги бойлабон,  
Жулни офтобдин, эгарни нури Жавзо айлагай.

Кўрсалар эрди булатлар ортида офтобини,  
Айлар эрди ул ҳарифларким, Буҳайро айлагай.

Гар қазо наққошлари минглаб қуёшни чексалар,  
Ерга тушгач, йўлда раҳбарликни Қисво айлагай.

Ҳам рисолат, ҳам нубувват хос эрди зотига,  
Токи сўнг овозай ирсоли анбо айлагай.

Иззатингдин тевақушлар бор малоик бошига  
Кам эмас ул, сояйи меҳру мадоро айлагай.

Мусҳафингта боғи жаннат атласин этгач ғилоф,  
Тугмасин юлдуздану лавхини нуқро айлагай.

Қурби васлингта етишган эшигинг посбонлари  
Бир асо ташлаб Мусо олдига, ульё айлагай.

Беш намоз ичра мудом түккиз фалак айлар рукуъ,  
Күргай ул кўзким, ҳисоби ҳарфи “Тоҳо” айлагай.

Ул азиз ўн тўртта маъсумни баробар тут мудом,  
Етмадим деб мунча маъсумликка Яхе йирлагай.

Бўйла машҳурдирки Нажмиддин сифатли умматинг  
Бир назар ташлаб кучукка жазба пайдо айлагай.

Эшигингда итларинг бордирки андоқ, бир боқиб,  
Бир назар бирлан ҳалоки Нажми Қубро айлагай.

Ҳар киши шавқингда ўлса, ҳалқ кўтаргай тобутин,  
Ўзгалар эрмас, бу ишни юз Масихо айлагай.

Ул гўдакларким, камондин ҳикматинг-ла ўқ узар,  
Не табибларнинг давосини муаммо айлагай.

Саф чекаркан, лашкарингта фатҳу нусрат ёр эрур,  
Гар назар ул бир нафас сатри “Изожо” айлагай.

Ҳар тикувчи лашкарингта тикса байроқ, йўқ ажаб,  
Унга зийнат ояти “Инна фатаҳно” айлагай.

Кўзғалуркан ҳар сафар отинг туёғидин ғубор,  
Аҳли Арш ҳам тўтиё, ҳам мушки соро айлагай.

Келмагай кўхи балодин ёвга оғат мунчалар,  
Ким ҳовуч тупроқни тифинг-ла ҳаволо айлагай.

Бу илохий амру тасдиқ: дин борур Махшаргача,  
Муншийи сунъ хат битиб, хат узра туғро айлагай.

Ул ҳадисларким сахиҳдир, жам этиб ровийларинг  
Боб-боб тизгай-да, Батходиң Бухоро айлагай.

Одамийнинг донаси тушмасди шайтон домига,  
Умматинг гар устухонин бори хурмо айлагай.

Арш сари парвоз этиб, йўлингда бўлмишлар фидо,  
Бўйлаким қушлар ҳамиша пеши Анқо айлагай.

Ё Расулаллоҳ, менинг ҳолимга бок, ою қуёш  
Гар сочар юксакка нур, гоҳида адно айлагай.

Подшолар наррашерга кўз тикиб байрам куни,  
Итга ҳам лутфу карамларни ҳамоно айлагай.

Тобакай хайли шаётин дамба-дам юз васваса  
Шу куюк кўнглимда чун пинҳону пайдо айлагай?

Йўқ ажаб, Ийсонафаслар меҳроу шафқат кўрсатиб,  
Гоҳ-гоҳи ўзни бул ҳамдарди тарсо айлагай.

Лек маъюсман чунон, ортиқ яшаш имкони йўқ,  
Юз Масиҳо гар келиб дардимга даво айлагай.

Лек томогимга ўшал эҳсони шарбатхонадин  
Битта томчи томса, ул жонимни эҳё айлагай.

Ҳам ўшал Ийсонафасдин икки юз тан жон топиб,  
Ташланиб пойимга зуд, зору тавалло айлагай.

Ул нафас бирлан ҳамон мадҳингни куйлармен чунон,  
То малоиклар йиқилгай, ўэни шайдо айлагай.

Ҳарф ёзсан наъту мадҳингга, малоик нуқтасин,  
Ранг олиб кўзи қаросидин, муҳайё айлагай.

Бўйлаким мадҳинг ажаб оби зилолдир, қатрасин  
Тутсалар лабташналарга, мавжи дарё айлагай.

Жон топар эрди ўликлар ҳам ўшандоқ қатрадин,  
Гар уларнинг хокига андин ҳадоё айлагай.

Арэигай “Айну-л-ҳаёт” деб ном берсам, чунки ҳалқ  
Хуш насимин жон дебон жисми аро жо айлагай.

Байтининг сони, ҳисобин сўйласам: оби бақо,  
Ул ҳисобни бул ибора бирла имло айлагай.

Ё Ҳудо, етказ шафоат ўз Ҳабибингдин манго,  
Аҳли исённи у кун дўзахга қаҳоринг жойлагай...

### III ТУХФАТУ-Л-АФКОР,

“Дарёйи аброр”га татаббүү

(Фикрлар түхфаси)

Оташин лаъл, улки шохлар тоҷига зевар эрур,  
Ҳом хаёлларни пиширмоқка олов, ахгар эрур.

Шоҳки ёд этмас ўлимни, юртни вайрон айлагай,  
Ҳусрави беоқибат ғоратгари кишвар эрур.

Зебу зийнат ҳирси охир айлагай шоҳни хароб,  
Шер агар занжирга тушса, савлати камтар эрур.

Шоҳлик бўлгайму ҳеч озору ташвишдин йироқ,  
“Кўс ногора бағри бўшу бонги дардисар эрур...”

Бурда нону бир ютум сувга қаноат қил мудом,  
“Ким қаноат айлагай, ул шоҳи баҳру бар эрур.”

Хожага берсанг бирор нарса, қизаргай ул, хижил,  
Кўз тикар қози эшикка суқ ила, рангпар эрур.

Шайхнинг нутқи риёсидин етар кўнгилга ранж,  
Токи қиши эркан, юпун, бечораҳол музтар эрур.

Ақл кулгай ҳийлагар вайсоқиларнинг сўзига,  
Үйқуда кимки валақлар, унданам баттар эрур.

Тамаъгир воиз-да бешак нон гадосидир, фақат,  
Ул бири минбардамас, бул соҳиби минбар эрур.

Тухми расволик берур одатда тасбихи риё,  
Донаси не эрса, унга меваси менгзар эрур.

Фиқх илмидин агар макру хиял этса фақиҳ,  
Ул фақиҳмас, бир балога мубтало хумпар эрур.

Хийлагар қози гувоҳларни йигиб, гар битса хат,  
Кору бори азбаройи савлату дафттар эрур.

Жоҳил улдирким, улусга айлагай жабру жафо,  
Гар жаҳдолатдин кутулса, илм анга маэҳар эрур.

Юк кўтарган йўлчиларга бу факирликму писанд,  
Қовжироқ явшан-тиканлар тевага шаккар эрур.

Гар ҳаким беважҳ лоф урса, азиزلар наэдида  
Офат эрмиш, гарчи Афлотунга ул афсар эрур.

Нутқи нодон кулги қўзғар, бу муносибдир анга,  
Чун эшакмунчоқ-да эшшак нўхтасига зар эрур.

Чақчайиб бойқуш каби юлдуз тикилгай ҳар кеча,  
Шумлик истар, чун ўзи алдоқчи, Бўмаъшар эрур.

Чарх андоқ хастадирким, лозим ўлгай эҳтиёт,  
Ҳар тараф узвида оппоқ доги бир ахтар эрур.

Қон тўқар шу гумбази мовий дамо-дам, йўқ ажаб,  
Гар ҳино япрори ҳам кўк, ранги ол, аҳмар эрур.

Душманингдир сенга шу озор берувчи ҳалқуминг,  
Сен уни ҳанжар дегайсен, аслида ҳанжар эрур.

Шоҳи, атлас деб мабодо ўлса нокас, не ажаб,  
Пиллақорт ҳам ўзига шайлаб кафан, овсар эрур.

Йўлчига моне бўлур бойлик, фақирлик ҳам яна,  
На семиз, на ориқ от йўлда учоқ капитар эрур.

Йўл азоби, ранж ҳалим инсонга солгайму ажин,  
Унга сарсар не писанд, сув остида мармар эрур.

Марди солик мўйи ҳам фосиқка эрмиш мисли тиф,  
Етса гар лочин пати ўрдакка чун ханжар эрур.

Марваридни хожа кўэ-кўэз айламас, тутгай ниҳон,  
Марди оқил ҳам ҳақирлар олдида камтар эрур.

Пири комил кўнгли чун маҳфийнамодур, жоми Жам,  
Хиэр учун оби ҳаёт кўэгуйи Искандар эрур.

Гар аёлларга шараф эрмасса ашку изтироб,  
Парча муз шамдир уларга, унданам афзал эрур.

Бас, ёмонликдин туғилгай ҳар нечук наҳсу најас,  
Яхшиликнинг маҳсули чун мушк ила анбар эрур.

Ишқ ила обод эмиш кўнгил, агарчи кекса, ёш,  
Марв бунёд айлаган Санжар ҳамон Санжар эрур.

Ишқ ўқига учрабон, ошиқ ранги заъфарон,  
Гар алиф “сафро”га ёндашса, сўзинг “асфар” эрур.

Баҳри ишқ ичра, аё, ошиқка не ҳожат кишан,  
Кема гар гирдобга тушса, сув ўзи лангар эрур.

Ишқдин айру дил қародир, ишқ ила оташфишон,  
Ул совуқ бирлан күмир, иссиқ ила ахгар эрур.

Гулхани девоналик ошикқа иқбол тахтидир,  
Бир уюм күл ҳам самандарга түшалган пар эрур.

Ноэир эрмишлар гүзаллар қасрига ушшоқи зор,  
Чун асиirlарким, арода қалъай Хайбар эрур.

Ақлу хүшдин — яхши ном, ишқ — мулки оламдир тамом,  
Уй чарори хотин эрса, эр киши лашкар эрур.

Дарду ҳасратдир мудом орифга чин хатти нажот,  
Майпарат риндлар дуоси май ила соғар эрур.

Гар асиirlар болиши хорлик, ҳақирлик тошидир,  
Қонли күйлаклар шаҳидлар остига бистар эрур.

Эр кишига битта манзиидир фанодин то бақо,  
Чун қуёш юргувчи йўл ҳам Бохтару Ховар эрур.

Ким хасисдир қўлдаги нақдига айлар эътимод,  
Кимки ухлоқ, уйқуда айш айласа, бовар эрур.

Даллайи пурхийла шўхдир, ҳар тарафга жилвагар,  
Ул қўғирчоқбозга чодир бошдаги чодар эрур.

Ул пари рухсорани деви қароқчи бил ҳамон,  
Гарчи бошида ёпинчиқ, чашмбанд, меъжар эрур.

Ўлтиур молин кўмиб ул золими нақшин қабо,  
Чун мунаққашдир тўни, ганж устида аждар эрур.

Эй шоҳ, тожингни қўй, Ҳакқа яқинлаб, тут мақом,  
“Айн”ни “Ақраб” бошидин ол, “қурб” сенга лобар эрур.

Ориф ўтгай тепкилаб сен зар деган озарни,  
Безар Иброҳимда тожу зарли ул Озар эрур.

Чекмагил тифи забонинг ҳар замонким, хуб эмас,  
Шамни кесгайлар, агарчи бошида афсар эрур.

Бегуноҳга айласанг тифи забонингдин зиён,  
Үйлаким, соғлом томирга урганинг наштар эрур.

Беадолат бўлса ҳоким, оқибат саргаштадир,  
“Давр” бўлгай беалиф, бошда агар “довар” эрур.

Хоксорлар ҳар не жаббордин баланддир, шер эмас  
Ул чумоликим, минор узра чиқиб, аскар эрур.

Золиму одил баробар бўлмагайлар юрт учун,  
Чўчқа ер ковлади, дехқон ер суриб, сарвар эрур.

Юртга эслай икки шоҳдин шум ҳаво, боди футур,  
Кетса “қай” ул икки “қайсар”дин “ҳисоб” “сарсар” эрур.

Чекса косиб ранжи касб, кафти қабарса, йўқ ажаб,  
Ул қадоқ эрмас, далили мақсуди гавҳар эрур.

Тўғриликдир тоат аҳлига сироту-л-мустақийм,  
Шоҳроҳ ҳар дам қаламга ул хати мистар эрур.

Бошда не ҳозирладинг, ўлганда элтарсен уни,  
Билганинг ёшлиқда кексайған маҳал аэбар эрур.

Эр аёлдан кам әмас гавҳарда, гар бечора ҳол,  
Дур тухумдан кам әмас қийматда, гар асфар эрур.

Ҳаддин ортиқ камбағалликнинг юкидир Кўхи Коф,  
“Коф” бўлса “фоқа”, елкангда юкинг залвар эрур.

Гар фалак текис әмасдир, аҳли ҳимматга не бок,  
Сайри анжумга не ғам, ер узра ўру жар эрур.

Рост гапдек баҳра топгайму киши ёлғондин,  
Лўттибоз полизи полизмас, қуруқ пайкал эрур.

Икки сичқон бир бўлиб, тухум ўғирлайдир, қаранг,  
Ул бири занбаркаш эрса, бул бири занбар эрур.

Кўз тикар аҳли амалдор бенаволар молига,  
Халқни шилмоққа баҳона озиқи лашкар эрур.

Содда бир сўздир, vale ширин мудом эрмиш ширин,  
Ҳам шакар эрмиш шакар, гар нуқтасиз суккар эрур.

Кўрсатур кўзларга ишқ тубанни ҳам аъло этиб,  
Шамъ куйик парвонага — сарви туви Кашмар эрур.

Эй басо нүқсонки, бордир зимнида бир хислати,  
Лўлининг чилдири маси маймун учун чанбар эрур.

Учма юксакларга андоқ, бок, бу кўхна дайр аро  
Ул Ийсо бошида анжум неча минг шабпар эрур.

Чархи мовийдин не ҳожат шу кўнгил дунёсига,  
Дема зийнат гулшани жаннатга нилуфар эрур.

Кимки зарга кўз тикар, наргисга монанддири кўзи,  
Найза санчилсин ўшандоқ кўзга, ул абҳар эрур.

Комил инсон кўзлари эрмиш Хизринг чашмаси,  
Кимки топгай биттасин, умри абадга ёр эрур.

Кимки дилни зарга бойлар, ул фақирлиқдин йирок,  
Ризқида эрса фақирлик, соддаву камтар эрур.

Ул фақирлик бўйлаким, топгай гадоликдин шараф,  
Шоҳ қасри кўшки Кайвондин баланд, бартар эрур.

Лавҳ ясатса аҳли шоҳ Мусҳаф қўярга, тишлари  
Рахналар эрмишки, дин деворида яксар эрур.

Шоҳ агар этса фақирлик муддао, кечсин тамом  
Кору боридин, улар моне, мухолифлар эрур.

Ҳақ сари элтувчи йўл кўп, лек фақирлик — энг яқин,  
Ўйлаким, “Ал-фақроу фахри” қавли Пайғамбар эрур.

Ким Расулнинг ортидин бу йўлга қўйгайдир қадам,  
Аршга парвоз айлагай, ул йўлда чун раҳбар эрур.

Ҳомийи шаръи набий Ҷомий шариат жомини  
Илкида тутмиш лабо-лаб, ул майи Қавсар эрур.

Бўйлаким илми буюқдир, чун Набийнинг вориси,  
Ул сабабдин неча пайғамбарга teng, ҳамбар эрур.

Бўйла гулшандирки равшан фикрининг бори, латиф,  
Қатраси барг узра офтобдир, маҳи анвар эрур.

Таъби ҳам бори чамандирким, анга етмиш шараф,  
Гул либосин тугмаси чун қуббайи ахзар эрур.

Чарх ҳам бир четга чиқмиш илмидин, жоми ҳубоб  
Қайданам дарёга қопқоқ бўлгуси, душвар эрур.

Хотири — маъни дурининг кони эрмиш, бўйлаким,  
Чарх юлдуз чўғлари бирлан тўла мажмар эрур.

Бокира маъно туғилгай килкидин беинтиҳо,  
Ким қаламга онадир, маънога ҳам модар эрур.

Бокира маънодин эрмиш ҳолати жонбахш, не тонг,  
Ул набирам дер Ийсони, гар қизи Марям эрур.

Илми фикри ёқди кўнглимни, фалакка тушди ўт,  
Пахтани ойинамас ёккан, қуёшдин нур эрур.

Бас, камоли тавсифин айтмоққа ожиздир ақл,  
Ул нетиб юлдуз санар, бир кўэлидир, аъвар эрур.

Динпаноҳо, дўзахий жаннатни этгайдир умид,  
Эшигинг тупроғи мискинларга чун анбар эрур.

Неча муддатким, мудом этгай факирлик орзу  
Бу кўнгилким, қўксим ичра бўйла ғампарвар эрур.

Подшо гар айлагай факру факирликни ҳавас,  
Чун гадодирким, хаёлида зару зевар эрур.

Орзудир жонбахш факирлик зулматида ўлмагим,  
Бу ўликларнинг тирилмак майлидин аксар эрур.

Боиси бахтсизлигим кўнглимда ортар дарду ғам,  
Неки бор эрмиш уругда, мевада такрор эрур.

Танда ул наълу алифдин бўлмагай дардим аён,  
Баски ўқ-ёйдин жароҳатлар аро пайкар эрур.

Бир назар согинки, қавмим ичра мустасно бўлай,  
Итки Нажмиддинга хуш, итларга ул сарвар эрур.

Шамъи ҳиммат чун ғаму ғурбат уйида мүмие,  
Нури ахтар кемага соҳил сари раҳбар эрур.

Бас, татаббуъ айладим чун, таънадин озодмен,  
Аҳли суннатдир Набийга кимса гар чокар эрур.

Илтифоти хотиринг боис ширин бу нукталар,  
Нури офтобдин қамишнинг ҳосили шаккар эрур.

Бўлди бир кам юз бу абётимга ул сону агад,  
Ҳар бирига баҳра — номи Қодири акбар эрур.

Арзигай ҳар байтини монанди Байтуллоҳ десам,  
Устида сидқу матонатди қаро чодар эрур.

То абад юлдуз тўла қўк бирла турсин ёнма-ён,  
Ҳуққаким, олдим, бисот унда дури аэҳар эрур.

“Тухфату-л-афкор” дея номини қўйдим, йўқ ажаб,  
Сенга баҳри фикратимдин тухфа шу гавҳар эрур.

Келди “Явми жомеъи шаҳри ражаб”дин таърихи,  
Не ажаб, бул ою қун итмомига маэҳар эрур.

Кимки толиб эрса, соянгдин ёғилсин нур анга,  
То қуёш тўртинчи кўкда соҳиби манзар эрур...

## IV. ҚУТУ-Л-ҚУЛУБ

(Күнгиллар озиғи)

Ҳаким Анварийга татаббүз

Жаҳонки торкӯчадир, шоҳроҳ унга фано,  
Иқомат истама бунда, ўтдилар шоҳу гадо.

Нечук иқомат этарсен, неча йўлтўсар қотил  
Тўсиб йўлингни, этгайлар дину дилинг яфмо.

Бу не карвонсаройдирким, оёғинг босмасдин,  
Томидин янграгай бонгу “Кўчинг!” деган favro.

Ажаб йўл эрурким, анга ибтидо эмас зоҳир,  
Фарив бир бодияким, мақсади эмас пайдо.

Ўтарлар макон тутмасдин бунда ҳар эру аёл,  
Ул замондинки, бу йўлдин ўтди Одаму Ҳавво.

Бас, ато-анонинг иши шу бўлди, ушбу тарийқ,  
Қолди фарзандларга мерос, энди гал сану манго.

Агар шу кўхна дайр аро минг йил умр кўрсанг,  
Ўшал бир лаҳзаким, андин ортиқ эмас асло.

Қачонким тўлса паймонаю туганса ул муддат,  
Ярим нафас олишга ҳам ижозат йўқ санго.

Бунда қолишлиқ умиди йўқ эрса инсонга,  
Турғил, ўтирмасаданоқ, кетишга қил ҳаво.

Ажаб, тангу төр күринур күзингга ушбу макон,  
Аслида кенгдир ул, гүй ломакони фазо.

Ажаброқ улки, бу ерда чекарсен минг алам,  
Ёғилгай бошингта яна фалақдин минг жафо.

Чархдин ёғилса бундоқ туну кун ранжу итоб,  
Тонгдин то шомгача кечар турмушинг захматаро.

Яхшироқ назар солким, бошинг уэра нилий жом,  
Сенинг қатлинг учундир ул, лиммо-лим захри фано.

Гар қуёш атрофига ҳам боқсанг, бўлур маълум,  
Қасдингта ёғилур нурдин неча минг тийри бало.

Чархда не ихтиёрким, айланиб, қилур гардиш,  
Уни айлантиргувчи ул қудрати дасти қазо.

Не ихтиёр унда әмишким, неча минг асрү замон  
Қудрат қўли этгай уни чун ост-уст, беинтиҳо.

Ўз ихтиёрича ололмас бир дам осуда нафас,  
Бўйлаким, мен каби ул саргаштаву бесарупо.

Қуёш қадар демасмен, йўқ, дегаймен зарра қадар  
Киши қўпайтолмас ҳолин, камайтолмас, илло.

Яхши, ёмон юлдузларким, жаҳонга асар этгай,  
Барчасига амр этгувчи ул Худованди якто.

Хар он жаҳондин кийна, фасод фалакка бош уриб,  
Ҳақбин күэларни тўсиб, кўр айлагай, амо.

Киши гар тупроқ, заминдин самога юксалгай,  
Унинг забунлиги ҳам самодин ергача то.

Қалби кони туфайлидин неча минг пора бўлиб,  
Тупроққа айланур то ҳам, агарчи фалакосо.

На ўрмон шерга ғаниму на сичқонга — кўча-кўй,  
Заиф чумолига эса шунчалар ранжу ано.

Кўргил пили фалакниким, ҳайкали қавийпайкар,  
Кирса хартумига пашша, жисмига дарду бало.

Иўлбарским, хезланиб гоҳо, ойга ҳам қилур ҳамла,  
Панжаву терисидин оқибат қолур айро.

Денгиз юзини ҳам кўргил, қайғудин чину ажин,  
Агарчи тўлқин урса, тогни ҳам йиқар ҳатто.

Наҳангким қаҳрамон эрур денгизлар мулкида,  
Кўргил, емишдири оқибат, майдада қуртларга изо.

Сен аждахога боқмагил, ул дурри ганжга боқ  
Ки, ҳар бирига жо бўлибдири ҳирси аждаҳо.

Анқодин сўз очма, чунки қаноат Кўхи Қоф  
Чўккиси, унга чиқолса киши, дегил анқо.

Назар сол баҳор булутию ашки, фарёдига,  
Каро либос кийиб, ўзига мотам тутар само.

Сарсари шамолга ҳам кўзинг сол, қанчалар  
Хоксорлик ила дашту ёбон кезар, саҳро.

Каркидонни зўндаргувчи бургутни ҳам кўргил,  
Сайёд тузорида саҳро тулкисидир гўё.

Кўргил яна ул туғралу лочиннинг ҳолини,  
Кўзларин бойлаб, ўлимга буюрмишдир қазо.

Агарчи оҳуи Чин нофасида мушк эрур,  
Мушк деб киндигин қўпармак хато эрур, хато.

Тустовуқ бўйнига зийнат рангин маржон дема,  
Лочин чангали солган ул чандиқ эрур, яро.

Каклик каҳ-каҳлаб сайдаркан, ҳамиша қон ютар,  
Қирмиэ минқорию қизил панжаси бунга гувоҳ

Соҳибфасоҳат хор эрса, ширин нутқи сабаб,  
Чунончи маҳбусдир ҳамиша ул тўтийи гўё.

Пок оразли майпарамастлар эрсалар гар ҳакир,  
Сабабки, асир этмиш уларни гули ҳумро.

Товус патларида ажаб нақшу нигор эмас,  
Жароҳатларким, чекмишдир анга тифи жафо.

Малоҳат бори ичра, кўринг, кул рангига  
Солибдири булбули бедилни оташи савдо.

Ажаброқ улки, гули дилрабою оташранг,  
Фаму андуҳдин қон ютиб, чок айламиш қабо.

Саргаштадир парвона ҳам, агарчи йўқ анга  
Куйишдин ўзга, ул ҳамон шўридаю шайдо.

Шамнинг ёниб, сўнишларига ташла бир назар,  
Ўз ҳолига гоҳ нола чекар, гоҳ эриб, адо.

Чумолидан арслонга етса ранж, не эмиш,  
Ўзи оёқ остидадир ул, мискину гадо.

Пашша ўрмон аро филга озор етказур,  
Бир тезак тутатсанг, шу он йўқолгай бедаво.

Агарчи жавҳари олийдуур олов, равшан,  
Куйдирмагай, деб титрагай танингда ҳар аъзо.

Ҳаво ҳаёти жон эрур ҳалқ учун, vale  
Бузилса андин ҳар тарафга тарқалур вабо.

Гарчи сувдин яралмишдир мавжудот ҳама,  
Сувга ғарқ бўлганлар ўлар, қутулмагай асло.

Дема, тупроқдадир мудом сукунату қарор,  
Шамол қўзратса, чарх уриб, учар сўйи ҳаво.

Махлукот жинсидин борким ҳар не шу оламда,  
Агар қавию заифдир, агарчи шоҳу гадо.

Мехнатсиз етмагай мақсадга, бундан мустасно  
Фақат ул қодир бечун, ул Ҳолиқи ашё.

Ҳар нарсаким яралмишdir азалдин то абад,  
Ожиэлиги бўлгай ўшал Яратганга гувоҳ.

Аён бўлдиким, бўйладир Парвардигор иши,  
Унинг истагани бўлур, бошқаси нораво.

Баски амр айлади: не мумкину не мумкинмас,  
Амрига бош эгиб, уни сен айлагил бажо.

Аввало адо эт шариат фарзу вожибин,  
Сўнгра нафлу суннатларин ҳам бўйла эт адо.

Муътақадот ўшалдирким, иймон номи бор,  
Тил билан айтилиб, сўнг әтилгай дилга жо.

Ҳақ бил сен аввалим бор ул Аллоҳи покни,  
Сабабки, ул бокий эрур, балки айни бақо.

Ҳамиша бор эди Ул, бору бор бўлгай,  
Ягонадирким, зотига муносибдир сано.

Нечук ва не қадар дейиш-ла сифоти тугамас,  
Ҳаёти, илму иродати — ул қудрату асмо.

**Х**ар неки истаса, айлар, **х**ар нечук амал андин,  
Я **малоик** Ул этар сенга, ёмоналикни фазо.

**Я**на малоикани билким, кўқда ўқишар тасбих  
Ки, **х**ар бири тилида такрор чоми поки **Худо**.

**Я**на китобларни билгил, уларда не эса мазкур,  
**Х**ама **Ҳақ** сўзиDirким, каломи Раббу Доно.

**Я**на пайғамбарларни бил, юбормиш **Ҳақ** ўзи,  
**Х**ар бири халқка йўлбошчи, йўлингда раҳнамо.

**М**уҳаммад арабийким, ул расуллар сарвари,  
Улардин гар кейин келмиш, лек зотида ульёё.

**Ў**лимдин сўнг тирилмак **ҳам** **ҳаққу** рост эрур,  
Бу ақидада маҳкам тур, ишонгил доимо.

**Я**на, хайру шар, яхши-ёмон қазою қадардандир,  
Тақдир амри билан келгай бари беистисно.

**У**л эътиқодларким, яъни иймон ортидин  
Беш устун борким, суяниб, ислом бўлур бино.

**Д**егилким, “Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ”,  
Муҳаммад зоти ила расолат эрур барпо.

**Б**еш вақт намоз — исломнинг беш дурри гавҳари,  
Гуноҳкордир эркак-аёл, гар этмаса бажо.

Йигирмадан ярим дирамни сен тасаддуқ қил,  
Закот бергайсен бўйлаким, ул ҳаққи фуқаро.

Яна, бир йилда бир ой рўза ҳам тутгайсен,  
Бир кун есанг, икки ой тутмагинг бўлур жазо.

Яна, сенга азимати ҳаж ҳам фарз эрур,  
Борар йўлинг бехатар бўлмаса, эрмас рано.

Шудир эътиқодлардин сўнг зарур ибодатлар  
Ки, уларнинг шартлари ҳам тайиндир ҳар асно.

Ҳар бирининг зоҳирида агарчи жисми бор,  
Ботинида руҳи борким, яширин, ул — тақво.

Ҳар нарсаким, буюрмамиш шариат уни,  
Машғул бўлганлар чекишар риёзат мутлақо..

“Ло илоҳа иллаллоҳ”ни эикр әтиб басе,  
Бу дарёда ғарқ бўлганлар кам әмас, расо.

Агар фалак чок-чокидин сўқилса не әмиш,  
Ғарқ бўлганлар хас-хашакка айламас ҳеч парво.

Кўр, нечук мушоҳадаким, агар жароҳатидин  
Ўқни олсалар-да, унга боқмас бир қиё.

Намозхонлар борким, тунда икки ракъат ўқиб,  
Тик тургунча Каломуллоҳ хатм этар, аё.

Закотни күр, қирқ дирамдин бир дирам ул, холос,  
Бўйла фарз адо этилурким, бу айни ризо.

Рўзани ҳам кўргил, қирқ кун бир ният ила  
Тутилиб, кўнгил тиламас ичкулик ё гизо.

Бу не тавофи Каъбадурким, офтоб янглиғ  
Хилват эшигидин боқса, кўринур Батҳо.

Ҳақ иёлидин юргувчилар шу сулуку тарийқ  
Юриб, хотирларида йўқ хавотириу риё.

Сен магар гувоҳлик берсанг Ҳудо ягона деб,  
Шунга ҳам тамаъ этарсен ҳақ, Ҳудой гувоҳ.

Таҳоратсиз бош қўйсанг-чи саждага ҳар маҳал,  
Бор дунёга жар солурсен муаззиндек нидо.

Гар Корундек давлатингдин кетса бир дирам,  
Айтиб адо қилолмайсан, уриб лофи сахо.

Гар ўттиз кунда бир кун рўза тутар бўлсанг,  
Этарсен неча фақирнинг суфрасин яфмо.

Гар ҳажга отлансанг, улким сафардин мурод,  
Ўну ўттизу қирқ фойда тиларсен, этиб савдо.

Ҳар не сўйладим, ул мусулмонлик шевасидир,  
Зулму фисқингдин сўз очсан, ёғар басе бало.

Пиёлаларни тўлдириб ичарсен май, эй номард,  
Ва андуҳ хотирингда дам-бадам майли зино.

Зино мұяссар бўлгач, бас, фусл ҳам айламай,  
Қиласен элга мардлик даъвосин, этиб аво.

Ажаброқ улки, хотининг ҳам сен каби эркак ила  
Андоқ муомала айларким, шу ўзи сенга жазо.

Ўзингда не тақвою хотинингда не ифрат,  
Аёндир сенга лекин, юрарсен тағофул аро.

Тўнғиз гўштидин сенга қуту қувват, у боисдин  
Ўзгалар аёлига тикарсен қўзинг беҳаё.

Гар юз Закариё бошига аппа тортсалар,  
Халосига дирам берсанг, сенга қайғудир, азо.

Андоқ лайму муртадсен, аммо тилингдин тушмас  
Даъвойинг — иффати Закариёю исмати Яхс

Дилинг ватандир ул шаётину дев хайли учун,  
Ватанмас, ҳожатхона, баттар унданам ҳатто.

Малоик ўтсалар гар ўшал юрг устидин  
Ки, яшарсен унда, бўйлаким тутиб маъво,

Сенинг шум ботинингдин бўлурлар барча ҳалок,  
Ногаҳон етишгандек ўшал қавмга вабо.

Шундоқ сифатларинг-ла боз ўзингга маҳбубсен,  
Ки жумла жаҳон халқидин гўё ўзинг аъло.

Ҳай, дўзах оловининг азоби сенга ҳайф,  
Сенинг азобинг олдида олов ҳам сўнар, илло.

Бузургвор Ҳудоё, бунда ҳар неки шарҳ этдим,  
Ўзим ҳам ўшандоқмен, менда ҳам нафси адо.

Бир нафас бўлса-да, сенинг ёдинг ила яшаш,  
Дунёдану дунёдаги бор нарсадин авло.

Шайтонга эгиб бошим, умрим айладим зое,  
Чекармен энди андин ҳасрату вовайло.

Менга шу ахволимда шаётин эргашди,  
Деву иблис келиб даги шерик бўлдилар, ҳамроҳ.

Ўзимга монандлардин минг фарсах қочай дерман,  
Аммо мендек бир бадбаҳт жаҳонда борми яно?

Деву шайтонга ҳам ҳатто таълим берар нафсим  
Ки, ҳеч бири teng келолмас, бўлолмас мунча юҳо.

Ёшлигим кечди жаҳонда бўйла қинғирлик ила,  
Нечук қариганда энди тўғри бўлгай, расо?

Минг бора ўзимни ўлдирсан ўрнидир, не суд,  
Бу чорасиз дардимга ул бўларомиди даво.

Гунохим бундан минг карра зиёда бўлса ҳам,  
Сенинг раҳматинг олдида — фалак ичра Сухо.

Раҳматинг денгизидин бир қатраси етар,  
Ювгай сиёҳномамни ул, кеттгай андин қаро.

Демасмен мени ундоқ қилгулу мундоқ қилгили,  
Ҳар не хоҳласанг, эттил, айлагил, мен ризо.

Лутф айлаб, Фонийни қутқар сенга бегонадин,  
Фано йўлинни кўрсат ангаким, айни бақо.

Ёдинг ила айла уни чун маҳву мустағрақ  
Ки, кўнгилда бўлсин фақат, фақат ёди Ҳудо.

Бу қасида аҳли сулук қалбига қут бўлди,  
Ул сабабдин “Қуту-л-қулуб” қўйилди ном анго.

Ҳар кимса ўқиб буни, амал қилса, шак йўқ,  
Баҳраву самар етгай қалбига, биҳиштосо.

Етса юракларга ўшал биҳиштосо неъматдин,  
Менинг шикаста қалбимга етгай умиду рижо.

Чунонки аҳли тараб нўш этсалар соф май,  
Қадаҳ лабидин бир қатра насиб этгай санго.

Ҳудо нозиму қорию роқимга бахш этсин  
Ҳама неъматниким, бергай дину дунё, уқбо.

## V. МИНХОЖУ-Н-НАЖОТ

(Нажот йўли)

Анварий ва Хоқонийга татаббуъ

На хушким, нури чехрангдин бу кўзлар бўлди нуроний,  
Ўзинг кўз мардуми бўлдинг жаҳонга, чашми инсоний.

Малоик бўлдилар хокингни келтирмоққа ҳаммолинг,  
Фалак ҳам бўлди тарҳи, таркиби мулкингни майдони.

Тилисми хилқатингта дasti қудрат этди меъморлик,  
Вале ул ганжи ҳикматни малакдин тутди пинҳоний.

Етишди сенга илмуллоҳ ва андин “алламу-л асмо”  
Ки, бўлдинг бўйла донишдин исмларнинг билимдони.

Гаҳи қирқ кунлигингда қирқ яшар чолларга панд айлаб,  
Аён этдинг уларга дарси асрор, илми Раббоний.

Малоик қушлариким, ҳар нафас Аллоҳни зикр айлар,  
Ҳама бош қўйдилар олдингда, зикр айтиб хушилҳоний.

Фақат бир қушки, ваҳший эрди ул, бош эгмади сенга  
Ки, тушди бўйнига чун тавқи лаънат, қаҳори Яздоний.

Хилофат тегди сенга олами мулку малак ичра,  
Мусаллам бўлдилар ҳар не гуруҳким, инсию жоний.

Ҳарифи саркашинг ҳайдалди, бўлди мулкидин ихрож,  
Сенга бўлди сарфарозлик ила сарварлик арzonий.

Келишди каррубийлар, турдилар соянгда бел борлаб,  
Сарфароз бўлдинг андинким, бошингда зилли субҳоний.

Майи кавсар тутарлар бор аро базмингда соқийлар,  
Ёришган юзлари чун лолазори боғи ризвоний.

Не бўлди, Ҳақ ўзи бермишди ку “Ло тақрабо” амрин,  
Қабул бўлди нечук ул нутқи душман, қавли шайтоний?

Не ҳожат эрдиким, ул икки маъсум жаннатий ногоҳ  
Бир афсун бирла бўлгай бўйлаким мардуди исёний?

Ўшал кун кўксини чок этди буғдой ғам, алам бирлан  
Ки, душман сўзига кирдинг, бўлолмай банда фармоний.

Чиқаздинг ул замон ҳуру парининг кокилин қўлдин,  
Қорайди рўзгоринг, ўйлаким зулфи паришоний.

Не расволики, жаннатдин қувилгай одами комил,  
Юрап ғам даштида овора, чун гули биёбоний.

Қаро юзлик ила қувғинди бўлмоқ турбату меҳнат,  
Не эроди бунга боис — бир нафаслик шавқи нафсоний.

Кейин йиллар бўйи айлаб тазарру, ерга юз суркаб,  
Жаҳонни қонга ғарқ этмак, тўкиб ул ашки ғалтоний.

Чекиб сен оҳу зор, қушлар, балиқлар бўлдилар дардманд,  
Ушатди ғам ила тошларни ҳам ул доғи ҳижроний.

Баҳарнавъ этганинг ул тавбалар бир бор қабул бўлди  
Ки, сендин неча йил эрди йироқ ул тахти сultonий.

Агарчи тожу тахти кишварингга етмадинг, лекин  
Жаҳон мулкига етдинг, соҳиби бўлдинг, жаҳонбони.

Ажабким, мўътабар хилқат ва шундай соҳиби иззат  
Бўлибдири бўйла шайтон макрининг овора, сарсони.

Неча арзу ниёз айлаб, этиб минг тавба, боз айлаб,  
Ки бундоқ бандалик бирлан ечолди ул муаммони...

Сен, эй ғофил, манам одам, унинг авлодиман дерсан,  
Гуноҳинг гарчи юз, мингдир, vale йўқ бир пушаймони.

Бу нарса бошданоқ зоҳир, Ҳудодин ўзга Ҳолиқ йўқ,  
Унинг амри ла бунёд бўлди олам, еру осмони.

Ҳудойинг айлади эзнда, сен эрсанг нафс учун банда  
Йўқолсин, бошига тупроқ бу янглиғ нафси зулмоний.

Мунаввардир жаҳон офтоби Ҳақдин, сен эсанг хуффош,  
Юрарсен ул қаро тун пардасин остида пинҳоний.

Забун этмиш сени ул нафси кофир, қўрқамен, бир кун  
Калима қайтаришга етмагай жонингни дармони.

Сенинг ул “ло илоҳа”нг, “лои Лот” бўлгай муқаррарким,  
“Илоҳ”га “ло”ни қўшмоқ бесамардир, йўқдир имкони.

Ажаб, ҳар зарраи саргаштада пинҳон эрур хуршид,  
Яна ҳар қатрада денгиз ниҳондир, оби ҳайвони.

Бу не ислом эмишким, сустлигин айтиб, қулар кофир,  
Уялмасми бу ахволдин бу дунёнинг мусулмони?

Тараашлаб бутни кофир, бандалик унга бажо этгай,  
Сен эрсанг, Тангрига қуллик қилолмай, гўлу нодоний.

Шаҳодат гар тилингда айтилур, лек топмагай тасдиқ,  
Дилинг ойинасини қопламиш ул занги нисёний.

Товусларким, вужуддир тоза, қудсий ошиён ичра,  
Сенингча рост эмас, бундоқ бўлишнинг йўқдир имкони.

Мисоли қушки, учгай чарх уриб осмонда ҳар лаҳза,  
Учарсен тусланиб, пасту баландлаб сен-да ҳар оний.

Фалак устига қўйсанг ҳарф олиб Қуръони Аллоҳдин,  
Ёпишгай ерга буткул, бўлмагай оламнинг осмони.

Таралса хуш садо оламга Мусҳаф сўзидин ҳар гал,  
Сомон чўпича ҳам наздингда йўқдир қиймати они.

Писандмас сенга миллат шоҳлари, мўъжизакор зотлар,  
Не эрмиш “Рабби ҳаб ли” ул дуосию Сулаймони.

Ва лекин ҳимматинг пастлиги боисдин, қулай топсанг,  
Чумоли оғзидин олмоққа ҳозирсан чирик донни.

Аё нокис, гўзаллар қомати сенга қиёматдир,  
Яна ул жаннату дўзах — уларнинг васлу хижрони.

Яралмиш шу жаҳон боғида андоқ кўрсану ғофил,  
Фалакни нилуфар дерсан, гиёҳ деб сарви тубони.

Келур бизга қазодин яхшилик, дейсан, ёмонлик ҳам,  
Ва лекин сен учун ҳечдири шариат амру фармони.

Тушибсен банду сиртмоқ ичра, ул йўғон томир янглиғ  
Ки, бўйнингдин уни олмоқ қийиндир, йўқдир осони.

Намоздир амр этилган сенга сидқу бандалик шарти,  
Адо эттилки, маълум ҳар нечук одобу аркони.

Эсингта тушмагай, гар тушса ҳам, андоқ этарсанким,  
Ёқар қўқда малоикнинг қанотин макру ёлғони.

Кириб масжидга гоҳ, андин чиқарсен ҳаммадин охир,  
Риёдир, бу ишингдин яхшироқ юз карра раҳбоний.

Қара, раҳбон ювингай, сўнгра бутга саждалар қилгай,  
Сен эрсанг шу ювиқсизлик-ла эттайсен намозхоний.

Закот бермоқчилик гоҳи тиқарсен қўлни чўнтакка,  
Вале оғзи тугикдир доимо ул чўнтак ҳамёни.

Агарчи давлатинг қирқ карра қирқ, сен бирни бермайсен,  
Муносибдир анга қирқ карра қирқ борича толони.

Буюрмиш сенга Ҳақ рўза, агар бир ой тутар бўлсанг,  
Тежалгай дейсан ул бир ойча уйнинг егулик нони.

Қуёш гардишини суфрангга қўйсанг гар этиб ифтор,  
Топилмас бир ушоги даврада нон синдириш они.

Тутарсен гарчи рўза, лек чекиб ранж, сажда этмассен,  
Таҳорат айласанг, сув ҳам бўлур бу шиква ҳайрони.

Бу ҳам бир фарзи ислом деб агарда ҳаж қиласанг,  
Сўярсен Маккада ҳар не мато, қимматми, арzonий.

Кўзинг етса агар фойда кўришга, йўлга тушгайсен,  
Нечук ҳаж бўлди бу, аслида исломийми, насроний?

Агар фойда келар бўлса, бўлолмас сенга ҳеч монеъ  
Неча хавфу хатар, пул камлиги ё заъфи жисмоний.

Сенинг иймону исломинг будур, эй мўмини муслим,  
Неча кофирлигинг ҳам балки парда ичра пинҳоний.

Дагаллик этмишу солмиш сени бу ҳолга давронинг,  
Боқиб кўкка, кўтарсан Каҳкашон ўрнида Суҳони.

Вале кўрсанг эди инсоф ила ул не эмиш нафсинг,  
Унинг олдида ҳеч бўлгай эди ул жаври осмоний.

Мовут тўнлар кийиб, мушкин физоллар овламоқ дардинг,  
Писанд эрмас сенга ҳаттоки Фаззолиу Каттоний.

Иложинг етса, Корундек жаҳон ганжини жам айлиб,  
Кўмардинг, бир йўла вайрон этардинг жумла дунёни.

Агарчи неча минглаб бут ўшал ҳирқангда пинҳондир,  
Тутарсен ўзни гўё ул каромат ичра Харқоний.

Экарсен шу кўнгил тупроғига тухми амал ёлғиз,  
Не бўлгай энди, билмам, бу экиннинг хосили, дони.

Уярсен жон экинзорингда чун ҳирсу ҳаво ҳар дам  
Ки, ёнсин ўт тушиб ундоқ экиннинг дони, хирмони.

Агар қаҳоу разабдин тушса ўт хирмонга, кор этмас,  
Ўчирмоққа кифоя айламас кўз ёши тӯфони.

Фаришта, фи-л-масалким, бўлса инсон шаклида ҳозир,  
Уни меҳмон қиласай дер сендаги ул феъли шайтоний.

Майирайхон тутарсен тўлдириб, маст айламоқ истаб,  
Қўшиб беҳуш этувчи дорини, деб жомирайхоний.

Омон қолмас фалак ҳам девсифат бу феъли хўйингдин,  
Худодин қўрқмагайсен, ёд этиб гоҳ қаҳори Раҳмоний.

Кетингни артиниб гоҳо, тошинг гар олса рангин тус,  
Менинг қорнимдадир, дейсан, ҳама лаъли Бадахшоний.

Бировга ҳимматингдин томчи сийдикни раво кўрсанг,  
Дегайсен: жумла оламга сочарман дурру уммоний.

Бу нафсинг олдида ногоҳ Фиръавн бўлса гар пайдо,  
Фиръавн эрмас ул, бўлгай сенинг амрингда Ҳомоний.

Не эрмиш сенга Фиръавн, не эрмиш сенга ул Ҳомон,  
Этарсен юзтасин уйингта пойлоқчи, эшикбоний.

Фиръавн қўйидин келса Мусо, ундан-да қўрқмассен,  
Асо эрмас сенинг наэдингда, тутмиш чўби чавгоний.

Яди байзо дегайсен ул асони, тушса тупроққа,  
Муқаррар сояси дафъ айлагай деб сехри Суъбони.

Фалак гўё келиндири сенга, инжу тишлари юлдуз,  
Қўарсен уйғониб кампир, синиқдир барча дандони.

Киярсен ул қизил, сориқ тўнингни ёш келинчакдек  
Ки, андин яхшироқдир юрганинг юз бора урёний.

Агар пасту баланд буткул жаҳон сенга бисот эрса,  
Кулардинг баски мағрурлик ила чун субҳи ландоний.

Фалак қўймас, vale ургай сени, ҳар субҳи шом ургай,  
Бошингта мушт туширгай ул, кетингта тепки ҳар оний.

Тақибсен лаълу гавҳар, бесамар ул, бир куни гардун  
Қулогинг ерга ишқайдир, қолурсен лолу ҳайрони.

Тилингта келмагай Ҳақнинг каломи айшу ишратда,  
Яна юз йил эсанг ул айшу ишратнинг сухандони.

Кўрингай кўзларингта бир пари рухсорадек Мусҳаф,  
Яноғи холидек гўё ўшал оёти Қуръоний.

Азиз олдида ногоҳ бир дирам ҳаккинг қолар бўлса,  
Этарсен барчани Юсуф каби сен банди зиндоний.

Кечирмассен ва озод айламассен ул ғарибларни,  
Агар юз йил шафоат этсалар-да пири Кањоний.

Бирорнинг ганжи гар ёнингда бўлса, қолса ул муҳтож,  
Унинг илкига оташ тутқизарсен, айлаб эҳсоний.

Бирор мақтаб сени қўкка қўтарса, эҳтиром этса,  
Қўлин чўзганда айларсен ҳамоно хору яксоний.

Бўлиб сен оташу юз йил мажусий берса равшанлик,  
Ёкиб, кул айлагайсен, қолмагай ҳеч жисмию жони.

Ўзингга оқибат охир тикарсан бир либос андоқ,  
Этоги маълум эрмас, маълум эрмасдир гирибони.

Ипак қуртдек сени ул тор қафасдин тортиб олгайлар,  
Сенга гўру кафан бўлгай ўшал, жисминг нигоҳбони.

Тўкирсен пардалар жон риштасидин, гар ўлар бўлсанг,  
Сени бепарда айлар макр ила ул чархи давроний.

Гаҳи май иссангу ҳар гал гўзаллар бирла айш этсанг,  
Келар бир шавқи нафсоний, кетар ул файзи руҳоний.

Ажаб эрмаски, руҳинг мурдаву сен нафс учун зинда,  
Қувибдир файзи руҳонийни сендин нафси ҳайвоний.

Ҳамиша нафс эрур эрларга ит, сен унга қулдирсен,  
Магарким нафси коғир ит эса, мардлик — мусулмони.

Аё, мардлар қошида урма дам зинҳор мардликдин,  
Бўлурсен ит каби шармандаю ҳайрону сарсони.

Тамошо айлаким, гоҳида отингни минар бўлсанг,  
Ўзингни шеримард дерсан, шу дунёning арслони.

Минарсен отни, лекин билмагайсен, минганинг тулпор  
Юролмас йўл топиб ҳам суст эмишдир жаҳду жавлони.

Ичиб май, булғаниб, этдинг яқо чок ўэни андоқким,  
Яқо чок эттанинг ҳам булғанишнинг айни бурҳони.

Либосинг май губори, лойига булғанмади ёлғиз,  
Ичинг ҳам бир балога мубтало бўлдики, бил они.

Шу ҳолда ҳар тарафга судралиб юрмоқлигинг токай,  
Қачон келгай сенга бу беҳаёликнинг пушаймони?

Бу гумроҳлик сенга беҳуда эрмас, ота меросдир,  
Ҳама ғавғойи нафсоний, ҳама васвоси шайтоний.

Агарчи ота мерос ул гуноҳинг, пок бўлгайсен,  
“Заламно раббано” деб илтижо эт зору гирёний.

Ажаб эрмаски, ювгай неча юзлаб ул гунохингни  
Агарким баҳра раҳмат узра юрса мавжи гуфроний.

Худовандо, манам нафсим-ла бўйла бандай золим,  
Магар юз бор ёмонроқ мендаги ул нафси зулмоний.

Яна юз дўзахинг бунёд этиб, минг бор азоб берсанг,  
Муносибмен, vale бахш айламоқ ҳам сенга осоний.

Не айтдим, айтамен юз карра ортиқ ҳам, vale уч иш  
Ёмонлик бирла ҳаргиз келмади, эй Рухи раҳмоний.

Мен айтай, токи билсин ҳалқи олам, гарчи олдингда  
Уни айтишга ҳожат йўқ, биларсен, йўқки пинҳоний.

Бири улдирки, гарчи келди юз исён феълимдин,  
Сира фаҳр этмадим, куйдирди бағримни пушаймони.

Хато гар келса нафсимдин, анга жўр бўлдилар ҳар он  
Дилимнинг оташин охи, кўэимнинг ашки ғалтони.

Бири улдирки, миллат шоҳи онҳазрат Набиүллоҳ,  
Гул нори Бироҳмию фаҳри оли Адноний,

Расули абязу асвад, имоми Ясрибу Батҳо,  
Умиди фосиқу фожир, шафеъи сориқу зоний —

Буюрган шаръида гарчи эрурмен ноқису қосир,  
Ҳамиша комил эрдим лек, этиб тавфиқи Язданний.

Яна улдирки, Маҳдум хизматида баски нуқсоним  
Ки, осмону заминга сифмагай ул, бўйладир сони.

Ва лекин гавҳари сидки дуюйим шах учун ҳар дам  
Сочибмен, ёмгирин мунча сочолмас абри найсоний.

Не шах ул шахки, юксак мадхини айтсам, адо бўлмас,  
Қуёшdir шаъну шавкатда, анигдек нури рахшони.

Гаҳи султон Умаршайх ганжининг соҳиб сафоси ул,  
Гаҳи соҳибқиронди, ахтари авжи Темурхоний.

Абулғозий, шаҳи олийгуҳар, султон Ҳусайнийдир  
Ки, эрмиш хони бин хон то ҳарими Ёфас ўғлоний.

Етар Ёфасгача ҳоқонлиги иззат ва шон ичра,  
Борар Одамгача овозаси чун хонию Қооний.

Не хущдирким, мақоми олдида пастдир фалак қадри,  
Не баҳтким, шону шавкат узра дунёнинг жаҳонбони.

Ва юлдуздан-да ортиқдир муборак ҳукмида қавми,  
Ва гардундан-да юксакдир камоли, ҳадди имкони.

Ақлни лол этар ҳар гал таважҷух айласа, дикқат,  
Малакни маст этар гар сўзласа ул, нутқи бийрони.

Сенинг қадрингни ўлчашга тарозу эрса гар гардун,  
Тарик пўсти бўлур ҳар палласиким, бўйла мезони.

Сенинг пок талъатинг олдида равшан тортадир барча,  
Гуноҳдин ой қорайгай ҳам фалакнинг меҳри тобони.

Муаззам чодирингга зарварак ахтарсалар, шамса,  
Қуёшнинг қолмагай дунёда андоқ қадри даврони.

Магар ҳар айланишда чархи аъзам нуктаси бордир,  
Буюк қасринг уза кўк айланур, юз шуълаафшони.

Улуг баэминг аро суфрангни тўлдирган анор эрмас,  
Қазо солмиш фалакнинг қўйнига ул лаъли руммоний.

Агар меҳр оташингдан ул фалакка бир тутун етса,  
Ёнар шу дамда Баҳроғи, куяр шу онда Кайвони.

Гўзаллар мисли юлдуздек сенинг тегрангда ҳозирдир,  
Агарда меҳри ройинг истаса базми шабистоний.

Магар амр айласанг, шоҳларга қуллуқ айламак вожиб,  
Бу янглиғким, қазо бирлан қадарнинг амру фармони.

Йўқотса наълини дунё кезиб учгувчи тулпоринг,  
Йўқолмас, кўхна дунёнинг бўлур тоқиу айвони.

Шаҳо, мадҳингни айтмакка соқовмен, сифмагай ҳаддим,  
Нечук бўлгай Расууллоҳга мақтов наъти Ҳассоний?

Ҳавас қилдим, vale табъимни бир бор имтиҳон этсам,  
Ки айтсам неча бор байтим, тутиб ул таври Ҳоқоний.

Билолмасдим, нечук этгаймену мақсадга етгаймен,  
Етишди Ҳақдин файз, келди сўз, сўз бирла эҳсони.

Ва Одам ибтидосидин не кечди токи шул соат,  
Баёнлаб бир қасида ичра, бўлдим чун сухандони.

Унинг ҳар байтига жо айладим мен бир китоб ҳикмат,  
Унинг ҳар сатрини ҳам айладим юз марварид кони.

Ва инсоф бирла ўз ҳолимни ҳам бунда баён этдим,  
Ки ҳар ким баҳра олсин, не демишман — амри вижданой.

Бу гулбонг бирла уйротдим чунон мен аҳли оламни,  
Ётарлар энди уйғоқ то қиёмат соғиниб они.

Нажот йўлини кўрсатсин дебон дашти қабоҳатда,  
Чу “Минҳожу-н-нажот” ном қўйдим, эрди лутфи субҳоний.

Сухан ҳар чандки жонпарвар эрур, хомушлигинг яхши,  
Тут энди яхшилик йўлини сен сокит бўлиб, Фоний.

Агарчи сўз баёни келтиур наф, лек малолатдир,  
Чўзилса, кетса мақсаддин йироқлаб ҳадди, поёни.

Узайсин шоҳ ҳаёти неча даврон, ул фалак ичра  
Аторуд чарх уриб юз карра, бўлсин лолу ҳайрони...

## VI. НАСИМУ-Л-ХУЛД

(Жаннат шабадаси)

Хоқонийга татаббүз

Муаллим бўлди ишқу ақли пиҳ — шогирди нодони,  
Фалак — одобу ахлоқ ўргатувчи чархи гардони.

Муаллим маъни ўргатувчи ул мактабни ҳам кўргил,  
Аносир — тўртта девори, фалак — том бирла айвони.

Ковушмас сўзга шогирднинг тили, устоз бўлур дикқат,  
Сабақ ўрганмоги мушкулдир андоқ, йўқки осони.

Ажаброқ улки, сўнгти соати етганда хотирдин  
Ювилгай ҳар неким билмишди, ювгай ашки нисёни.

Нечук шогирдки ул, нодон атарлар дарду шавқ аҳли,  
Билармен, деб даъво этгувчи андоқ пири донони.

Бу сон устоду шогирддин натижа не бўлур ҳосил,  
Бири нур, бошқаси зулмат, келишмас бунда ҳеч они.

У таълимки, муаллим сенга бергай, англасанг, етсанг,  
Сурар жаҳлингни ю комил этар жонингни ирфони.

Сенга йўл кўрсатур гулшангаким, софу сафодир ул,  
Дарахти сарву тубо, оби кавсар лаъли ризвони.

Дема тубоки, бўй чўэмиш чаманда сарвлар яксар,  
Алифдирлар, муэзайяндир алардин боғи иймони.

Бу зебу бу тароватдин каломи поки Ҳақ ичра  
Бўлибдири “Жаннату тажри...” анинг тавсифи, достони.

Хизр оби зилоли ҳавзидин бир коса сув эрмиш,  
Қуёш ҳам кўкда бир гул, парвариш этган гулистони.

Эсар Ийсо нафасдек хуш ҳаволар бу чаман ичра,  
Жаранглар савти Довудий каби қушлар хушилҳони.

Бу анҳор майда-майда тошлари гавҳарданам қиммат,  
Хижилдир дурри уммонию ул лаъли Бадаҳшони.

Бу бор фаррошидир мўъжиэ нафасли Ийсийи Марям,  
Асо ушлаб, эшик посбонидир Мусоий Имрони.

Бу гулшан ўэга эрмас, айни бори маърифат, эй дил,  
Уни комил учун орастга этмиш сунъи Яздони.

Не комилдирки ул, мундоқ муаллимдин олур таълим,  
Шарафдир жисми вайрони, азиздир ганжи шинҳони.

Ўшал вайронадин бойқуш учарким, ул ҳумоюнфар,  
Муборак соясида бошқарур давлатни султони.

Ўшал ганжи Каёнийда ушоқ гавҳар-да қимматдир,  
Йўқолса, Жаму Кай мулки бўлолмас музди, товони.

Хушо, жамъияти ботин, ўшалким солики фоний,  
Бу ганжни асрабон, ўэни этар зоҳир парищони.

Хушо, ул солики комилки, дил мулкин қилур обод,  
Үшал ганж деб бадан шаҳрини айлар мулки вайрони.

Оёғига тикан санчилса зоҳирда, олур маънан  
Уни киприк учি бирлан биҳиштнинг ҳури жонони.

Ҳамиша ботиний зикр ичрадир, лек тўни юз пора  
Ки, ул жаннат гулидир, байти уэра байти Қуръоний.

Маломат ичрадир бошдин-оёқ, лек қўнглида Аллоҳ  
“Маломат”да “алиф”дир, ўйлаким шамъи шабистони.

Ўзига ахтариб йўл, сочиур кўксига қўз ёши,  
Тўкар ул файзи раҳмат дурини чун абри найсони.

Висол дарёсига ботинда ғарқдир гарчи, зоҳирда  
Тинимсиз кема ҳайдар, остида ул баҳор уммони.

Етар Мағрибга суфий, ўйлаким, бир зумда Машриқдин,  
Қуёшдек айланиб, бир кунда ўтмас еру осмонни.

Уларда ҳиммати олий ва йўқдир ҳаззи нафсоний,  
Фалак бунга гувоҳдир ҳам гувоҳдир кўкда Кайвони.

Гаҳи важду самода эски хирқа эгнидин тушса,  
Фалак доман этар ҳам ёқаси — гардун гирибони.

Тошаркан завқу шавқи чархи аъзам нуқтадек бўлгай,  
Баробар айланур зикр ичра чарху чарх даврони.

Ёзилса суфраи ваҳдат, шу онда унга ҳар ёқдин  
Малоик ёприлур шавқин-сурон-ла, мунча меҳмони.

Масиҳо субҳи фитрат ичра андин пок нафас топмиш,  
Хизэрни сийламиш зулмат тунида оби ҳайвони.

Не бок унга, магар баҳри ҳаводис кўкка бош урса,  
Писандми аҳли Ароғга гар қутурса Нуҳ тӯфони?

Сен, эй дил, бўйла комил феълу авторин тилар бўлсанг  
Ки, бордир ул Аласт айёмидин Ҳақ бирла паймони,

Насибинг йўқ эса, Ҳақдин мұяссар бўлмаса матлаб,  
Умидинг узма, еттай сенга бир кун лутфу әҳсони.

Ёмонлар этсалар чун яхшиларнинг йўлига рағбат,  
Бу ҳам бир белгидир, етмиш анга тавфиқи субҳоний.

Агар йўл марди эрсанг, кеч ҳамон нопок нафсингдин,  
Ҳалоллик йўлинни туттилки, поклар тутдилар они.

Вале аввал чўмил кўзёшларингта оҳ чекиб, афсус,  
На хушким, Ҳаққа хушдир банданинг афсус, пушаймони.

Кейин, топсанг иложин, муршиди комилга эргашгили,  
Сабабки, йўл йироқ, ҳавфли, мусофирикүш биёбони.

Ажаб водийки, кони ранжу оғатдир, қадам қўйсанг,  
Оёғингта тиканлар санчилур, хори муғайлони.

Фалак юлдузларин ҳам овламишдир бунда ўргимчак,  
Тўлибдир тўр тузогу, тори бирлан бўйла ҳар ёни.

Баҳорида равондир ҳар тарафдин сел, серобдир,  
Самум еллар эсарлар, рангба-ранг гулғунча хандони.

Фазосида қадамда юзланур қаршиングда юз офат  
Ки, ҳатто аждаҳо ҳам қалтирас, кўркувдадир жони.

Яна кўхи балоким неча юз, қонлар тўкармен деб  
Туарлар, бошинг узра шай ҳамиша сангборони.

Ва минглаб баҳри офат ичра арқадир бунда юз гардун,  
Хирад фаввосига на соҳили пайдо, на поёни.

Наҳанги ҳар куни икки ютум озуқланур, лекин  
Ҳамиша оч-ютоқдир ямламоққа меъда-ўпқони.

Яна мингларча ўрмони, битилмиш баргига хатлар  
Ки, эрмиш барчаси маҳрумлигу маъюслик эълони.

Вале ўрмонларига ўт тушиб, ҳўлу қуруқ ёнгай,  
Аланга ичра ёлиз ер эмас, ҳаттоки осмони.

Баланду пасти андоқким, чиқиб осмонга ер қаъри,  
Чунонам юксалибдир ул, Сурайё эрди поёни.

Бу йўлга тушса йўлчи, йўлида хавфу хатар мунча,  
Йўқ эрса унга бир раҳбар, юришнинг қайда имкони?

Чунон раҳбар керакким, бўлсин ул чин муршиди комил,  
У боисдин кетар мушкул, келур бу ишнинг осони.

Қабул эт аввалам бор, не буюrsa пири муршидинг,  
Адо этмоққа сўнг жаҳд айлагил жон бирла сен они.

Биринчи фарзинг улдирким, жиловлаб нафси кофирини,  
Кўнгилни айламаклик ул ҳазрати Ҳақнинг мусулмони.

Мулойим тортмагай то солмасанг ранжу риёзатлар,  
Писанд эрмас анга солик кўнгилнинг амру фармони.

Туширгай ҳинду филнинг бошига ҳар лаҳза бир чангак,  
Чумолидек уни хор айлагай, тупроқ-ла яксони.

Ёғоч бирлан ўраб, то солмагунча бўйнига занжир,  
Итоат айлагайму кимсага ул шери даррони?

Бу нафс шеру айиқмас, тулки эрмиш ул айиқмонанд,  
Жаҳон арслонларин мот айламишдир макру дастони.

Машаққат йўл уза сенга бу янглиғ ёру йўлдошинг  
Ки, шогирд ҳам тушолмас унга дунё деву шайтони.

Бу водийда ғаним бирлан не ҳожат сенга ҳамроҳлик,  
Ки, тобедир анга ҳар лаҳза юз гули биёбони.

Нечук роҳат бўлур йўл, кўйлагинг ичра илон эрса,  
Сенинг қатлинг учун ҳар дам қадалган эрса дандони.

Илон эрмас, ёвуз бир қурт эрур, мақсадга монеъ ул,  
Қани мақсадга йўл то ўлмагунча шоҳи Кирмоний?

У одам душманидирким, малоик саждалар этган  
Башарни этди сарсон, қолди унда боғи ризвони.

Атони мағлуб этди, ўтди бу фарзандга ҳам мерос,  
Етар танларга тошу найзаси, жонларга сўзони:

Кишиким, келса бу янглиғ ғанимнинг устидин олиб,  
Уни Рустам дема, билгин жаҳоннинг марди майдони.

Агар сен пиру муршид амрига доим амал қилсанг,  
Забун бўлгай-да, қолмас ихтилоф этмоққа имкони.

Магар бўйсунди ул дейлик, машакқат битмагай буткул,  
Муаммо, мушкулинг олдинда кутгай, кам эмас сони.

Сенга пириңг дегайким, бас, кутулдинг макридин, лекин  
Тиларсен жонга осойиш, уни зор айла, ранжоний.

Ўзингни пок тут, озода, борлиқ мамлакатидирсен,  
Тиларсен гар етишсин сенга оғат, сели вайроний.

Фанову бори равшанликни тунларда намоздин кут  
Ки, шамъ ҳам порлагай зулматда гўё меҳрои рахшоний.

Кўнгилга лаҳза-лаҳза мавжи тўфонлар хатар согай,  
Аё, гарик этмасин қемангни тўлкин бирла туғёни.

Бу янглиф мавжи түфөндөн тополгай бир халос улким,  
Сулаймондек агар елларга вожиб эрса фармони.

Күнгилда “Ло илоҳ”ни бойла “Иллаллоҳ” ила ҳар дам,  
Адо эт нафю исбот, чун буюрмиш пири ҳаққоний.

Мурод ул “ло илоҳ”дин, “мосиваллоҳ”дир күнгил ичра,  
Нофий зикрини айтмоқдин мурод ул Биру ваҳдоний.

Чу “иллаллоҳ” дегайсен, ул ҳақиқий маъбудинг мақсад,  
Дегайсен “Қул ҳуваллоҳу аҳад”, ул шоҳиди шони.

Бу оятни олиб хотирга, чун зикр айласин одам  
Ки, андин ўзга асло бўлмасин даъвою бурҳони.

Алифларни тикиб кўнгилга, этгил бори мустаҳкам,  
Ақл қолсин этолмай радду исбот, лолу ҳайрони.

Дилинг ботин йўли-ла бўлса Ҳакка восили мутлақ,  
Шариатга риоят айла сен эзоҳирда ҳар они.

Салоти хамсаким, беш вақт намоз исломга қувватдир,  
Бажо айла, мукаррамдир сенга одобу аркони.

Йигирма тангадин бир тангасин ажрат закот айлаб,  
Яна шукронасиға берки, бўлгай қарзи мардоний.

Сенга ҳар неки номашшуъ эрур, рўзанг анга монеъ,  
Кўнгилда рўза бўлса, бўлгусидир ёди Раҳмоний.

Агар ҳаж истасанг, шарти эрур үйлінгда хавфсизлик,  
Боролмассен, хатарли бўлса гар дашту биёбони.

Вале үйлчи юраркан, бош-оёғи яп-яланг юргай,  
Ўзи үйлда, оёғи остида ул чархи гардони.

Бораркан ул чумолидек оёқ остида озурда,  
Вале бир аждаҳодирким, кўнгилда рашки жонони.

Ориқ жисмига ёпган биргина жун жандасидир, ул  
Эговдирким, эговлар ҳаддин ошса нафси шайтони.

Риёзат тошидин суфий танида неча минг доғлар,  
Улар бир ёндаю бир ён кўнгилда доғи ҳижрони.

Гуноҳи тортилиб Маҳшар куни, гар Кўҳи Коф эрса,  
Учиргай бир надомат оҳидин афсус, пушаймони.

Магар юз карра тоат этсангу унга риё юқса,  
Дема ул баҳри тоатдир, дегилким баҳри исёний.

Қаро тортмиш дирамлар нақшидин кўнглинг, қоронғудир,  
Агарчи зоҳиринг минглаб дирамнинг ҳўппа ҳамёни.

Агар юз жон гаров айлаб, факирлик илкидин тутсанг,  
Худойинг марҳамат этмиш сенга, бу лутфи арzonий.

Ғаниминг қасди жон этса, уни урмоққа сен қодир —  
Эсанг-да, урмагил зинҳор, Худодин бил бу савдони.

Магар очу наҳор юрсанг-да, бир нокасга қўл чўзма,  
Агар ой кулчасидек бўлса ҳам кул остида нони.

Сўрарсен, бори Ҳақдин сўр, сўрмагил ҳаттоқи Ҳақдин ҳам,  
Келур, ҳар бандага бошдин тайиндир ризқи мезони.

Бало келса Ҳудодин сен уни жонингга неъмат бил,  
Агар шукр этмасанг ул неъматига, кони куфроний.

Риёзат чохини қазсанг, етар қўнглингта равшанлик,  
Чу етгандек Миср тахтига ул Юсуфи Кањоний.

Гар этса ҳийлагар шайх ҳийласин тарк, бу яна нуқсон,  
У бозордин нечук нафдирки, ёпиқ бўлса дўкони.

Ниҳон этсанг агар Ҳақ сиррини дилда, ажаб эрмас,  
Ниҳон этгай магар бут сиррини қўнглида раҳбоний.

Мажозий маҳбубинг бўлса, уни қўнгила сир тутсанг,  
Ҳақиқий маҳбубинг сорига бошлар сирри пинхоний.

Сен изла дўст ризосин, ҳар не келса, рози бўл андин  
Ки, тақдири азалнинг амридир ҳар суду нуқсони.

Эшитма, гар насиҳат айласа ул воизи ғофил  
Ки, ғафлат уйқудин афсонадир ул барча айтгони.

Бу водийда каромат мунчадирким, маҳлиё бўлма,  
Агар кездирса ҳам буткул жаҳонни шайх Ҳароқоний.

Тутарлар шу тарийқ дарвеши комил борки, сен күргил,  
Не зебо, тутсалар бу йўлни даврон шоҳу султони.

Муносибдир бу янглиғ рутбага шоҳлар аро бир шоҳ  
Ки, шоҳликдин унинг устун эзур дарвешлик ирфони.

Шахи дарвешвашу султони фақройинки, Аллоҳдин  
Эмишдир бўйлаким дарвешлигу шоҳлик аро ўлони.

Абулғозий, сипехри салтанат, Султон Ҳусайнин ул  
Ки, то Одамгача султон ибн султон — унвони.

Дема султон, анга хизмат қилурлар жумла султонлар,  
Дегилким хони ибни хон, демакки, хонлар хони.

Гаҳи юртни сўрашда навқари — Дорову Доробдир,  
Гаҳи эл бошқаришда чокари — Сосону Сомоний.

Анга мулку фарофат боғидир шу гулшани дунё,  
Базмгоҳ икки манзилдир анга — Эрону Турони.

Анга давлатпаноҳликда писандмас ойини Жамшид,  
Саховат пеша қилса, етмагай мулки Сулаймони.

Мақоми мунча олийким, эшикбон қўлидин бир чўп  
Тушарса, юз қарн ўтгач, етишгай саҳни Кайвони.

Хитоби ончунон шиддатликим, тоққа етар бўлса,  
Солар тошларга титроқ, то бўлур йўқлик биёбони.

Яна бир камтарин човуш анга Қударә бин Кашвод,  
Ҳисобсиз лашкарининг чокари Соми Наримоний.

Унинг бўстони хулқи мурдаларни айлагай зинда,  
Насими руҳбахш эҳсон этар насрину раҳони.

Ҳавоий ҳиммати андоқки, гул фасли баҳордек ул,  
Садафни тўлдирап дурларга юз бор абри найсони.

Фалак янглиғ ёзиб суфра, тизиб минглаб табақларни,  
Ҳалойиққа берур ош, бўйла кечгай баёми шулони.

Ва юзлаб Ҳотаму Бармакка юз йил ризқи рӯз бўлгай  
Ўшал байрам куни тупроққа тушган бир ушоқ нони.

Олур юзларга нур остонасин шоҳлар тавоф айлаб,  
Дучор эттагай ярога неча бир Қайсарни гаврони.

Булатдин ёғса ёмғир, қатралар тешгай ҳаволарни,  
Шу янглиғ чок этар тошларни отган ўқи, пайкони.

Киаркан жангта ул, шамшири жаллоддир, қизил тўнлик,  
Фаним қони ила олуда бўлгай жисми урёни.

Булат чақмоғидин чилпора бўлгай қоя тошлар ҳам  
Ки, андоқ тош кўнгилларни ушаттай чашми гирёни.

Шаҳо, мадхингни наэм этдим, ўқиркан ҳар киши бешак,  
Боқиб бир илтифот этмас, не эрмиш шеъри Ҳоқоний...

Кейин ул сохири ҳиндий-да берди наэмига оро  
Ки, “Мироту-с-сафо” деб қўйди ном табъи сухандони.

Яна ул орифи Жом ҳам “Жилоу-р-руҳ” рақам айлаб,  
Яратди бир қасида, наъти оли Фахру-л-Адноний.

“Насиму-л-хулд” қўйдим номини шоҳ мадхини айтиб  
Ки, ҳар бир байтидин эсгай насими хулду ризвоний.

Шу икки пиру устоз руҳидин меҳро мадад сўрдим,  
Етишди дилга файз Ҳақ йўлида, файзи фаровоний.

Бу маъни ичра Жомийга даъвойим йўқ дурур, зотан,  
Менинг устозим ул ҳам ул қасида — зеби девони.

Яна Ҳусравга ҳам йўқ ҳожати даъвоки, ҳар кимса  
Ўқиб, ҳар иккисидин жо этар қўнгилга маънони.

Агар гавҳарфурушлар элтсалар ул сўйи Ҳиндистон,  
Ва ё дарё кечиб, гар юрсалар то мулки Ширвоний,

Олурмен руҳи Ҳусравдин дуою неча юз таҳсин,  
Ҳоқонийга vale етгай малолат, сўйламам они.

Ҳамиша шу намоён дашти дилкаш, шу жаҳон ичра  
Раият — бир сурувдир, шоҳи одил — танти чўпони.

Кўпайсин ул раият, неча юз мингдин зиёд бўлсин,  
Уларга хизмат этсин неча минглаб хону қоони.

## ФУСУЛИ АРБАЪА

(Тўрт фасл)

### Баҳор

Эсиб кўклам ели, гул ёпинур борлиқ гулистони  
Ки, ул Ийсо нафасдин жумла оламнинг киур жони.

Этиб гул жилва, булбул айлагай афон, ул боис  
Топар бағту наво маҳзун кўнгиллар байту-л-аҳзони.

Очилгай лола чун оташ бўлиб ҳам анбарин сочгай,  
Булат янглиғ уфорга чулғагай тоғ бирла маъвони.

Бағишилаб гулга ғунча, лолага тож кийдирап кўклам,  
Кейин дур ёғдирап ҳар иккисига абри найсони.

Саҳар сайроқи қушлар гул уза силкир қанот, улким  
Ёниб, ловулласин дер ғунчанинг ул чўфи алвони.

Оловнинг мунчалар забти саҳар эсган сабодандир,  
Сарин елдин очилмиш ул чинорнинг дасти ларzonи.

Ичар аҳли сабуҳий бода гулни соябон айлаб,  
Наволар минг усулда янграбон ҳам шеъру достони.

Баҳор ҳам ўтди шул ойин, ҳазон ҳам етди шул ойин,  
Бу ишни айлагай такрор фалакнинг чархи гардони.

Чунон гул очди ул гулчехро маъшуқ, чархи беором,  
Қарангким, солди ошиқ рангига ул зору ҳайронни.

Буни гар тутмадинг ўзга ғанимат, кел, уни тутгили,  
Буни-ку топмадинг, бас, топмагайсен ҳамчунин они.

Бу сориқ новдада андоқ күрарсен лаългун япроқ,  
Уни жом англагил заррин, буни лаъли Бадахшоний.

Умрдин ул баҳор айёми кечди, чун ҳазон келди,  
Ҳазон ҳам ўтгусидир, қолгуси тан — мулки вайрони.

Баҳори бехазон кўрмоқ тиласен, кел, уни кўргил,  
Баҳористон дегай ҳалқ хусрави Эрону Туронни.

Дема хусравки, етти пушти султон ўғли султон ул,  
Не султон, етмиш аждоди ҳама хон наслидир, хони.

Абулғозий, сипеҳри салтанат, Султон Ҳусайнний, шоҳ  
Ки, ҳиммат баҳоидин бир қатра — олам баҳру уммони.

Агар сўз айтса ул, лол қолдиур Ийсойи Марямни,  
Магар раъй этса, ҳайрон айлагай Мусойи Имронни.

Камина чокари румий эрурмен, ул эса Қайсар,  
Камина бандайи чинийману ул Чин ҳоқони.

Шаҳаншоҳдирки, юз ҳоқону қайсар хизматин этгай  
Ки, олам аҳли боши уэрадир ул лутфу эҳсони.

Азим даргоҳи юксакдир, қадам босса мулоғимлар,  
Унинг залворидин титрар само буржида Кайвони.

Гаҳи учқур бедовни кўқда анжум михига бойлар,  
Тушиб токи тавоф этгай фалакнинг меҳри рахшони.

Тафаккур айласа ул ҳикмати асрори хилқатдин,  
Этиб талқин, солур ҳайратта Афлотуни Юононни.

Аё шоҳим, сенинг ройинг ила оламда равшанлик,  
Ёқар кўқда қуёшни, яшнатиб сўнг моҳи тобонни.

Ҳар ишга жазм этгайсен, унинг ҳаддига етгайсен,  
Чиқаргайсен кўнгилдин роҳатинг ул, боғу бўстонни.

Не хушким, баҳру кон ичра ўзинг чин дурру гавҳарсен,  
Сенинг кафтингдин олгайлар забаржад, дури аълони.

Фалак ҳам жумла юлдуз чарх уриб, ўз йўлига қайтар,  
Агар етқизса номингдин хабарчи амру фармонни.

Қаратсанг тарбият кўзингни гардун ичра юлдузга,  
Еғилгай чодирингга не чаманинг лола, райҳони.

Ғаним умринг оғочин арралаб, кесмоқни қасд этса,  
Наҳангнинг араси лозим бўлур ҳам пил дандони.

Суриб майдонда тўп азминг ила нақ икки юз шотир,  
Дамо-дам етказурлар гумбази гардунга чавгонни.

Тахайюлнинг қоронғу чохидин ул ҳикмати ройинг  
Кўринса, ҳеч этар сеҳори Муқанна, моҳи Канъонни.

Эрурким коинот банду күшоди бори амрингдин,  
Хирад анжумга бойлар бўйлаким беҳуда бўхтонни.

Саховатдин ёэйса базмаро шохона дастурхон,  
Анга ким қўл узатса, ой бўлур, офтоб бўлур нони.

Тахайюл излабон, зотинг каби зот топмаса, тонг йўқ,  
Бу мавзуда яна баҳс айламакнинг қайди имкони.

Ганимлар сехрини даф айламоқ сори қадам қўйсанг,  
Кўрарлар сенда ул зоти Мусою кийни сўъбонни.

Баҳодирлар магар майдонда ҳийла этсалар, кўргил,  
Киличлар қони бирлан бостирурлар чангу тўзонни.

Ноғора гумбури дилларга ваҳму изтироб солгай,  
Келур жунбушга ер ҳам сув ила, ортиб ҳаяжони.

Найистондир ўшал тик найзалар, ул найзалар уэра  
Қизил туғу яловлар, қоплагандек ўт найистонни.

Аён бўлгай қиёмат қўзғаларкан икки саф ногоҳ,  
Ҳаёт уммиди қолмас, тарқ этар шу лаҳза инсонни.

Бало тўзони ул майдони ҳарбдин кўкка бош ургай,  
Фалак ҳам ёғдирур бошларга ҳар дам тиру пайконни.

Куюқ чангу губордин еру осмон тортадир тийра,  
Сўниб кундуз, намоён айлагай қўзларга хуфтонни.

Адоват ўқлари майдонга офтоб найзаси янглиф  
Ёаркан, от сурар гүё фалак ҳам ерда шул они.

Тирик жон борки ул майдонда, буткул тор-мор айлаб,  
Суарсен биргина Рустам демам, Соми Наримонни.

Бу янглиф ҳарбу зарб асносида шамшир уриб, найза,  
Омониз маҳв этарсен сенга душман ҳар нечук жонни.

Илиб найзанг учига, отганинг осмонга ҳар кимса  
Берар жон унда, йўқса айламас тарқ сўйи осмонни.

Хужум айлаб бу янглиф, фатҳ этиб чун неча бир иқлим,  
Берарсен бир сўровчи кимсага эҳсон этиб они.

Қўйиб майдони ҳарбни, қайтасен шону зафар бирлан,  
Бориб, баэм этгали маскан тутарсен кўшку айвонни.

Эди тахting чу Жамшиду Фаридун тахтидек юксак,  
Қуёшдин тушдию иккига бўлди бори майдонни.

Этиб аҳли тарабга неча бир сўз, нуқтаи жонбахш,  
Скандарваш қуярсен сўнг қадаҳга оби ҳайвонни.

Тутарлар жоми май тегрангда неча моҳи пайкарлар,  
Чаларлар Зухраваш созандалар шўх савту илҳонни...

Бу янглиф қудрату илкингда оламгир қилич бирлан,  
Тутиб юз ўзга оламга, тўкарсен ашки фалтонни.

Чу ишқ дарди хаёли чулғаса бошингни, йиғларсен,  
Ясарсен оху ашкінг селидин баэм ичра түфонни.

Урарсен бир совуқ охинг ила дилларга чун оташ,  
Фалакка юксалиб, ҳосил қилур ул барқи осмонни.

Вужудингда саховат баҳри борким, унга поён йўқ,  
Тараф йўқ унга, бўм-бўш қолдирур ул ҳар нечук конни.

Шоҳо, мадҳингни айтиш менга мушкул, баски ожизмен,  
Чунончи васфи Ҳайруннос забун этмишди Ҳассонни.

Бу яхшидир менгаким, қўл очиб, доим дуо қилсан,  
Уятли айламай олдингда бу табъи паришонни.

Ҳамиша мавсуми гул ортидин фасли хазон келгай,  
Кейин рангдин олиб, рангларга соглай давру давронни.

Хазон ҳеч кўрмасин боянг, баҳоринг яшнасин, кулсин,  
Бўлиб бахтинг зиёда, бўлмасин ҳеч айбу нуқсони.

Жаҳонни айласин ободу маъмур ақлингу адлинг,  
Хусусан мулки Эрон, унда шу халқи Ҳурсонни...

## Ёз

Боз қуёш этди самандар саратонни,  
Ёндириди у тандир каби гулзори жаҳонни.

Ҳам этди аён боди самум охи ҳазинни,  
Ҳам қилди баён нори ҳажр сирри ниҳонни.

Бас, күйди жаҳон шуълаву дуд бирла чунонким,  
Мирруху Зуҳал этди қачон бўйла қиронни?

Офтобки, ажиб масхарабоздир, ҳунар айлаб,  
Зийнатлади ул шўраю талқ бирла дўконни.

Гул-гул сочилиб шуъласи, ҳар ёнга таралмиш,  
Ўт бирла ўйиндир ҳама, кўр сийрату сонни.

Анжум чу қалай қатрасидек кўзга намоён,  
Ҳар нарса фалак тосида чўғдир шу замони.

Сен қўрқма тутун ичра гахи чақнаса учқун,  
Фосид дамидин эрди, тутун эрди ҳамони.

Ўт тилсиэ эрур гарчи, ҳароратдин, ажаб йўқ,  
Уртанса, ўчоқ оғзиданам чиқса забони.

Тупроққа қадам босса киши, сўнгра тополмас  
Бармоғи қаерда эдию қайдা товони.

Гўёки жаҳаннам ўти ўз жойини қўймиш,  
Тутмиш кейин ул куррайи арз ичра маконни.

Оташ зўридин, боқки, ҳаво мисли алангага,  
Чўғ эрдию кул, тош дема, тупроқ дема они.

Қайнаб чиқадир чашма қуёш тафтида, кўргил,  
Оташ не равиш айламиш ул оби равонни.

Сув уэра кўрингай эса қўзларга пуфакча,  
Сув пойида ул тошма, қабарчиқни нишони.

Иссиқ ила тер ўйлаки ҳаммом ила томчи,  
Ул кекса этар чину ажин бирла жавонни.

Куйдиргучи қумларга ботиб, оҳу юрграй,  
Куйдирмиш оёғин басе ёзинг саратони.

Йўқ эрса, нечун қум уза сакрайди тинимсиз,  
Бўғзида нафас мунча, вужудда хафақони?

Лабташна кўнгил орзуси ул озгина муз деб,  
Кўксига тирад эрди ҳамон тийри синонни.

Гардун бир ажиб қўзаю остида қуёш — ўт,  
Учқунлари сачраб, уни чирмайди шу они.

Оташ тили бийрон эса, ул ёлқини бордир,  
Бир кимса билурму не эмиш шарҳу баёни?

Гўёки мизожига баланд келди иситма,  
Бас, мунча алаҳлайди, куйиб жисмида қони.

То қалбини хун айлади лаъл, жаври фалакмас,  
Ёз оташидин ёнди унинг бағрида кони.

Ул кетди куйиб, кўнгли тўла ишқ ўти эрди,  
Келди бу замон насли, ажаб нуқта баёни.

“Оташ” сўзини айтса киши, бул ажаб эрмиш,  
Куйгай-да, қаваргай ул оғиз ичра забони.

Монанди сиёҳсийна ҳамон кўкси қорайгай,  
Ҳар қушки, қўяр қумга тани, ташна адони.

Не хушки, уфурди дами субҳ, лутфи Масихо,  
Ҳар танки, тирик эрди, унинг яйради жони.

Сўнг келди қиёмат, саратон яллуғи келди,  
Йўқ этди қаро тощдаги бор тобу товонни.

Ҳар кимки паноҳ истаса иссиғу қуёшдин,  
Тутсин шу замон сояйи Жамшиди замонни.

Султони фалакқадро Ҳусайн — ул шаҳи гозий,  
Адл айлади, фирдавси жинон этди жаҳонни.

Чун шоҳки, буюк қасри баланд кунгурасига  
Юз йилда етолмайди ўқи, отса камонни.

Човуши бўлиш қадру баҳо Ҳусраву Жамга,  
Чокарлик анга хурсанд этар Қайсару Хонни.

Азм этса, унинг олдида шер мисли чумоли,  
Жаэм айласа, ул пашша қилур пили дамонни.

Солгай бори кўнгилга тамаъ, этса саховат,  
Эҳсони қувар нафси тамаъдин бу ҳавони.

Күнглида чунон мөхри карам, гар назар этса,  
Дүзах ўтидин ҳосил этар бори жинонни.

Қаҳр этса агар, учса ўшал қаҳоидин учқун,  
Кул этгуси бир лаҳзада ул күҳи гаронни.

Эй файзы карам сохиби, ҳеч борми сенингдек  
Бир файзы карам сохибиким, бўлса чунони.

Ҳам топди булатлар сенинг илкинг-ла саховат,  
Ҳам чарх эшигинг фазли ила шавкату шонни.

Туғингдаги ой мағлуб этар ёвни, гумон йўқ,  
Ой шуъласи тешган каби бир зумда катонни.

Ёв қонини кўргил қиличинг тирида, сўнгра  
Кўргил у ақиқи Яману барқи ямонни.

Чун водийи адлингда эрур бўйла сиёсат,  
Боқ, бўри қўриқлайди сурув бирла чўпонни.

Гул очди, чирой сарвқад ул, тарбият этдинг,  
Лутфинг даги яшнатди чунон сарви равонни.

Зар сочса қўлинг, унга булат тенг кела билмас,  
Чақмоқ чақиб ул равшан этар битта томонни.

Сен зар сочибон айлар эсанг ул куни эҳсон,  
Офтоб каби лим тўлдирасан жумла жаҳонни.

Гар бөкса қуёш нурли юзингта, уялиб ул  
Тарк айлагуси юздаги сориғ — яраконни.

Боғу чаманинг бағрида гар эсса саболар,  
Барҳам берадир дилдаги ҳар дарду ярони.

Сел, ёмғир әмас, найзаву ўқ ёғса булутдин,  
Қонлар ила қоргай шу замон арзу самони.

Саф тортса агар икки тараф — икки буюк төр,  
Чун баргу орочдек күттарур тиғу синонни.

Ул тоғлару боғлар тўла шум пашшалар эрса  
Кўргай чу емиш ўрнида ҳар шери жаённи.

Ҳар жангчи отилса яна бир жангчига қаттол,  
Қаҳроу ғазаби бирла ёқар барқи жаҳонни.

Қонлар сочилиб сел каби, сўнг бўлса равона,  
Саҳро демагил, дашт дема ул лоламаконни.

Майдонда юриб, қонсираган зоғу заған бил  
Аскар қўлида кўрганинг ул тийри камонни.

Гум-гум чалинур нортуя устида ногора,  
Андоқки, фалак жарчиси солгай бу фифонни.

Бу жангу сурон ичра қулоқ пардаси битгай,  
Тинглашга қани сабри у фарёди “омон”ни?

Бир карра оёқ силтасанг учқур бедовингга,  
Титроққа солурсен неча тоғларни ҳамони.

Офоқ иши, бас, андин эрүр бу сиру савдо,  
Еттай ўшал афлокка магар заҳму зиёни.

Ҳар ёнга назар солсангу ёғийни кўролсанг,  
Қолмас, агар ул тоғ эса-да, ному нишони.

Бир зумда адо бўлгуси ёв, лаҳзада битгай,  
Қолган қаби сел остида ер чангу тўзони.

Душманни чунон мағлуб этиб, жангни тамомлаб,  
Базмингга буарсен кейин ул майлу ионни.

Бошингта ҳамон тожи каёнийни қўйиб дол,  
Бахтинг-ла безарсен у қадим тахти Каённи.

Шоҳнинг қўлидин олганинг ул мулкни ҳамоно  
Бергайсен, ажаб, мамнун этиб неча гадони.

Ҳар кимга қуёшингдин агар етса саховат,  
Этмас сирайм орзу-ҳавас баҳо ила конни.

Фазлингдин олур баски Сухою фалак эҳсон,  
Эҳсонга қўмарсен ҳама хосу фуқарони.

Базмингда агар суфра ёзар бўлса мулоғим,  
Ой бирла қуёш кулчасидир суфрада нони.

Бул турфаки, даврингда чу мухтожу гадо йўқ,  
Синдирса келиб суфрада бу нони жинонни.

Суфрангдин оларкан нечаким баҳра гадолар,  
Шоҳларга берурлар кейин ул нуқлу навони.

Диндорлигинг ул нуқтага етмишки, ажаб йўқ,  
Бир сўэ-ла ҳарам айламагинг дайри муғонни.

Шоҳо, ики юз айби-ла аввал сотиб олдинг  
Бу бандайи бефойида, бу зору адони.

Ҳеч кимса бу дунёда мени сен каби билмас,  
Ҳар яхши-ёмоним юзидин росту гумонни.

Таъриф этадурларми мени, танқиду таъриз,  
Ул хуш эдиким, тингламассанг эрди фалонни.

Айбу ҳунарим ҳар неча бордир, ўзинг айтгил,  
Ул бори қабулдир дилу жон бирла ҳамони.

Ёз иссиғию кўқда қуёш оташи боис  
Гулчеҳра санамлар бари хушлайди катонни.

Бўлсин ҳамага маҳзани лутфинг эшигидин  
Ҳар неча катон, тўсгали иссиқ саратонни.

### Куз

Тарозу палласига қўйди куз ул адли давронни,  
Куну тун кофиру мушкдек баробар тутди мезонни.

Вале мушк хиссаси күпроқ эрур, гарчи ҳаво ҳар дам  
Сурап оқлик сари жаэб айлабон тоғу биёбонни.

Димори даҳро қуриб, савдоси андоқ ошдиким, гүё  
Яширгай тун қароси ёприлиб аъзойи урённи.

Дарахтлар бошига тушган жунун савдосини қўргил,  
Ечиб тўнни, чекарлар изғирин елларда афғонни.

Оғочда новдалар bemор эмишлар, боқки, ҳар ёнда  
Бўябдиrlар саросар заъфарон рангига бўстонни.

Ариқда сув сариқ тортмиш дари, ул мунча гул ютмиш,  
Ва ё солмиш фалак сув узра акси барги ларzonни.

Гулоб нўш истасанг гоҳи кўнгилни этгали равшан,  
Лаби сенга нишонин кўрсатур комида пинҳонни.

Сариқлиknи фақат дай ойининг бозоридин билма,  
Хазон ороста этмиш рангба-ранг мол бирла дўконни.

Хазон эрмас, баҳор эрдимики, гулшан аро гул деб  
Намойиш айлагувчи ҳар эшиқдин неча алвонни.

Чинор раънолик истаб, каftига гулгун ҳино бойлаб,  
Қаранг, не изтиробга солди ул аҳли гулистонни.

Шикаста сарв эмиш гүё чинор илкига машшота,  
Чиқармиш баргидин ранг, зоҳир этмиш ҳусни аълони.

Чинор ҳам шүхлиги боис чиқармиш жисмидин оташ,  
Күритмиш сүнгра ул оташ ила кафтида хинони.

Терак оппоқ ҳарир күйлак уза киймиш сариқ камзул,  
Уялтиришиш бу янглиғ күкда хуршиди дурахшонни.

Ва ул тут баргини мумдин ясалмиш деб гумон этма,  
Даҳо гулсози зебо айламиш бу боғу бўстонни.

Хаёл ҳам этма тубо шохидагул бирла япроқ деб,  
Фалакда сабиту сайёр безайди боғи ризвонни.

Таралгай нур анор япроғидин боғу чаман ичра,  
Ва ул чўғдин яратгай ҳукқада лаъли Бадахшонни.

Кўрарсен сўнг ўшал ҳар ҳукқа ичра неча минг ёқут,  
Очиб, гар ошкор айлар эсанг ул ганжи пинҳонни.

Ўшал қон қатраларни кўрдию раشك айлади гардун,  
Ҳамоно олдию қўлга, хунолуд этди пайконни.

Самоқ ўз-ўзига ўт қўйди, лов-лов ёнди тоғ уэра,  
Совуқдин асрари андоқ қанотли неча бир жонни.

Азал наққоши сўнгра чекди ҳикматли қалам бирлан  
Узум япроғига лаъл рангидин бу зебу оронни.

Дема лаъл, қатра-қатра сочилибдири лаългун бода,  
Ичинг май, деб магар тарғиб этар ул дўсту ёронни.

Агарчи бор аро жим, сайрамас достонсаро булбул,  
Муғаний, бир музайян матлаъ бирлан бошла достонни.

Хазон бермиш беҳи япроғидин бўстонга чун зийнат,  
На хушдири, заъфарон майдин гупурса чехралар қони.

Кетур, соқий, майи сафсарки, ўтдек товланиб турсин,  
Майи рангин ила кўр рўшнолик ичра дехқонни.

Кўмилган бир хазина бундаким, дехқон ариқ очса,  
Чиқаргай ҳар сафар ер остидин ул оби ҳайвонни.

Ажаб бир шўху зебодир, ниқобин олса гар юздин,  
Солур юз карра кофирикка буткул аҳли иймонни.

Күёшдек ярқираб ногоҳ қўринса жоми машриқдин,  
Ёқар айш шоми ичра неча юз шамъи шабистонни.

Оловли чехрасидин тушса гар кўнгилга бир шуъла,  
Мусонинг ўтидир ул, ёндирап арбоби ирфонни.

Ва гар лутфу қарамдин айлар эрса мажлисоролик,  
Қилур фирмавси аъло кўрки бирлан базми сultonни.

Бирор бор борми кўркам мунчаким, фасли хазон этмиш,  
Безаб япроқлари юлдуз каби ул қасру айвонни?

У барги заъфаронийким, чизилмиш қирмизи хатлар,  
Солур ёдга кўзи қонли неча ушшоқи гирённи.

Муруд япроғи ҳам лаъл рангидек қизғиши, күриб дерлар:  
Қовоқда майму келтирмиш тутиб ойини бўстонни.

Агар гул мавсуми кечмиш, магар гулгун эмас гулшан,  
Не эрмиш суврати Моний, чун эрса сунъи Яздоний.

### Қиши

Фалак чодирида тўсди оловни дуди саҳоб,  
Киргил чодиргаву ўлтири, симиргил ўтдек майи ноб.

Намуна бўлди соябонга қўқдаги тишу камон,  
Само булатлардин либос тикишга тушди шу тоб.

Ёпинчиқ бўлмасайди гар булат кўк чодирига,  
Қатралар торидин тортиб, чекармиди таноб?

Симобий булатлар баским қўқдин кумуш сочгай,  
Кумуш қор қоплабон ерни, Қулзумдек этди симоб.

Қиши қаҳратонида дилда айш этмак ҳавас эрса,  
Келгину лаъл дарёсида сузгувчи кема топ.

Олов, кул гулхани ҳамон шоҳликка тенг эрур,  
Ул бири алтойи эрса, бул бириси — санжоб.

Қуёш машриқдин мағрибга нечук равон эрур,  
Билинмас, токи нур тушиб, ярқ этмаса халқоб.

Узангига оёқ босганинг — қишини енганинг,  
Фано бўлганинг халқ учун узангидир, рикоб.

Ҳаво совуқдин қочибди, маскани темир гумбаз,  
Сув юзида муз бойламиш қуббачалар, ҳубоб.

Ҳубоб демагилки, изгирину аёз шиддатидин  
Кумуш палосдек ярқираб қотмиш, муэламиш гирдоб.

Яхмалак сиртида гоҳо гўзаллар орази  
Ялт этиб кўринур гўё фалакда нури Шаҳоб.

Шуъла калхатдек қанот қоқар, совуқдин қарғалар  
Ерга қулайди, кўмир янглиғ сочилиб шу тоб.

Оқлик етишди кўзларга қор оқлиги сабаб,  
Сурмадек бўлди азиҳ қаро ер, шул туроб.

Сурма дема, мушки ноб дегилки, қаро тупроқ  
Оппоқ пардага бурканиб, бўлибдири чун ноёб.

Парда остига кўзинг сол, мисоли ўргимчак  
Ётар ул озида симтўр, совуқдин ҳоли хароб.

Камбағал шўрлик қалтирас, кўнглида шавқи олов,  
Мисоли майхўр бошида ҳавоий кайфи шароб.

Қашшоқ бечораҳол гўё қулоги том битган,  
Елкаси ёпишиб икки қулогига, ҳижоб.

Жисмида титрашдин ўэга ҳаёт нишони йўқ,  
Гўё ўликка жон соларкан, титратур Вахҳоб.

Муз остида балиқ санчилган ерга мих бўлиб,  
Ер устида илон ётар — чувалган ип, таноб.

Барча чигирткадек икки тиззасин кериб,  
Кўлларин ишқайди совуқдан пашшадек, хуноб.

Чигиртканинг қаноти деб сакраган шуълани,  
Унга худди чигирткадек ташланур шитоб.

Кўз ҳалқаси ичра қотган кўз ёши чун айнак,  
Аммо ул айнақдин кўэга на ёруғлик, на тоб.

Қишининг қаттол шамолидин сўниб Зардушт ўти,  
Ийсо дамидин ҳам тириклик эсмагай, сароб.

Шу лаҳзада игна тешигидин кечган шамол,  
Чунон эсарки, умр биносини айлагай хароб.

Анор каби ҳужра истагил, туйнуксиз бўлсин ул,  
Ҳар донаси чўғдек бўлсин, суви шароби ноб.

Муғаний бўлсину аҳли дил ва дилкаш соқий,  
Уч-тўртдин оширма, сенга кифоя шу ҳисоб.

Муғаний наво тузаркан, севинч-ла эсларсен,  
Не эрди ул мажлиси шаҳаншоҳи олийжаноб

Ки, эй оразу лабдин истаган базми шароб,  
Сувда оташни излагил, оташда сувни топ.

Юзинг ва даҳонинг мисолин кўрмамиш кимса  
Бу дунёдаким, ёритур офтоби оламтоб.

Хиром айлабон дегилким, қадду қоматим кўргил,  
Кимки кўрмамиш, ўтгай оламдин бебаҳра, шитоб.

Юзинг нурини тўсишга ниқоб бўлмамиш, бўлмас,  
Тўрт қават осмон пардаси қуёшгаму ҳижоб?

Жон риштаси ила бойлаб, тортамен хаёлингни,  
Васлингга етмагим учун менда бори шу асбоб.

Кўзим йўлини жигар пораси ила тўсдим,  
Ичкарида юзинг хаёли қолди, тища уйқу, хоб.

Тилаб васлингни эшигингта бош эгар Фоний,  
Ибодат аҳли бош эгса, маскан анга меҳрооб.

Муяссар бўлсайди менга ул олий даргаҳинг,  
Тупроғин тўтиё айлаб, этар әдим тавоб.

Азал қалами унга Абулғозий лақаб битди,  
Лақабки, жисму жонида кўрингай боб-боб.

Само авж юлдузи Султон Ҳусайнин дарёдил,  
Юксак шавкати олдида фалак әрур ҳубоб.

Соябонинг остидадир мовий қўк чодири,  
Эшигинг қуббаси – порлоқ қуёшдир, оламтоб.

Оting туёғи остида юлдузлар – Сиём тоги,  
Негаким, осмон паст тушиб, тупроқ эрур, туроб.

Тасанно, юксалиб мундоқ, олий макон тутдинг,  
Хаттоки ломакон ўшал тубанда қолди ҳисоб.

Ҳашамат чўққиси сенга мұяссар бўлди чун,  
Арш ҳам пойингдадир магар, етолмайин хуноб.

Аэминг тулпори ончунон суръат-ла йўл босар,  
Чарх унга қиёсан ҳоргин эшишак эрур, хароб.

Рикоби ҳилминг ҳамиша кўзларга ташланур,  
Осмондек кенгдиру яна суръат ичра шитоб.

Саховатинг олдида баҳру кон бўшаб буткул,  
То бир ғарам ҳашак эрмиш, денгиз эса сароб.

Лутфингдин ҳар яхши, ёмон жаҳонда баҳраманд,  
Савол берарму кимса ул, эрса юз минг жавоб.

Насими гулшани хулқинг руҳларни этди маст,  
Масиҳ нафаси ҳам энди тутундир, кони азоб.

Қаҳринг ўти учқунлари осмонга урса бош,  
Еғилгай заминга юз минг бало бўлиб шу тоб.

Шамширинг зарби етганда, душманларинг тани  
Емрилур, сув имаратни этган каби хароб.

Ғанимларинг дили найзангдин пора-порадир,  
Яна ўт тушиб дамба-дам, ўртанур мисли, кабоб.

Үқинг ёмғирига минглаб қўрронлар бош эгар,  
Булутлар ҳам зафар тилаб, кўқдин этар хитоб.

Шоҳона базмингда айшу ишратни қиздириб,  
Камонча нола чекар, жаранглар уду рубоб.

Фалак тор бойламиш анга Зуҳронинг сочидин,  
Қазо малоик парини этмиш анга мизроб.

Сипеҳри қадринг денгиэдир, ғанимлар ғарқ бўлур,  
Магар мингларча бўлса ҳам, ютар уни гирдоб.

Қачонким фитна шамоли қўзғатур гарди бало,  
Ниқоб тортар юзига офтоби оламтоб.

Бонгу нафора қиёмат ғавғосини солур,  
Чарх арқонига бойланган тевалар чекар азоб.

Икки саф икки тоғ бўлиб майдонга шайланур,  
Ўрмонни эслатур тифу найзалар бехисоб.

Ҳаёт тустовуғию руҳ тўтисин овлагали  
Камон зоридин ўқ учар, мўлжал — бургут, уқоб.

Йўқликка юз тутар кумуш танглар тамом,  
Улардин совут зарб этиб, ясар эса зарроб.

Майдонга тушганлар бари қиличдек қон ялар,  
Пашшани жазб этган каби гоҳо жигаркабоб.

Ёвга ҳамла қилсанг шердек, шамшириңг ўқталиб,  
Бошингда ҳилпирад байроқ, ливои фатҳмаоб.

Зарбанг етаркан, бўлур душманларинг тумтарақай,  
Чунончи хору хас тоғин суриб кетар селоб.

Зафар шамоллари ўпар музaffer байроғинг,  
Қай тарафга қадам қўйсанг, келур андин савоб.

Зафарпаноҳ, сипоҳингга ҳарбу зарб соати  
Зафар ёр бўлгуси дебон етар ғайбдин хитоб.

Оtingни жанг майдонидин баэмгоҳга сурсанг,  
Минг Ҳусраву Кайхусравлар бўлур сенга рикоб.

Фалакдек қасрингта кириб, улки жаҳон оро  
Тузиб баэмни Каёний, этарсен майли шароб.

Жанг аро ул жасорату баэммаро бул шукуҳ,  
Бўйлаким, на фалак кўрмиш, на ою на офтоб.

Шоҳлардин саъӣ этиб олганинг молу мулкки бор,  
Мадҳ этса гадолар сени, берарсен беитоб.

Кофурий булатлар буткул самони қопламиш,  
Қор кўрпасига ўранмиш тупроқ, хоку туроб.

Мушку анбарга буркансин шоҳона мажлисинг,  
Айшингни қизитсин баэммаро лаългун шароб.

Минг бор жавонмардлигинг Бармаку Тойдин ортиб,  
Минг йил ҳамроҳ бўлсин сенга йигитлик, аҳди шабоб.



Расидаи хиломия  
Чохгар ва  
шумат



Султон Ҳусайн Бойқаро бир неча йиллик машаққатли ури-нишардан кейин Ҳурсон таҳтини эгаллайди. У шоҳлик сал-тнатида дастлабки иш бошлаганданоқ болалик дўсти Мир Алишер Навоийни ёдга олади ва Самарқандга Абу Саид та-рағидан бадарға қилинган дўстини салтанатта тақлиф этади. Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга келар экан, йўл-йўла-кай Ҳусайн Бойқарога бағишлаб қасида ёзди ва уни “Ҳи-ло-мия” деб атайди. Навоий Ҳиротга 1469 йилнинг апрел ойи бошларида кириб келади. Бу пайтда рамазон ойи охирлаб қолган эди. 14 апрелда Ҳусайн Бойқаро ийди рамазон шара-фига қабул маросими уюштиради ва шу маросимда Навоий ўзининг ана шу қасидасини ўқиб беради. Қасида шоён таҳсин-лар билан кутиб олинади.

Улуғ мутафаккир шоир “Ҳазоину-л-маоний” номида тўрт девон тузар экан, бу девонларнинг ҳар бирига ном беради: “Ғаройибу-с-сифар” (Болалик ғаройиботлари), “Наводиру-ш-шабоб” (Йигитлик нодирликлари), “Бадойиъу-л-васат” (Ўрта ёшлик гўзалликлари), “Фавойиду-л-кибар” (Кексалик фойда-лари). Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган қасидани эса учинчи девонга — “Бадойиъу-л-васат”га киритган. Бунинг рамзий маъноси бор эди, зоро, Навоий Ҳусайн Бойқаро билан саройда бирга ўсан, Гавҳаршодбегим (Шоҳруҳ миরзонинг хо-тини, Мирзо Улубекнинг онаси) қўлида тарбия топган, бирга мактабда таҳсил олган ва муҳими шоҳ ва шоир эмуқдош бўлган-лар. Сўнгра Алишер Навоий 28 ёшидан то умрининг охирига-ча Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин аъёнларидан эди: муҳордор-лик, девонбеги, бош вазир, мушовир (маслаҳатчи). Султон билан қарийб олтмиш йиллик дўстлик, ўтиз тўрт йиллик ҳамкорлик (ҳамкорлик нафақат давлат ишларида, балки шеърият ва маф-курада ҳам) хотираси ўлароқ шоир шу девонга киритишига қарор қилган эди. Қасида мазмунидан кўринадики, шоир Сул-тон Ҳусайнни ҳам шоҳ сифатида, ҳам дўст сифатида таъриф-

лайди, унинг шоҳлик савлатига таъриф бериш билан бирга, шоирлик салоҳиятини, инсоний хислатларини эътироф этади. Албатта, савол тувилиши табиий: Навоий нима учун бу қасидани лоақал “Наводиру-ш-шабоб”га киритмаган, ахир бу қасидани ёзганда 26 ёшлик навқирон йигит бўлган-ку. Аввало шуни таъкидлаш керакки, шоир девон тузар экан, шеърий асарларини умр фаслларига қараб эмас, мазмунга эътибор қаратган ҳолда тузганлиги маълум. Масалан, “Фаройибу-сифар” да кексалик тафаккури билан ёзилган ғазаллар бор бўлганидек, “Фавойиду-л-кибар” да ёшлик шижаоти билан ёзилган ғазаллар ҳам учраганидек... “Қасидаи ҳилолия”га келсак, назаримизда, бу асар йиллар синовидан ўтган, Ҳусайн Бойқаронинг шоҳлик салобати ва дўстлик садоқати мустаҳкамланган, ана шунинг учун, агар девон тузилган йилни (1498-99) ҳисобга олсак, бу йилларда Навоий умр шоми келган давр эди. Шунинг учун ҳам девонга муҳарририк қилган Ҳусайн Бойқаро маслаҳати билан қасидани ана шу учинчи девонга кириттан бўлиши керак.

Дуруст, биз “Фоний гулшани” тўпламида Алишер Навоийнинг 200 та форсий ғазаллари таржимасини, Абдураҳмон Жомий таклифи ва Султон Ҳусайн Бойқаро илтимоси билан форс тилида яратган 10 қасидасини бир муқова ичига жойладик. Навоий қасидагўй шоир бўлмаган, аммо ўз даврининг анъана-сидан ҳам четта чиқмаган, у Амир Ҳусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомийлар изидан бориб форс тилида 10 та, туркий тилда биттагина қасида ёзган. Ана шу 11 та қасида бир муқова ичига жойлансин, деган маънода шоирнинг “Ҳилолия” қасидасини ҳам китобга киритишга журъат этдик.

*Масъул муҳаррир*

## Қасидаи ҳилолия

Чун ниҳон қилди турунжи меҳр рахшон талъатин,  
Ошкор этди фалак бир тавқи ғабғаб ҳайъатин.

Бас хаёли равшани эрди vale андоқ дақиқ,  
Ким назаргоҳ айлар эрди гаҳ иўқ аниңг дикқатин.

Ўйла зоҳир бўлдиким, қилғой ани кўрган киши  
Дилбарим қошигаю менинг қадимга нисбатим.

Ё хуруси чарх қилди ошкора шаҳларин,  
Ёки Баҳром айлади зоҳир қиличи ҳиддатин.

Ё тушуб қолди алам устидаги рахшанда наъл,  
Чун нигунсиз айлади хуршиди рахшон раъятин.

Ё Уторуд килкида зарҳал туганда кўкта чун  
Ёзи айни ийднинг аввалги жузвий суратин.

Ё фалак қаддин хам айлаб, келтуруб бир ҳалқа ёй,  
Ихтиёр айлайтурур Доройи аъзам хизматин.

Бу ажойибдинки етти раҳбанинг аввалгиси,  
Зоҳир этти, солди түфёнга кўнгулнинг ҳайратин.

Мойил ўлди кўк тамошосига ҳисси босира,  
Топти чун ҳар лаҳза бир аъжуба пайкар руъятин.

Бор эди иккинчи масканнинг муқими нодири,  
Кўп билик аҳли дуруст этган анга ўз ҳирфатин.

Сув каби ҳар зарф аро тутқон ҳам онинг рангини,  
Ул димогига солиб ғарро қасида фикратин.

\* \* \*

Айламакка таҳният арзини байрам жашнида,  
Шаҳ вужуди чун мушарраф қилса тахти шавкатин.

Жилвагар учинчи гулшан ичра раъно шоҳиде,  
Бутратиб бўлмоққа ақл ошуфта зулфи накҳатин.

Соз этиб чангутузуб ул унга руҳафзо суруд,  
Ким малак кўнглига солиб айш ила май рағбатин.

Чолибон нақшу амал боғлаб Навоий шеърига,  
Ийд жашни хуш тутарға шоҳ базми ишратин.

Йўқ эди тўртингчи манзилнинг шабистонида шамъ,  
Бориб эрди ёрутурға шаҳ ҳарими хилватин.

Не учунким рўза юбсидин димор айларға рутб  
Айлабон майли сабуҳий, туэса базми ҳимматин.

Ҳар тараф шамъи муанбар дуди ногаҳ қилмағай,  
Тийра ҳам нозук диморни, ҳам эрамваш сухбатин.

Ҳукмрон бешинчи торам авжида бир қаҳроамон,  
Тийғи қаҳроидин томиб қон, сурса кийну ваҳшатин.

Худ ила жавшан кийибу боғлабон тийғу камар,  
Рустамойин соз этиб парҳош ҳайжо олатин.

Ким саҳаргаҳ чун қабоқ майдонига отланса шоҳ,  
Олдида қилғай ясовулуққа зоҳир журъатин.

Ўлтуруб олтинчи манзар узра бир фархунда зот,  
Ким вужуди айлабон зоҳир малоик исматин.

\* \* \*

Рұх англаб жабхасидин нури тақво ламъасин,  
Ақл топиб зотидин илму саодат савлатин.

Айлабон иншоки минбар уэра тонгла хутбада,  
Зохир эткай шоҳ отидин сўнг дуюю мидхатин.

Мустакин еттинчи дайр ичра муаммар ҳиндуе,  
Рангу сайри кўргузуб ушшоқ шоми фурқатин.

Сайдек коҳил хирому ҳажро янглиғ тийра рўй,  
Кимса билмай жунбушу ороми тулу муддатин.

Шоҳдин байрам шараф топқонни англаб, гум қилиб  
Обиҳайвондек адам сори нуҳусат зулматин.

Саккизинчи соҳат уэра юз туман сиймин бадан  
Зохир айлаб сабза уэра жола ёқкан ҳайъатин.

Йўқки гардун, ложуварди атласин ёпиб қазо  
Гавҳару дур бирла соз айлаб саросар зийнатин.

Ёпқали шоҳнинг фалакваш тахтига байрам куни,  
Чун ёяр жинси башар хайлига хоне раъфатин.

Тўққизинчи боргоҳ андоқки луъбат чодари,  
Үйнатиб чархи мулоиб анда юз минг луъбатин.

Ким чу шаҳ байрам нашоти қилғали тузганда жашн,  
Ҳар ўйинчи зохир эткон чорда лаъбу санъатин.

Шоҳнинг инъому эҳсонидин ўлай баҳравар,  
Кўргузуб ўз фаннида ул ҳам камоли дикқатин.

\* \* \*

Бу таажжублиқ сафардин чун таақкул қилди ул,  
Сайр аро қилғон киби зоҳир Уторуд ражъатин.

Чун Уторуд чархига еттим, табиат қилди майл,  
Кўргали назминки зоҳир қилди табъий жавлатин.

Ул худ эткан эрмиш ушбу шеърима фикри жавоб,  
Матлаъи бу эрди, кўрдим чунки назми риққатин:

“Эй сенинг қошинг қилиб зоҳир янги ой хижлатин,  
Вай, юзунг шарманда айлаб ийди акбар талъатин”.

Чун бу матлаъни эшикти, рашқ түрён айлади,  
Фош қилмоқ истадим олида таъбим қувватин.

Шоҳ мадҳида бу матлаъни рақам қилдим равон,  
Ким қулоқ тутти Уторуд зоҳир айлаб ҳасратин.

“К-эй, қошингнинг рашки айлаб ҳам янги ой қоматин,  
Ийди рухсоринг қилиб нобуд байрам зийнатин”.

Чун Уторудни хижил қилдим нашоту завқ ила,  
Үйга кирдим, кўрдим анда сархуш ул жон офатин.

Келган эрмиш маҳвашим байрам қилолин кўргач-ўқ,  
Зойил айларга қўнгулдин савму тақво меҳнатин.

Ҳам ҳаёда кўргузуб ақли мужаррад пайкарин,  
Ҳам сафода англатиб руҳий мужассам суратин.

Лафзи зоҳир айлабон ҳар лаҳза Руҳуллоҳ дамин,  
Нутқи айлаб ҳар дам ифшо руҳи қудси ҳолатин.

\* \* \*

Ҳам узори синдириб хуршиди раҳшон равнақин,  
Ҳам дудори паст этиб лаъли Бадаҳшон қийматин.

Чун мени кўрдики, кирдим, музтариб қилди савол:  
“Ким не ҳол ўлмиш санга, шарҳ эт анинг қайфиятин”.

Юз тафоҳур бирла арз эттим Уторуд ҳолини,  
Ким бу матлаъ бирла синдердим шукуҳи шавкатин.

Ошиғи ўл матлаъимни чун ўқудим оллида,  
Табъидин айлаб тамаъ қўнглимда таҳсин оятин.

Кулдию оллинда бор эрди қалам бирла давот,  
Ёзди бу матлаъни бир соатқа бермай муддатин:

“К-эй, юзунг зоҳир қилиб байрам сабоҳи сафватин,  
Анда қошинг айлабон пайдо янги ой ҳайъатин”.

Мен бўлуб беҳолу масруъ ўйлаким кўргай ҳилол,  
Обиҳайвондек кўруб жонбахш лафзи лийнатин.

Ҳайратимдин шоҳ базмиға ўзумни еткуруб,  
Шарҳ этиб бу сўёни ҳайратқа солурга ҳазратим.

Ҳам Уторуд, ҳам ўзум, ҳам ул париваш назмини  
Бир-бир айлаб шарҳу ойтиб ҳар бирининг риққатин.

Айлабон даъвоки, мумкин йўқ яна матлаъ демоқ,  
Шаҳ кулуб, зоҳир қилиб бу фанга табъи улфатин.

Фил бадиийҳа деб бу матлаъни ўқуб юз офарин,  
Хусраву Солмону Жомий руҳи англаб надратин.

\* \* \*

“К-эй, ҳилолинг майли айлаб тоқ кўнглум тоқатин,  
Жон бериб, ёд айлагач ийди висолинг жаннатин”.

Шоҳ чун қилди бу матлаъни адо, мулку малак  
Чекти ун, деб офарин бирла дуои давлатин.

Қайси шоҳ улким, азалдин Ҳаққа ул эрмиш мурод,  
Ҳалқ қилмоққа салотин гавҳарининг хилқатин.

Шоҳ Абулғозий саодат ахтари Султон Ҳусайн,  
Ким қуёшни зарра дер, кўргач сипехори ҳашматин.

Шоҳлар шоҳи демай, ул шоҳларнинг шоҳиким,  
Ҳар бири юз шоҳлар шоҳича тутқай мукнатин.

Шоҳлиқда ояти дарвешликтин кўрмайин,  
Бу риёй фақоча заркаш сарири рифъатин.

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, Ҳақ  
Шоҳ қилди суратин, дарвеш қилди сийратин.

Эй жанобинг паст этиб гардуни боло поясин,  
В-эй замиринг синдуруб фирмавси аъло нузҳатин.

Тийфингга қозиб қазо “инна фатаҳно” сурасин,  
Туғунга ёзиб қадар “насрү-н-миналлоҳ” оятин.

Жаннати лутфунг насими эсса, Руҳуллоҳ дами  
Нисбатида кўргузуб дўзах духони ҳирқатин.

Дўзахи қаҳрингдин айрилса ҳавога бир шарап,  
Айлаб анфоси Масихо барқи офат хислатин.

\* \* \*

Зотинг ичраким эрур ҳар яхшилиғнинг жомийи,  
Ҳайи қодир зоҳир айлаб ўз камоли қудратин,

Ройинг ичраким келибдур ҳар ёруғлуғ манбаи,  
Фард воҳид боҳир айлаб ўз жамоли раҳматин.

Чун саховат илги очсанг, даҳр чекмас заррае  
Зарфишонлиғда қуёш ҳар панжасининг ҳимматин.

Чун зиёфат хони ёйсанг, жанбида топмас сипеҳро,  
Жашни лувъат Хотаму Бармак бисоти неъматин.

Табъинг оллинда саҳоб андоқ ҳаёдин терлабон,  
Ким ҳам ул сувдин юб ўэдин дурфишонлиғ тухматин.

Ҳилминг оллинда жибол андоқ ўзин топиб ҳафиғ,  
Ким таҳаттукта бегонмай барқи Хотиб суръатин.

Иш қуникум қўқ темир бирла таковар гардидин  
Ер фалак рангин тутуб, кийгай малак ер кисватин.

Ер била қўкни совурмоқ бирла оғат сарсари,  
Зоҳир эткай олам аҳлиға қиёмат шиддатин.

Чархи золим кийнаварлар тийғин айлаб восита,  
Қатли ом ойинида тутқай ғанимат фурсатин.

Тийғлар пўлодидин парголаларни тоси чарх  
Жамъ қиласай, муэдек эзмакка ажалнинг шарбатин.

Ҳар қизил вола ялов бўлғай сари, баским қилич  
Боша келғон чоғда, зойил қиласай онинг ҳумратин.

\* \* \*

Шахси жисми лойи нафъ ўлғай бокоси шонида,  
Хасми топқоч хасм илгидан балорак зарбатин.

Дулиродин тийеким ўт секретиб, рангин қилиб,  
Шуъласи Баҳром важхин, дуди Кайвон жабҳатин.

Чарх миръотида аксидин шафақ қилғай зуҳур,  
Баски, қондин лаългун қилғай қазо ер соҳатин.

Ул замон ҳар сори юзланса ҳумоюн кавкабинг,  
Солиб оғоқ ичра рустохеъ шайну ҳижнатин.

Тушса ҳар ён тийфинг, олай бениҳоят ҳалқнинг  
Жисмидин бош заҳматин, боштин таманно заҳматин.

Разм майдонида тийфинг чиқса қиндин бир нафас,  
Кимса тахмин айлай олмай хасм жисми касратин.

Ҳар бириға юз тумон ётрон ўлук бўлғай насиб,  
Юз тумон минг мўрнунг гардун айрса қисматин.

Лаҳза-лаҳза рояти мансуринг ўлғай жилвагар,  
Эстуруб Ҳақ фатҳ боғидин насими нусратин.

Разм аро ҳар шоҳнинг мулкинки олиб базм аро,  
Бир гадоға жуд этиб они, кўруб чун зиллатин.

Хусраво, зотингни васф этмак Навоий ҳадди йўқ,  
Авло улким, зоҳир эткай бенаволар одатин.

Токи байрам шоми савм аҳли талаб қилғай ҳилол,  
Рўза ният айламай қилмоқ май ичмак ниятин.

Ҳар кунинг байрам бўлуб, жойинг ҳилол ўлсун мудом,  
Кўрмагил беайш умрунг муддати бир соатин.

Лек умрунг тули юз навбат Зуҳал давронича,  
Фарз эта олса хирад минг йил аниг ҳар навбатин.

Янги ою ийд икки қуллуғчинг ўлсун, айлаган  
Сен ҳилол онинг отин, байрам бу ернинг кунягин.



## Изоҳлар

Мир Алишер Навоийгача туркий тил адабиёт оламида қадрланмас эди, бинобарин, туркий тил шеърий тил эмас, деб камситиш одат бўлган. Ҳамид Олимжон “Навоий — ўзбек тилининг асосчиси” деганда хато қилмаган, балки Навоий ижодий меросига тўри ва ҳаққоний баҳо берган. Ўн бешинчи аср ўрталаридан бошлаб Навоийнинг ижодий фаолияти бошланиши билан туркий тил юксакликка кўтарилди, шеърият осмонида бу тил қирон юлдузидек порлади. Аммо Навоий ўз даврининг фарзанди эди, у форсий тилда ҳам ижод қилди. Форсий тилда биттан шеърий асарларидан “Девони Фоний” ҳам туэди. Фоний сўзининг луғавий маъноси қўйидагилар:

1. Йўқ бўлувчи, йўқолувчи, битувчи.
2. Суфийликда — фано мақомига (даражасига) эришган, илоҳий руҳ билан тамоман қўшилиб кетган.

3. *Навоийнинг форсий тилдаги шеърларидағи тахаллуси.* Адабиётшуносликда бу сўзининг истилоҳий маъноси олинган: яни вақтингчалик, мувакқат. Бинобарин, Навоий форсий тилдаги ижодини муқим деб билмаган, балки бу тилдаги шеъриятда ўзини мувакқат деб билганилиги туфайли шундай тахаллус танлаган. Эҳтимол. Аммо Фоний ғазаллари ва қасидаларини ўқиганда юқоридаги икки маъно ҳам бу тахаллусга тааллуқли, деган фикрга келиш мумкин. “Девони Фоний”да 554 та ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия, 72 қитъя, 73 рубой, 16 таърих, 373 муаммо, 9 луз (чистон), шунингдек, 10 қасида бор. “Девони Фоний”даги кўп ғазаллар форс мумтоз шоирларининг асарларига татаббут ва тавр (усул)дан иборат. Оригинал ғазаллари 50 тадан зиёд.

Алишер Навоий форс тилида яраттан қасидаларидан алоҳида тўпламлар ҳам туэган. У тўпламларни “Ситтаи зарурия” (Олти зарурат) ва “Фусули арбаъа” (Тўрт фасл) деб атаган. “Ситтаи зарурия” олти қасида, “Фусули арбаъа” тўрт қасидадан иборат. Навоий даврида ва ундан олдин ҳам шоирларнинг маҳорати ва кучи қасида ёзиш билан белгиланган. Агар шуни эътиборга олинса, Навоий форсий адабиётдаги қасиданависликда ҳам юксак маҳорат намунасини кўрсатганлигига гувоҳ бўламиз. Жамол Камол тарожимасидаги ғазаллар ва қасидалар Навоийвор маҳоратни намоён эта олган.

**Абу Наср Саррөж Тусий** — моддий ва маънавий илмлар соҳиби. У Тус шаҳрида ҳижрий 378 (милодий 988) йилда вафот этган.

**Аднон** — Муҳаммад (с.а.в.) аждодларидан бири. Араб қабила-рининг бирлашувида фаол иш олиб борган йўлбошли бўлган. Уни кейинчалик Фахру-л-Аднон деб ҳам атаганлар.

**“Айн”ни “Ақраб” бошидан ол, қурб сенга маҳтал әрур** — агар ақраб сўзидағи айн ва алиф ҳарфлари олинса қурб қолади. Қурб — яқинлик. Яъни Аллоҳ жамолига етишиш учун ўзликдан кеч, шундагина унга яқин бўласан, деган маънода.

**Афлотун** — Платон, қадимиюнон файласуфи. Мумтоз адабиётда бу ном рамзий маънода келади, яъни донишманд, шифокор.

**Ақлу хушимдин әътидолим бор эди** — мұттадил ақлу хушим бор эди (таржимон)

**Бадру Ҳунайн** — Бадр қудуғи назарда тутилган, Бадр қудуғи Мадинадан жануби-ғарб тарафдан 150 километр нарида. Шу ерда маккаликлар билан мусулмонлар уруш қилган ва мусулмонларнинг қўли баланд келиб, ғалаба қозонган. Ҳунайн — Мадина яқинадигай водий.

**Бармак** — Бармакий хонадони назарда тутилган; бу хонадондан машхур вазирлар етишиб чиқкан. Бармак деган коҳиннинг айрим авлодлари ўз қобилият ва истеъдодлари туфайли аббосийлар суоласида юқори мартабаларга эришганлар. Сўнгти Жаъфар Бармакий Хорун-ар-Рашиднинг вазири бўлган ва халифанинг синглисига яширинча уйланиб олганлиги учун қатл этилган. Шу билан бармакийлар хонадони барҳам топган.

**Батҳо** — аслида Макка атрофидаги то оралиғидаги бир дара шундай деб аталган. Мажозий маънода: Макка шаҳри.

**Баҳро-л-аброр** — Ҳусрав Деҳлавийнинг шу номдаги қасидаси. Навоий Муқаммал асарларининг 20-жилдида шоирнинг ўзи шундай маълумот беради: "...Амир Ҳусрав Деҳлавийнинг “Баҳро-л-аброри” равишида ва инсон қутби ҳазрати Махдумий (Жомий)нинг “Түхфай нисор” услубини ўзида қамраб олган эди, фикр тилидан “Түхфату-л-афкор” (Фикрлар тухфаси) деб от қўйилди (196-бет).

**Бердинг карамингдин икки қош ароси яқинлигин,**

**Чалди буюклик бонгини ундан-да яқинлик аро.**

Бу байтнинг форсий матни:

Бидоди аз қарамат қурби “қоба қавсайн”аш,  
Ки кўфт кўси жалолат ба авжи “авъадно”.

Бу байт Қуръони каримнинг Нажм сурасидаги 5-8-оятларга ишора. Ояти карималарнинг матни: “Ҷалламаху-л-шадийду-л-кува (5) Зу мирротин фа-става (6) Ва ҳува би-л-уфуку-л-аъло (7) Сумма дана фатадалла (8)”, яъни унга (тиловатни) мустаҳкам қувватга эга бўлмиш зот (Жаброил) таълим берди (5), (у) ҳусн ва иқтидорга эга (фаришта)дир. Бас, у (самода ўз суратига кириб) турди (6), ўзи олий уфқда эди (7), сўнгра яқинлаб пастлади (8).

**Бўйлаким илми буюқdir, чун Набийнинг вориси — “Олимлар менинг ворисимдирлар”** деган ҳадисга ишора.

**Ганжи Афридун** — қадимги Эрон подшоҳи Афридун (Фаридун)нинг хазинаси. Афсоналарга кўра унинг хазинасида беҳисоб бойлик бўлган экан

**“Давр” бўлгай беалиф, бошда агар “довар” әрур — Навоий** бу ўринда “довар” сўзидағи алиф олинса “давр” сўзига айланганидек, адолатсиз ҳокимнинг оқибати вой, демокчи

**Дарвеш** — камбағал, факир, художўй; тасаввуф маслакларидан бирига мансуб бўлган киши; суфий. Навоий “Қасидаи ҳилолия”да:

*Шоҳлар даврвешию дарвешлар шоҳики. Ҳак*

**Шоҳ** қилди суратин, дарвеш қилди сийратин,  
деган байтда Ҳусайн Бойқаронинг художўйлигини, суфий маслагига мансуб эканлигини назарда тутган. Гарчи у шоҳлик савлати билан таҳтда ўлтироса ҳам, суфий сифатида бу фоний дунёга беписанд қарайди.

**Деҳлавий** — Амир Ҳусрав Деҳлавий (1253-1325) XIV аср Шарқ авдабиётининг буюк намояндасидир. Унинг ижоди серқиурали: хамсачиликка асос солган, илмий ишлари билан адабиёт ва санъат тараққиётига улкан ҳисса қўшган, қасидачилик анъанасида ҳам фаол ижод қилган. Аслида Шаҳрисабзлик турк бўлиб, мўгуллар истилоси даврида отаси етагида Ҳиндистонга кетган ва ўша ўлкада самарали ижодий иш билан шуғулланган.

**Довудий** — Довудга хос. Довуд ъалайхиссаломга Забур нозил бўлган ва у Забур оятларини тиловат қилганда ҳатто қушлар ҳам сайрашдан тўхтаб, қулоқ солар эканлар. Навоий “Довудий” дегандан шу ривоятга ишора қиласди.

**Доро** — луғавий маъноси: эга, соҳиб, подшоҳ. Аммо Шарқ адабиётида Доро деганда қадимий Эрондаги аҳамонийлар сулоласидан бўлган Доро I ҳам англашилади. Унинг асли исми Дарайавауҳш бўлиб, миloodдан аввалги 522-486 йилларда ҳукмронлик қилган.

**Ёфас** — Нуҳ (а.с.)нинг учинчи ўли; Сом ва Ҳомдан кейин. Нуҳ (а.с.) тўфондан омон қолгандан кейин ўғилларига ер юзини бўлиб беради. Абулғози Баҳодурхоннинг “Шажараи турк”да ёзишича, Ёфасга Итил (Волга), Ёйик дарёлари ва уларнинг атрофлари, Марказий Осиё ҳудудлари, хуллас, ҳозирги туркий ҳалқлар истиқомат қилаётган ерлар тегди. Унинг саккиз фарзанди бўлган: Турк, Хазар, Сақлаб. Рус, Минг, Чин, Қамари, Тарих. Тўнгич ўғли номи билан уни Абу Турк деб ҳам атаганлар.

“Жаннату тажри...” — жаннату тажри таҳтаҳу-л-анҳар, яъни жаннатда тагларидан оқиб турадиган ариқлар бор.

**Жам** — Жамшид сўзининг қисқартмаси, Жамшид ҳакида афсона ва ривоятлар кўп. Уни пешдодийлар сулоласи (бу сулола ҳакида фақат Фирдасийнинг “Шоҳнома”си ва “Авесто”даги “Яштлар” китобидан маълумотта эгамиз холос, бу манбаларга кўра, пешдодийлар сулоласи 1241 йил ҳукмронлик қилган. Фирдавсий пешдодийларни тарихий шахслар сифатида тасвирлаган) мансуб. Айни пайтда бу сулоланинг энг буюк ва қудратли ҳукмдори бўлиб, Таҳмураспдан кейин 700 йил давомида ҳукм сурган. Жамшид Эрондаги Истаҳр шаҳрини бунёд қилган экан. Унинг ҳукмронлик даврида ҳалқ фаровон турмуш кечирган, дейдилар. Одамларга кийим кийишни, Наврӯз байрамини жорий қилган. Мумтоз адабиётда Жамшид ишрат, фаровонлик, эзгулик рамзи сифатида талқин қилинади.

**Жоми Жам** — Жамшид қадаҳи, пиёлasi. Ривоятларга қараганда афсонавий подшоҳ тилсимли пиёла (жом) ясаттирган экан. Навоийнинг баён қилишича, Жамшид ҳакимларга, сехогарларга буюриб иккита пиёла ясаттирган, бирининг номи жоми ишратфиёй бўлиб, бу пиёладаги май ичтан билан тутамас, тўлиқ тураверар, ҳатто қийшатирилса ҳам, тўнкарилса ҳам тўкилмас экан. Иккинчиси жоми гитиynamо бўлиб, бу пиёладан май ичганда жаҳондаги бор ҳодисалар кўриниб турар экан. Бу жом (пиёла)ни жоми жаҳонбин, жоми жаҳоннамо ҳам деб аталади. Бундай ривоят Искандар Зулқарнайн

ҳақида ҳам бор: у жаҳонни ўзида акс эттириб турадиган ойнаи гитанамо ихтиро қилган эмиш.

**Жомий** — Абдураҳмон Жомий (1414-1491) Навоийнинг пири комилидири. Навоий ўз асарларида ҳазрат Жомийни қутбу-л-инсоният, деб атайди. Ҳақиқатда ҳам ҳазрат Жомий ўз даврида инсониятга ҳар жиҳатдан пешво бўлиб келган.

**Закариё** — Қуръони каримнинг саккиз ўрнида эсланганд пайғамбар, Яхъе а.с.)нинг отаси. Шайтоннинг алдови ва фириби туфайли шаҳид кетган. Биби Марямнинг ҳомийиси ва мураббийиси.

**Зуҳро, тараннумсоз** — бу юлдузни Чўлпон деб ҳам атайдилар. Шоирлар таърифи бўйича, у осмон чолгучиси экан.

**Изожо инна фатаҳно** — Қуръони каримнинг Наср сурасидаги биринчи оят.

**Илк бора бердинг таълими “алламу-л-асмо”.**

Бу мисранинг форсийдаги матни:

*Наҳуст карди таълими “аллама-л-асмо”*

Бу мисра Қуръони каримнинг Бақара сураси 31-оятига ишора. Бу ояти кариманинг тўлиқ матни шундай: “Ва ъаллама-л-Адама-л-асмаа куллаҳа сумма ъарозоҳум алал малоикати фа қола амбиуний би-асмаи ҳоулаи ин кунтум содиқийн”, яъни (Аллоҳ) Одамга барча (яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли) номларни ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: “Агар (эътирозингизда) росттўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз”.

**Каёний** — қадимги Эрон подшоҳларининг иккинчи табақаси.

**Канъон** — Ҳомнинг ўғли, Нуҳ Ҷалайҳиссаломнинг набираси. Ривоятларга кўра, Нуҳ (а.с.) бир куни ухлаб қолганда аврати очи-либ қолган экан. Ҳом отанинг бу аҳволини кўриб кулибди. Унинг кулишидан уйғониб қолган Нуҳ (а.с.) уни юзинг қора бўлсин, деб дуоибад қилган. Бу дуоибад унинг ўғли Канъонга ҳам урган экан. Канъон Шом соҳилларига келиб истиқомат қила бошлаган. Унинг 11 ўғли бўлиб, 11 та қабилага бўлинган, бу қабилалар яшаган жойлар Канъон мамлакати деб юритилган. Ривоятларда айтилишича, Канъон қабиласи худди Од, Самуд қабилалари сингари ҳаддан ошиб кетганлиги учун Аллоҳнинг буйруги билан чивинга таланиб қирилиб кетган.

**Каттоний** — Абубакр Каттоний Бағдодий; буюк авлиёлардан бўлиб, асли Бағдод шаҳридан, аммо умрининг кўп ҳисмини Маккада кечирган. Асл исм-шарифи Мухаммад Алий бин Жаъфар Бағдодий ал-Каттонийдир, Абу Бақр унинг куняси. Ўз даврида уни Муҳаммад (с.а.в.)нинг шогирди деганлар. У милодий 933 йили Маккада вафот этган

**“Кун” амри** — Қуръони каримнинг Ёсин сураси, 82-оятга ишора.

**Марям** — Ийсо пайғамбарнинг онаси. Қуръони карим ва Тавротда айтилишича Ийсо (а.с) илоҳий қудрат билан отасиз туғилган. Аллоҳ Марям чўмилаётган пайтда унинг олдига Жаброил ъалайҳиссаломни чиройли йигит суратида юборган ва Фаришта унинг ёқасига пуфлаши натижасида бўлажак пайғамбарга ҳомиладор бўлиб қолган. Ислом муфассирларининг фикрларича, ёқадан мурод фарждир. Одамлар Марямни бузуқликда айблай бошлаганларида онанинг бағрида турган чақалоқ тилга кириб, онасининг поклигини ва ўзининг қавмга пайғамбар бўлиб келганлиги ни айтади.

**“Мироту-с-сафо”** — ёрувлуг ойинаси; Ҳусрав Дэҳлавийининг шу номли қасидаси.

**Мусо** — Мусо ъалайҳиссалом. Исроилликларнинг бу пайғамбари номи Шарқ мумтоз адабиётида кўп марта эсланади. Албатта, бу номнинг қайд этилиши мажозий маънода эмас, балки улуғ пайғамбар ва шариатпеноҳ сифатида кўрсатилган. Мусо (а.с.) милоддан аввалги тахминан 1570 йилда Мисрда туғилган. Унинг отаси Имрон, бобосининг исми Каф, улуғ бобосининг исми Левий бўлган. Қуръони каримда эслатилган опаси эса Марям деб аталган ва пайғамбарлик ваҳийисини олган укасининг исми эса Хорундир. Унинг ҳәти аниқ уч босқичга бўлинади: ҳар бир босқич 40 йилдан бўлиб, биринчи босқич Мисрда, Фиръавн хонадонида тарбияланиши, иккинчи босқич чўпонлик, учинчи босқич саҳро кезиши. Уни Фиръавнининг хотини Осия Нилдан тортиб олгани учун исмини Мусо (яхудий-ча Моше, “машаҳ”, яъни тортиб олмоқ) қўйган. Унинг чўпонлик фаолияти Мидиядаги Айка чўлларида кечади. Айкада у Шуайб билан танишиб, ундан тавҳидни ўрганади. Шуайбнинг катта қизи Сапурага уйланиб, ундан икки фарзанд кўради. Умрининг учинчи

босқичи унинг Ҳудо билан гаплашиши билан бошланади ва бу ҳодиса Тур тогида кечади. Ривоятларга кўра, у 120 ёшида ўша Тур тогининг чўққисида вафот этган.

**Муқанна** — туғилган йили номаълум, милодий 783 йилда ўзини оловга ташлаб ёндирган. Асл исми Ҳошим ибн Ҳаким, араб халифалигига қарши исён раҳбари. Марв шаҳри яқинидаги Коза қишлоғида туғилган бўлиб, гудунгарлик касби билан шуғулланган. Кейинчалик Абу Муслим даврида ҳарбий ишга ўтган. Муқанна — унинг лақаби бўлиб, ниқобдор деганидир. Навоий уни коҳин, сехогар сифатида талқин этган.

**Нажмиддин сифатли умматинг** — Нажмиддин Кубро (1145-1221)га ишора. Унинг асл исм-шарифи Аҳмад ибн Умар ибн Мұхаммад Ҳивақий ал-Хоразмийдир. Навоийнинг унга берган таърифи муболага эмас. Кубравия тариқатининг асосчиси бўлган улур шайх сийратда ҳам ўзининг поклиги ва инсонпарварлиги билан барчага ибрат бўлгулил ҳаёт кечирган. Хоразмга мўгуллар бостириб келганда Нажмиддин Кубро жангта чиққан ва мўғул саркардасининг қўлидан байробини тортиб олган. Мўғул саркардаси унинг бошини қилич билан учирив юборганда ҳам шайхнинг гавдаси бир ёланча вақт муаллақ туриб қолган.

**Нафю. нофий** — бу сўёларнинг маъносини англаш учун “Насиму-л-хулд” қасидасидаги мана бу байтларга эътибор қилишимиз керак бўлади:

Кўнгилда “Ло илоҳ”ни бойла “Иллаллоҳ” ила ҳар дам,  
Адо эт нафю исбот, чун буюрмиш пири ҳаққоний.

Мурод ул “ло илоҳ”дин “мосиваллоҳ”дир кўнгил ичра,  
Нофий зикрини айтмоқдин мурод ул Биру ваҳдоний.

Чу “иллаллоҳ” дегайсен, ул ҳақиқий маъбудинг мақсад,  
Дегайсен “Қул ҳуваллоҳу аҳад”, ул шоҳиди шони.

Бу оятни олиб хотирга, чун зикр айласин одам  
Ки, андин ўзга асло бўлмасин даъвою бурҳони.

Биринчи байтдаги биринчи мисра калимайи шаҳодатта тааллукли. Яъни ло илоҳа иллаллоҳ — Аллоҳдан ўзга илоҳ ийк. Иккинчи

мисрадаги нафюдан мурод инкор этишдир. Навоий айтади: инкору исбот этиш учун сенга Аллоҳ ақл берган, бу ишда тафаккурингни ишга сол.

Иккинчи байт олдинги байтнинг давоми: йўқ дейишдан мурод Худодан бошқа илоҳ йўқ демоқдир, шунинг учун, дейди Навоий кейинги байтда, “Қул ҳуваллоҳу аҳад”, яъни “Аллоҳ ягона дир”, деган буйруқ бўлди, Одам боласи ҳамиша шуни хотирида зикр этсан, бу, яъни “Қул ҳуваллоҳу аҳад”ни зикр этишда даъво ва исбот талаб этилмайди.

**Оби бақо** — Навоий бу бирикмада қасиданинг неча байт экан-лигини билдираяпти.

Байтнинг сонин, ҳисобин сўйласам: оби бақо,

Ул ҳисобин бул ибора бирла имло айлагай.

Абжад ҳисоби билан “оби бақо” 105 рақамига teng бўлади, демак, “Айну-л-ҳаёт” қасидаси 105 байтдан иборат экан.

**Одам Атодек билимда боғ барги токидир** — яъни илми бисёр эди дейилмоқчи.

Пайкари ороста бўлгач баски зеболик ила,

Ўзинг тоза руҳингдин анга жон әтдинг ато.

Бу байт форсий матнда шундай:

Чу гашт пайкараш ороста ба зебой,

“Нафахта фиҳи мин руҳи” он будаш мабдо.

“Нафахту фиҳи мин руҳи” жумласи Қуръони каримнинг Ҳижр сурасининг 29-оятига, Сод сурасининг 72-оятига ишорадир. Қуръони каримдаги оятлар матни шундай: “Фа-иза саввайтуҳу ва на-фахту фиҳа мин руҳи фақаъу лаҳу сожицийн” (Ҳажр сурасидаги 29-оят, Сод сурасидаги 72-оят), яъни бас, қачонки уни ростлаб, унга руҳимдан пуфлаганимдан сўнг, унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз.

**Озар** — Иброҳим ўалайҳиссаломнинг отаси, бутпараст бўлган, Намруд саройида бут ясовчи уста эди.

**Поксийрат Муштарий** — Юпитар назарда тутилган. Мунажжимлар бу юлдузни олтинчи осмонда деб билиб, уни фалак қозиси, деб атаганлар. У адолатли иш олиб борган экан. Навоий шу ривоятга ишора қилмоқда.

**“Рабби ҳаб ли...”** — “Рабби ҳаб ли мулкан ло йанбайй ва аҳадин мин баъдий (Қуръони карим, Сод сураси, 35-оят), яъни эй Раббим, менга шундай мулку салтанат бергинки, у ҳалигача ҳеч кимга берилмаган бўлсин; Сулаймон (а.с.) шундай дуо қилган экан.

**Санжар** — Санжар номи қаламга олинган мисраларда Навоий ишқнинг ҳамишалик порлоқлик хислатини образли англатиш учун кўхна иморатларнинг марвлик устаси бўлган Санжар янги даврда ҳам Санжардир деган фикрони билдиради (*Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20-жилд. 547-бет*).

**Скандар кўзгуси** — оинаи Искандар. Навоийнинг қасидасида фалакнинг тўртинчи қаватида қўёшнинг манзил туттанилигини айтар экан, унинг кўриниши Искандар оиласини эслатарди, дейди. Искандар ва унинг оламни акс эттириб турувчи оиласи афсона ва ривоятларда таъриф этиб келинган мўъжизавий бир ашёдир (*Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20-жилд. 544-бет*). Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Шарқ адабиётидаги Искандар тимсоли мутлақ Александр Мақдунийнинг сурати эмас, балки адолатли подшоҳ ҳақидаги эзгу рамэдир.

**Сосону Сомоний** — Сосон, Сомон; сосонийлар сулоласининг асосчиси; Навоий “Таърихи анбиёу ҳукамо” асарида уни Сулаймон пайғамбарнинг набираси, деб ёзган.

**“Тоҳо”** — Қуръони каримнинг 20-сураси бўлиб, асосан Маккада, 130 ва 131-оятларигина Мадинада нозил бўлган.

**Тұхфай нисор** — Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб қасида.

**Тўрт буюк дафтар** — Таврот, Инжил, Забур, Қуръони карим. Таврот китоби Мусо ъалайҳиссаломга, Инжил Ийсо ъалайҳиссаломга, Забур Довуд ъалайҳиссаломга, Қуръони карим пайғамбари миз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу ъалайҳи вассаламга нозил бўлган. Бу китобларнинг дафтар деб аталишининг сабаби, Шарқ мумтоз адабиётида китоб дафтар синоними билан ҳам талаффуз этилади.

**Умаршайх** — мазмунан Амир Темурнинг иккинчи ўғли.

**Фаридун** — Эроннинг афсонавий подшоҳларидан.

**Фиръавн, Ҳомон** — Мусо пайғамбарнинг душманлари; Фиръавн Миср ҳукмдори, Ҳомон унинг вазири бўлган.

**Хусрави беоқибат** — Хусрав — шоҳ, шоҳликни англатади. Навоий кўрсатилган мисрада “Хусрави беоқибат” биримасида ҳарфий санъатдан фойдаланиб, охири тушиб қолган Хусрав сўзига ишора қиласди. Агар Хусрав сўзидан охирги ҳарфи бўлмиш “вов” тушиб қолса, араб ёёвидаги ифодаси бўйича хуср сўзининг ўзагитина қолади. У ҳолда бу зиён, заҳмат, маъноларига эга бўлади. Навоий ўз замонасидаги адолатсиз шоҳлар ҳакида сўз юритмоқчи бўлиб, “Ўз ўлимни ўйламайдиган шоҳ мамлакатни хароб қиласди” деган фикрни “Хусрави беоқибат” ҳарфий санъатини ишлатиш билан ўз тасвирларига нозик маънолар баҳш этади (*Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, 20-жилд, 546-бет*).

**Харақоний** — Абулҳасан Харақоний XI асрда яшаб ўтган тасаввуф илмитинги йирик намояндаларидан бири.

**Хоқоний** — Афзалиддин Хоқоний Ширвоний (1120-1199) буюк озарбайжон шоири, Низомий-Ганжавий сингари асарларини форс тилида яратган.

**Чин турктозидин ҳинду чекар жафо** — Ўрта асрларда ва ундан кейин ҳам Ҳитой империяси Ҳиндистонга кўп марталаб босқин қиласди.

**Шерозий** — бу ерда Ҳожа Ҳофиз Шерозий назарда тутилган. Ҳофиз Шерозий (1325-1389/1390)дан бизгача етиб келган ўз дастхатида у ўзини “Шамсу-л-Ҳофиз аш-Шерозий номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад”, деб атайди. Унинг ҳакидағи дастлабки, аммо қисқа маълумотлар шоир ўлимидан кейиноқ тузилган “Девон”идаги сўэбошида шогирди Муҳаммад Гуландом томонидан келтирилган. Шоирнинг вафотидан 100 йил ўтгач, унинг ҳакида Ҷавлатшоҳ Самарқандий ва Абдураҳмон Жомий тазкираларида, Мирхонд ва Ҳондамирнинг тарихий асарларида маълумотлар пайдо бўлган. Шуни таъкидлашимиз керакки, Ҳофиз

Шерозийгача “ринд” сўзи ҳақоратли, камситиш маъносида бўлган эди.. Ҳофизнинг ўтли газалари туфайлигини бу сўз рамзий маъно касб этди ва суфийлик адабиётида ҳөхирй мавжудотларни ўзидан йироқлаштирган, шаръий амрларга нодонлик жиҳатидан эмас, балки зийраклик билан муносабатда бўлган киши таърифланган. Риндалар вужудлари тубор ва баширий кудуратлардан соф ва пок бўлган ориф авлиёлардир.

**Шоҳи Кирмоний** — шу жумла ишлатилган мисрада сўз ўйини бор: “кирм” — курт. “Шоҳи кирмоний” — куртлар шоҳи демоқчи. Аслида Қирмоншоҳ — тарихий шахс бўлиб, Баҳром ибн Шопурнинг қавмларидан биридир.

Эй шоҳ, тожингни қўй, Ҳаққа яқинлаб, тут мақом,

“Айн”ни “Ақраб” бошидин ол, “қурб” сенга лобар әрур.

Эй шоҳ, бошингдаги тожга бино қўйма, Аллоҳга яқин бўл, зулмни ўйқ қил, агар зулмни бартараф этсанг, Аллоҳга яқинлашган бўласан. Навоий ҳарфий санъатдан фойдаланган: агар “акраб” (чаён) сўзидағи “айн” ҳарфи олинса “қурб” (яқинлик) қолади. Бундан ташқари, бу байтда Иброҳим Адҳам воқеасига ҳам ишора бор.

**Яди байзо** — оппоқ қўл; Мусо (а.с.)нинг қўли. Мусо (а.с.) аслида қорача одам бўлган. Фиръавн ҳузурига келганда қўлини енгидан чиқарди. Аллоҳнинг қудрати билан унинг қўли тиниқ оқ бўлиб кўринади. Навоий шунга ишора қилмоқда.

